**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги**

# МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

**Тошкент – 2008**

**Масъул муҳаррир:** сиёсий фанлар доктори, профессор И.Эргашев

**Муаллифлар гуруҳи:** с.ф.д., проф. И.Эргашев, с.ф.н. Н.Бердалиев,
с.ф.н. М.Давлетова, Ғ.Маҳаммаджанов О.Бўтаёров,

Қўлланмада миллий ғоя, унинг маъно-мазмуни ҳамда уни тарғиб этишнинг технологиялари ўрганилган.

Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг янгича технологиялари ва воситалари ҳамда жамоатчилик билан ишлаш усуллари таҳлил этилган.

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Миллий Университети “Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари” йўналиши бўйича тайёрланаётган ёш мутахассисларга мўлжалланган.

# М У Н Д А Р И Ж А

**Кириш**.....................................................................................................**3-4**

**1-Мавзу:** Миллий ғоя тарғиботи технологиялари: предмети, мақсади ва вазифалари………………..…………………….........................................**5-17**

**2-Мавзу:** Миллий ғоя тарғиботи технологиялари соҳалари ва йўналишлари………………..………………………………......................…....**18-27**

**3-Мавзу:** Миллий ғоя тарғиботи воситалари…………….......................**28-40**

**4-Мавзу:** Миллий ғоя тарғиботи технологияларида замонавий Технологик услублар…………………………………………………….........**41-48**

**5-Мавзу:** Миллий ғоя тарғиботи технологияларининг самарадорлигига эришиш йўллари…………..……………………….................................**49-60**

**6-Мавзу:** Миллий ғоя тарғиботида “Жамоатчилик билан алоқалар”………………………………………………………………......**61-71**

**7-Мавзу:** Глобаллашув ва турли ғояларни сингдириш технологиялари……………………………………………**…72-81**

**8-Мавзу:** Ёшлар ва миллий ғоя тарғиботи технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари………………………….**..........82-95**
**Хулоса**………………..………………………….....................……**96-97**
**Илова ва слайдлар**…………………………………………………..…**99-140**
**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**............................................**41-144**

# КИРИШ

***Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзи бўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озуқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин.***[1]

Жамият ҳаёти ғоя ва мафкуралар билан боғлиқ ҳолда ривожланиб, ўзгариб келган. Бу ҳолат ҳозирги даврда ҳам ўзига хос намоён бўлмоқда. Турли ғоя ва мафкуралар майдони кенг жамоатчилик хусусан ёшлар онгига, ишонч ва майилларига ўзининг турли-хил таъсирини кўрсатмоқда. Унинг натижаси ғоя ва мафкуранинг мақсади, мўлжалларига ҳамда инсоннинг маънавий дунёсига боғлиқ эканлиги шубҳасиз.

Ҳозирги замонда мафкура майдонига янги технологияларни тобора такомиллашиб кириб кетаётганлигини, ундан соғлом ва носоғлом мақсадларда фойдаланишга уринишлар давом этаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу хусусан Ўзбекистон жамиятини ҳам миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишларга, унинг самарадорлигини ошириш учун янги

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008, 4-бет.

технологияларга таяниб иш кўришга ундамоқда. Уни ҳисобга олиш муҳим ғоявий – маънавий масалага айланди, ҳамда Ўзбекистонни мустақил тарраққиёт йўлидан ривожланишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Мазкур курснинг мақсади – ёшларга миллий ғоя тарғиботи технологиялари, уни амалга ошириш йўллари соҳалари, бугунги глобаллашув жараёнларида мафкуравий ва маънавий таҳдидларнинг олдини олишда уларни миллий ғоя негизлари ва умуминсоний қадриятларга садоқати, ишонч ва эътиқодини мустаҳкам бўлиш руҳида тарбиялаш иборат.

Курсни ўқитиш миллий ғояни тарғибот қилишнинг янги технологияларидан фойдаланишни назарда тутади. Амалий машғулотларни эса, кўпроқ жойларда ташкил этишга эътиборни қаратган ҳолда, ёшларда Ватанга мехр-муҳаббатларини, тарихий-маданий хотираларини, миллий-маданий мерос, урф-одатлар ва анъаларимизга хурмат билан қараш маданиятини шакллантиришга, ўзликни англашига алоҳида эътибор берилади. Мафкуравий хуружлар давом этаётган ҳозирги шароитда, унинг замонавий технологияларини такомиллаштириш миллий ғоянинг тарғиботи ва унинг  самарадорлигини оширишнинг муҳим омилидир.

Мазкур курсни ўрганиш миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқ йўналиши бўйича таёрланаётган мутахассис кадрларга мўлжалланган. Ундан миллий ғоя ва мафкуравий муаммоларни ҳамда унинг тарғиботи технологиялари билан қизиқувчилар фойдаланиши мумкин.

## 1-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ: ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

**Миллий ғоя ва тарғибот технологияси тушунчаси.** Кишилик жамияти, инсонлар кундалик ҳаётида ва фаолиятида доимо ривожланиб, такомиллашиб, янгиланиб борадиган муайян қарашларни, мақсадли эътиқодни ифодаловчи ғояларга-мақсадга таяниб иш кўради. Бу муайян ижтимоий ғоялар, таълимотлар орқали ҳам ифодаланади. Зеро, кишилик жамияти асрлар давомида қарор топган маънавий ҳаёт дунёқараш негизида шаклланган ғоя ва мафкурага таяниб, ҳаёт кечириб келмоқда. Жамиятлар ҳаёти муайян ғоя ва мафкуралар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Ғоя ва мафкураларнинг жамият ҳаётига таъсири ҳам ҳар хил бўлган. Масалан, эзгу, бунёдкор ғояларни тарғиб этиш жамиятнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатган бўлса, ёвуз ва тажовузкор ғояларни тарғиб этиш эса аксинча салбий таъсир кўрсатган.

Умуман, "ғоя ва мафкура" ҳамда у билан боғлиқ "ғоя ва мафкура технологиялари" тушунчаларини кенг маънога эга эканлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. "Миллий ғоя" тушунчаси ва "Миллий ғоя тарғиботи технологиялари" ундан фарқ қилади. У, фақат Ўзбекистон жамияти ҳаёти билан билан боғлиқ ҳолда унинг миллий-маданий ва умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ негизларини ўзида ифода этади. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари ҳам Ўзбекистон халқининг эзгу мақсадари ва манфаатларини ифода этадиган ғояни кенг жамоатчиликка етказиш йўллари, воситалари, шакл ва усулларини мажмуини ўз ичига олади.

И.А.Каримов: "Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжини ва халқ талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг эзгу орзу-интилишлари ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз"[2].

[2] Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. "Маъанавият" 2008. 71-бет.

Юртбошимиз ўз фикрларини давом эттириб: “Миллий ғоя ва миллий истиқлол ғояси ҳақида гап борар экан, биз ниҳоятда кенг, мураккаб серқирра, мураккаб тушунчаларни тасаввур қилишимиз керак. Бу тушунчалар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак ғояларнинг маъно-мазмунини теран англаб олишга хизмат қилади. Бу ғоя халқни-халқ, миллатни-миллат этадиган, унинг шаъну шарафи, ишонч-эътиқодини ифодалайдиган, ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган ҳолда мутассил ривожланиб борувчи қарашлар тизимидир”.[3]

Миллий ғояни сингдиришнинг самарали йўлларидан бири уни таълим тизимида узлуксиз ўқитиш эканлиги маълум. Қуйида мазкур фанни ўқитиш жараёни тарғиботи технологияларининг назарий ва амалий жиҳатлари, предмети мақсади ва вазифалари хусусида сўз боради. **“**Миллий ғоя тарғиботи технологияси” атамасининг пайдо бўлиши тасодифий эмас. Мустақиллик шарофати билан барча соҳалаларда туб ислоҳотлар ўтказилди. Бу ислоҳотларнинг замирида аввало, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришларни таъкидлаб ўтиш жоиз

Бугун давр ўзгарди, айниқса, замонавий мутахассисга талаблар давлат таълим стандартлари доирасида кучайтирилди: мустақил билимларни тўлдирувчи шахс бўлиш, мустақил фикр юритиш кабилар шахс сифатлари таркибига кириб улгурди.

Бундан ўқитиш ҳолатига тегишли қатор ҳолатлар келиб чиқади, чунончи, мустақил таълим салоҳияти кучайди, якка тартибда ўқитишга эҳтиёж сезиляпти, унинг методологик аҳамияти ошмоқда, ижодий тафкаккурни шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хўш, таълимда изоҳли-тасвирли-ёндашув ўқитиш технологик ёндашувга ўз ўрнини бўшатиб бераётгани, яъни ўқитиш жараёнини технологиялаштириш XXI асрда устуворлик касб этаётгани сабаби нимада?

Биринчидан, анънавий ўқитиш ёзма оғзаки сўзларга таяниб иш кўради ҳамда “ахборотли ўқитиш” сифатида тавсифланади. Бунда ўқитувчи нафақат талаба-ёшларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқарувчисига, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб қолаётганлиги хавфли ҳолатдир.

---

[3] И.А.Кармов Каримов И.А. Жамиятимиз мафкура халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Т.: “Ўзбекистон”., 1998 й. Б.3.

Иккинчидан, ахборотлар ҳажмининг кўпайиб бориши, улардан фойдаланиш учун вақтнинг чекланганлиги ҳамда уларни саралаш ва тизимлаштиришнинг бирмунча мураккаблиги ва янгича ёндашувларни тақозо этади.

Учинчидан, саноат ва бошқа технологияларнинг аудиторияга узлуксиз кириб келиши ва жонли  ўқув обьектларига айланиш ўқитувчининг анъанавий методика доирасидан чиқиб кетишига ва табиий равишда, технологик ёндашувларни қўллашга эҳтиёжни туғдирмоқда.

Бу жараёнларни амалга оширишнинг асосий йўлларидан бири-миллий ғояни тарғиб қилиш технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади. “Технология” тушунчаси, кенг маънога эга. У инсоннинг аниқ, мураккаб жараённи кема-кет ўзаро боғлиқ муолажа ва амаллар тизимига  тақсимлаш орқали кафолатли натижаларга эришиш мақсадида амалга ошириладиган усуллар, воситалар, йўналишлар тушунилади. Шу билан бирга “технология” тушунчаси XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жамоатчилик онгига мустаҳкам ўрнашди ҳамда илмий ва амалий тафаккурнинг ўзига хос йўналиши бўлиб қолади.

Унинг регулятив таъсири шундаки, у тадқиқотчи ва амалиётчиларни инсоний фаолиятнинг барча жабҳаларига, жумладан, таълим соҳасига ҳам ундайди:

- жараённинг натижавийлигини асослашга рўбарў келиши;
- фан ва тажрибаларнинг сўнгги ютуқларидан талаб қилинган натижаларни олишни кафолатлаш учун сафарбар қилиш;
- фаолиятни интенсив, яъни юқори илмий асосда қуриш (аксинча, куч вақт ва ресурсларни бекорга сарфлашга олиб келадиган экстенсив асосда эмас);
- фаолиятни мумкин бўлган тузатиш муолажалари сонини камайтириш мақсадида  башоратлаш ва лойиҳалашга асосий эътибор қаратиш;
- янги информацион воситалардан фойдаланиш, эскирган амалларни автоматлаштириш.

Бошқача қилиб айтганда, технологиялanувчанлик инсон фаолиятининг етакчи тавсифи бўлиб қолди, у таълимий жараёнларнинг самарадорлигини, мақбуллигини, юқори илмийлигини янги сифат даражасига кўтаришни англатади.

Технология- замонавий илмий- амалий тафаккур усули, деган хулосага келиш мумкин. У фаолиятни тубдан такомиллаштиришга, унинг натижавийлигини,

тезкорлигини техникавий қуролланганлигини оширишга оид амалий тадқиқотлар йўналишини акс эттиради. Технология-предметли соҳанинг обьектив қонунларини юқори ўлчовда акс эттирадиган ва шу боисдан муайян шароит учун натижаларнинг ўрнатилган мақсадларга мос келишини таъминлайдиган фаолиятдир.

Шундай қилиб, "технология" деганда инсоннинг аниқ, мураккаб жараённи кетма-кетли ўзаро боғлиқ муолажа ва амаллар тизимига тақсимлаш йўли билан кафолатли натижага эришиш мақсадида амалга ошириладиган усуллар тушунилади. Бунда муолажа сифатида жамбулжам ҳаракатлар қабул қилинади, у ёрдамида бош жараён (ёки унинг алоҳида босқичи) бажарилади, амал эса бу муолажа доирасидаги масалалаларнинг бевосита амалий ечими, яъни муайян жараённинг бир жинсли мантиқий ажралмас қисми ҳисобланади.

Технология (жараён сифатида) учта қоида билан тавсифланади:

- жараённи ўзаро боғлиқ босқичларга тақсимлаш;
- изланаётган натижага (белгиланган мақсад) эришишга қаратилган ҳаракатларни изчил ва босқичма-босқич бажариш;
- қўйилган мақсадга мос натижага эришишнинг зарурий шарти ҳисобланган технологик муолажа ва амалларнинг бажаришнинг алоҳида аҳамият касб этиши билан боғлиқ.

Бу жараёнларни амалга оширишнинг асосий йўлларидан бири-миллий ғояни тарғиб қилиш технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади. **"Технология"** тушунчаси, кенг маънога эга. У инсоннинг аниқ, мураккаб жараённи кетма-кет ўзаро боғлиқ муолижа ва амаллар тизимига тақсимлаш орқали кафолатли натижаларга эришиш мақсадида амалга ошириладиган усуллар, воситалар, йўналишлар тушунилади. Ҳозирги вақтда жамият миқёсида ишлаб чиқарилган ва фойдаланиладиган технологияларни ижтимоий ҳаёт соҳалари билан боғлиқ ҳолда бир нечта турга бўлиш мумкин: 1) саноат соҳасидаги технологиялар; 2) ижтимоий соҳадаги технологиялар; 3) иқтисодий технологиялар; 4) сиёсий технологиялар; 5) ғоявий-мафкуравий технологиялар в.ҳ.

Шу билан бирга, бу бўлиниш мутлоқ эмас албатта. Саноат технологиясига табиий хом ашёга (нефть, газ ва ҳак.) ишлов бериш ёки

улардан тайёр маҳсулот (металл прокат, алоҳида деталь ва узеллар ва ҳак.) олиш технологиялари назарда тутилади.

Ижтимоий соҳа билан боғлиқ технологияда инсон ҳаёти, унга хизмат кўрсатишини яхшилашга қаратилган соҳалар ҳисобланади. Ижтимоий технологияларнинг афзал жиҳатларидан бири уни ҳар қандай янгиликка мослаша олади: улар технологик жараённи ташкил этадиган алоҳида ёндашув ва амаллардаги камчиликларни тузатишга қаратилган бўлади. Масалан социал хизмат кўрсатиш тиббиёт соҳасида аҳолига замонавий хизмат кўрсатишни назарда тутади.

Миллий ғоя тарғиботи технологиясининг **предметини** амалга оширилаётган мафкуравий жараёнлар, анъаналаримиз, тарихимизни тиклашга доир ҳаракатлар, шунингдек, умуминсоний қадриятлар миллий ғоя тарғиботига хос бўлган амалий-назарий муносабатлар тизимини ўзида ифода этадиган қонуниятларни ўрганиш ташкил қилади.

Миллий-маданий анъаналаримиз, тарихий тараққиёт давомида эришган ва эришаётган ютуқларимизни асраб-авайлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ёшлар онгига Ватанга, миллатга ҳурмат руҳида тарбиялаш - бугунги кунда миллий ғояни тарғиб қилишнинг энг асосий мақсадларидандир. Миллий ғоянинг тарғиботи қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- аввало миллий ғоя тарғиботи бўйича комплекс дастур яратиш;
- миллий ғоя тарғиботи технологиялари мазмун моҳиятини очиб бериш орқали уни такомиллаштириш;
- миллий ғоя тарғиботида янги педогогик технологиялардан унумли фойдаланиш;
- миллий ғоя тарғиботи таълим тизимидаги фаолиятини такомиллаштириш, уни ривожлантириш йўлларини белгилаб бериш;
- миллий ғоя тарғиботида интерфаол усуллардан фойдаланиш орқали уни оммалаштириш ва босқичма-босқич сингдириб боришдан иборатдир;
- аҳоли кенг қатлами орасида тарғибот олиб боришдан иборат.

Бугунги кунда миллий ғояни фанларнинг кенг аҳоли онгига сингдиришнинг кўпгина технологиялари мавжуд. Технологиялар маълум мақсадларни (яъни бирор бир фан олдига қўйиган) амалга ошириш учун хизмат қилади. У бугун жамиятнинг барча соҳаларида ўзининг муҳим ўрнига эга бўлиб бормоқда Илмий адабиётларда бошқарув, педогогик, информацион интеллектуал технологиялар кенг тавсифланган. Улар ўзлари тегишли бўлган соҳалардаги мақсадларга эришишнинг асосий тамойилларини ўз ичига олади ва асосий мақсад сифатида фаолият кўрсатади. Миллий ғоя тарғиботи технологияларидан аввало, таълим тизимида кенг қўллаш орқали оммалаштириш йўли бугун муҳим аҳамият касб этмоқда. Уни таълим босқичлари орқали кенг жамоат онгига сингдириш аввало, таълим тизими билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилиши айни мақсадга мувофиқдир. Бугунги кундаги ислоҳотларимизни чуқурлаштириш ва уни такомиллаштириб бориш, жамиятининг барча соҳасида ўзгаришларни кейинги авлодга етказиб беришнинг асосий йўлларидан бири сифатида ҳам миллий ғояни янги фан технологиялари асосида тарғиб қилиш, уни босқичма-босқич асосида амалга ошириш катта аҳамият касб этади. Миллий ғоя тарғиботида асосий технологиялардан бири бу-педогогик технология ҳисобланади. “Миллий ғоя” фанини ўқитиш бўйича тўпланган тажрибалар шуни кўрсатадики, илгари Собиқ иттифоқ даврида амалда бўлган мафкуравий тамойиллар, машғулотлар олиб бориш усулидан энди бутунлай воз кечиш лозим. Демак, замонавий тафаккур методологияси, илғор педогогик усуллардан фойдаланиш зарурлигини моҳияти ҳам ана шу ерда. Бундай мазмундаги технологиялардан бири “Ўқитиш технологияси” бўлиб, ушбу тушунча илк бор 1970 йилда ЮНЕСКО конфренциясида янгради. Шу ташкилот томонидан нашр қилинган “Яшаш учун ўқиш” номли маърузасида юқоридаги атама таълим жараёнини модернизациялашда ҳаракатлантирувчи куч сифатида аниқланди. “Қандай ўқитиш керак” номли маърузада биринчи марта унга таъриф берилди. Унда ўқитиш технологиясини биринчи марта информацион инқилоб натижасида пайдо бўлган ва дидактикада фойдаланиладиган инсон ўртасида алоқа (мулоқот) усул ва воситалари йиғиндиси сифатида тавсифланади. Педогогик технологияларини ичида энг кўп тарқалгани бу – “таълимий технология”, “педогогик технология”, “тарбия технологияси”, “ривожлантириш технологиялари”

ҳисобланади. Улар ўз навбатида махсус йўналишлари асосида миллий ғояни тарғиб қилишда алоҳида ўрин тутади. Бундан ташқари, асосий восита сифатида бугунги "тўртинчи ҳокимият" сифатида баҳоланаётган оммавий ахборот воситалари асосий мезонни ташкил қилади. Оммавий ахборот воситалари кенг ва доимий равишда миллий ғояни тарғиб қилишнинг асосий воситаси, шунингдек, маълумотларни аниқ ва тезкор равишда таъминлаб бериш учун ҳам маъсулдир. Жамиятимизни асосий ғояси ҳисобланмиш-миллий ғояни тарғиб қилишнинг асосий йўналишларидан бири уни тан олинган ва тушунарли, ҳаммабоп технологиялар асосида амалга ошириш бугун уни янада муҳим жиҳатларини очиб беришда алоҳида аҳамият касб этади. Аввало янги педогогик технологияларни, хусусан, ўқитиш технологияси бугун миллий ғоя такомилида алоҳида нисбатга эгадир. Унинг ўзи ўз навбатида, ҳам анъанавий назарияларни, шунингдек, модернизация жараёнларида ўзида сайқаллаштириб боради. Маълумки, педогогика қонуниятида фанни маълум андозалар ва қаътий меъёр асосида ривожлантирилмайди. У доимо янгиликларни ўзида мужассам этиб боради. Бошқача қилиб айтганда, бугунги кунда миллий ғоя тарғиботида юқорида кўрсатиб берилган технологияларнинг бугунги кундаги асосий вазифаси-уни тарғиботи даражасини ошириш йўлларини кўрсатиб бериш, унинг натижавийлигини, тезкорлигини, техникавий қуролланганлигини оширишнинг амалий тадқиқотлар йўналишини белгилаб беришга қаратилгандир. Миллий ғоя тарғиботи бу-узоқ давом этадиган жараён бўлиб, унинг самарадорлигини ошириш, аввало, тарғибот технологияларига боғлиқ. Айнан шу турдаги технологиялари миллий ғояни аҳоли онгига сингдириш, тушунтириш ва аввало моҳиятини очиб беришда етакчи аҳамият касб этади.

Тарғибот технологиялари бугунги кунда тарғиб этиш янгиликларини, таълимий жараёнлардаги мустақилликни таъминлаб бериши билан ҳам ажаралиб туриши лозим. Авваллари ҳукмронлик қилиб келган "изоҳли-тасвирий ёндашув" (яъни фақтгина маъруза-ўқитиш асосида) технологиялари бугун бир томонлама йўналишга эга бўлиб, самарадорлик даражаси деярли камайиб бормоқда. Ҳозирги замон миллий ғоя тарғиботи технологияларини ҳам такомиллаштириб, узлуксиз янгилаб боришни тақозо этмоқда. Бу ҳар бир фан соҳаси билан боғлиқ. Чунки, фан соҳалари миллий ғоя мақсадлари билан муштарак.

Таълим-тарбияда ҳам миллий ғоя негизларига, тамойилларига таяниш муҳим. Бунда анъанавий йўл билан бирга замонавий ёндашув ўртасидаги нисбий муҳим аҳамиятга эга миллий ғоя тарғиботида замонавий усуллардан фойдаланиш деганда, кўпроқ, янги техник воситалардан фойдаланишни, материални янгича услубда етказиб бериш, жонли мулоқот, савол-жавоблар, баҳс-мунозара, интерфаол усулларни кўпроқ қўллаш тушунилади. Бу бир томонлама эмас, кўп томонлама фаолликни оширади. Тингловчини, эшитувчини фикрлашга, фикрини уйғотишга, унинг жамиятдаги ўрнини ҳис этишга, онг ва тафаккурнинг ўзгариб боришига ундайди. Бугун миллий ғоя тарғибот технологияларининг самарадорлигини оширишнинг йўллари сифатида аввало қуйидагиларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- биринчидан, тарғибот технологияларни моҳиятини, мазмунини, шунингдек уни таълимдаги фойдали жиҳатларини кўрсатиб бериш;

- иккинчидан, аввалги "изоҳли-тасвирий ёндашув" (яъни фақатгина маъруза-ўқитиш асосида) тизимдан воз кечган ҳолда, энди жараён ёки мавзуга иккинчи томоннинг ҳам муносабатлари тизимини шакллантириш (буни айнан тарғибот технологиялари амалга оширади) тарғибот технологиялари воситалари ролини янада такомилаштириш, ахборот аниқлиги ва тезлигини таъминлаб бериш, шу асосда бугун миллий ғоя тарғиботини йўналтириш зарур. Инсон-мураккаб мавжудот. У ахборотларни, жараёнларни турли хил тарзда қабул қилади. Шу жиҳатдан олганда, миллий ғоя тарғиботида ҳам бугун уни қабул қилиш даражаси ва йўналишларига қараб бир қанча тарғибот технологияларидан фойдаланилмоқда. Улардан энг кўп қўлланилаётгани бу - "жамоатчилик билан алоқалар" технология сидир. Унинг қисқача моҳияти-жамият манфаатлари йўлида давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасида мулоқот ўрнатиш санъатидир. Аввало бу технологияни қўллашнинг ва уни қабул қилишнинг моҳияти унга берилган қуйидаги сифатлари даражаси билан боғлиқ:

- аниқ мақсаднинг қўйилганлиги;
- шароитга ижодий мослашувчанлик;
- назарий ва услубий жиҳатдан пухталик;
- ортиқча мураккаблаштиришдан холилик;
- қўллашда қулайлик.

Мамлакатимизда яшаётган барча халқларнинг асосий бирлаштирувчи байроғи бўлган-миллий ғояни туб моҳиятини тушунтириш, уни қўллаб-кувватлашларига эришиш, бу жараёнда вужудга келадиган мҳаммоларни ҳал қилишда жамоатчиликнинг фикрига таяниш, миллий ғояни тарғиб этишда аҳолининг манфаати ва истакларини ўрганиш, фуқароларни ёт, зарарли мафкура ва ғоялар таъсиридан ҳимоялаш вазифаларини амалга оширишда бугун "жамоатчилик билан алоқалар" технологиясини ўрни каттадир. Дунё бугун ривожланишнинг янгича босқичига кирди. Бу даврда тараққиёт билан бир ўринда, 20-асрнинг мазмунини очиб берган "қуролланиш хавфи" анча камайган бўлса-да, аммо мафкуравий тайзиқ даражаси анча ўсиб бормоқда. Ҳатто бугун биз баъзи бир мамлакатларни унинг таъсирига тушиб бораётганлигига биз гувоҳ бўлиб турибмиз. (Масалан, Украина, Қирғизистон, Грузия). Айнан ана шундай хавфларнинг олдини олиш ва уларнинг таъсирига чидаб бериш қобилиятига эга бўлган "қалқон" бу-халқимизнинг анъана ва тарихини ўзида мужассам этувчи, уни келажакдаги тараққиётини белгилаб бериш учун хизмат қиладиган миллий ғоядир. Аммо, миллий ғояни мавжудлигининг ўзи етарли, ҳолат эмас. Балки уни бир бутун ҳолда мазмунини тушуниш, қабул қилишлари, уни асраб-авайлашлари уни халқ ва давлат манфаати мисолида қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. 1922 йилда таниқли социолог П.Сорокин буни исботи сифатида шундай деб ёзган эди: "ҳар қандай жамиятнинг тақдири аввало, уни аъзолари хусусиятига боғлиқ. Бефарқ ва лоқайд одамлардан ташкил топган жамият ҳеч қачон ривожлана олмайди. Бир гуруҳ шайтонларга ажойиб конституцияни бериб қўйинг, барибир сиз улардан ажойиб жамият туза олмайсиз " деб ёзган эди. Айнан "жамоатчилик билан алоқалар" технологияси миллий ғоя тарғиботида жамоат билан муносабатлар тизимини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Педогогик ўқитиш технологияси эса уни сингдиришда муҳим ва асосий дастак вазифасини бажаради. Миллий ғоянинг асосий ташувчиси-ёшлар ҳисобланади. Шуни ҳисобга олганда, бугун ёшларнинг онгига милллий ғоя мақсадларини сингдириш, уларни анъаналаримиз, тарихимиз, умумэътироф этилган демократик тамойиллар руҳида тарбиялаш бугунги кунда миллий сиёсатимизнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Миллий ғоя тарғиботининг асосий мақсади- аввало, жамият барча аъзолари, шунингдек, ёш

авлодни шу ғояга ишонч ва эътиқод асосида тарбиялаш, уларни турли "мафкуравий хавфлар"дан ҳимоя қилиш, давлат ва жамият манфаатларини доимо ўзига маъсулият деб ҳис қиладиган ҳолатда тарбиялаш бугун алоҳида мазмун касб этмоқда.

Шахс ва давлат орасидаги муносабатларнинг технологик ўзгариши натижасида, муносабатлар технологияси такомиллашмоқда. Шахснинг мустақил фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш ва маъсулиятни ўз зиммасига олиш каби жараёнларнинг барқарор бориш учун:

- инсон ҳаётида турли вазиятларга тушиб қолганида унинг ҳаёт мобайнида тўплаган тажрибаси, инсоний фазилатлари етакчи рол ўйнайди;
- ёшларда муаммолар, воқеа-ҳодисаларни реал макон ва вақт чегараларида аниқ тасаввур қилиш ва ечимларини белгилай олишни ривожлантириш;
- бир вақтнинг ўзида бир қанча муаммолар моҳиятини англаш орқали тажрибани янги муаммолар ечимига йўналтириш;
- ўзини-ўзи бошқариш, ўз фаолиятини аниқ ва тўғри ташкил қилиш қобилияти, ҳар қандай ишга шахсан кириша билиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш каби шахсий хусусиятларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Глобаллашув жараёнида мафкуравий кураш ўзининг юқори нуқтасига чиқаётган бугунги кунда, мафкуравий таъсирлар аввало, ёшларнинг онгини заҳарлаш ва уларни ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш оқибатлари бизга шуни яна бир бор исботламоқдаки, аввало мана шу қатлам орасида миллий ғоя тарғботини кенг кўламда ёйиш, моҳияти очиб беришга хизмат қиладиган турли дебатлар, таълим тизимидаги тарғибот технологияси сифатида асосий мазмун касб этувчи-"ажурли арра" (яъни, турли мавзуларга нисбатан талабаларнинг муносабатларни икки гуруҳга бўлинган равишда таҳлил қилиш), "кластер", яъни ахборотларни ёйиш, шунингдек, "мунозара", "ўз ўрнингни топ" яъни, агар аудиторияда муайян мавзу бўйича тортишувлар вужудга келса, мазкур метод ёрдамида муаммо ечими аниқланади. Унинг мазмуни дарснинг асосан кириш қисмида қўлланилади, ўтилаётган мавзуга нисбатан турли ёндашувлар мавжудлиги

айтилади. Бу бир томондан. Иккинчи томондан талабалар фикрини баён қилиши, ўзгартиришга имкон туғилади. Ниҳоят дарс сўнггида ўқитувчи мавзуни ўзлаштириш даражасини баҳолайди. Бундан ташқари бугун педогогик технологиянинг “Дебатлар” усули каби интерфаол усулларидан кенг ва оммавий равишда таълим тизимларида фойдаланиш миллий ғоя тарғиботида етакчи мазмун касб этади. “Дебатлар” асосида дарсни ташкил этишдан асосий мақсад муаммо ечимини топишда талаба ўз ёндашувининг тўғрилигига ўзларини ишонтиришдир. Ўз фикрини аниқ, лўнда баён этиш, бунинг учун тўғри далил ва хулоса топиш кўникмасини шакллантиришда “дебатлар” самарали метод ҳисобланади.

Миллий ғоя тарғиботи ва ташвиқотининг асосий усулларидан бири-“Танқидий фикрлаш” усули ҳисобланади. Вазифаси: Демократик жамиятда ҳар бир фуқаро ўз муаммосини оқилона ечиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Шу боисдан миллий ғояни аҳоли ва айниқса, ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботини такомиллаштиришда таълим технологиясининг ўрни беқиёсдир. Шу боисдан, талабаларни баҳс-тортишув орқали масаланинг ечимини топишга кўпроқ жалб қилиш лозим.

Саволларни ечишда талабаларда тинглаш, мулоқот олиб бориш, турли фикрларни таққослаш, ўзгалар фикрига бефарқ қарамаслик каби одатлар шакллана боради, масалани ечиш ва ҳукм чиқариш, аналитик фикрлаш қобилияти ривожланади, мунозара юритиш, ечимларни тўғри топиш ўзлаштирилади.

Миллий ғоя-миллатни бирлаштирувчи бамисоли бир байроқ, уни жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун аҳамияти давлатлар ўртасида “ғоялар” кураши авж олаётган бир замонда янада ортади. Давлатнинг мавжудлигининг асосий омилларидан бири уни фаолиятининг амалий ва назарий исботланган, миллий анъналари, тарихи, миллий мероси билан суғорилган ғояларига, мафкурасига эга бўлиши билан белгиланади. Айнан давлатларни бугунги қарам қилишнинг бир қанча усуллари мавжуд бўлсада, (асосан иқтисодий, яъни капитал киритиш йўли билан) аммо бундай хавфларни олдини олиш мумкин, аммо “ёт ғоялар”нинг хавфини қайтариш учун аввало давлатнинг ўзида ҳамжиҳатлик, бирдамлик, ватанпарварлик руҳидаги қарашларга, айнан миллий ғоясига эга бўлиши етакчи мазмун касб этади. Бугун ана шундай миллий ғояга, аждодларимиз орзу қилган мустақиллик шукуҳи билан

қуролланган миллий мафкурамизга эга бўлдик. Эндиги галдаги асосий вазифа-уни аҳолининг кенг қатламлари орасида тарғибот ташвиқот ишларини амалга оширишдан иборатдир. Бунда албатта миллий ғоя тарғиботи субъектларининг ролини янада ошириш, уларнинг ҳар бири учун белгиланган мақсад ва шу асосдаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, миллий ғоя тарғиботининг икки асосий белгиларига, хусусан, босқичма-босқичлик тамойилларига амал қилиш асосида миллий ғоя тарғиботи объектларини хусусиятларини (ёш, фаолият, йўналиш, хоҳиш-истакларни) ҳисобга олиш билан боғлиқ бўлса, иккинчи асосий жиҳати миллий ғоя тарғиботининг узлуксизлиги билан бевосита боғлиқдир. Айнан шу икки жиҳатда миллий ғоя тарғиботининг ўзак қисмини ташкил қилади ва инсонларнинг миллий ғояни доимо ҳис қиладиган даражадаги ҳаёти манбаи ва фаолиятига айланишини таъминлайди. Бу жараённи таъминлашда аввало оила, оммавий ахборот воситалари, маҳалла ва асосийси жамиятнинг бирдамликдаги ва ҳамкорликдаги фаолияти етакчи мазмун касб этади. Бу миллий ғоя тарғиботи субьектларининг ҳар бирининг ўзига хос бўлган дастури ва тажрибалари бор бўлиб, унинг амалда қўллаш орқали миллий ғоя тарғиботини такомиллаштириб берадилар. Миллий ғоя тарғиботининг асосий мақсади ҳам инсонларни бошқа ёт ғоя ва мафкуралар “таъсирига” тушиб қолмаслигини, ўзига хос равишда улар билан курашиш қудратига эга бўлган иммунитетни шакллантиришга қаратилгандир. Айнан миллий ғояни ҳаётининг мазмуни ва мақсади билан боғлаган шахсгина бугунги истиқлолнинг қадрига етади ва уни ҳимоя қилишни маъсулияти деб ҳис қилади. “Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлса-да, тули хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуравий тортишувлар тўхтагани йўқ. Очиқ айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган мақсад- инсон, авваламбор, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки халқнинг онгига, унинг сезги- туйғуларига таъсир ўтказиш,уни ўз дунёқарашига бўйсундириш ,маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги ,тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир”[4]-деган эди И.АКаримов.

---

[4] Каримов И.А. Жамиятимиз мафкура халқни –халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Т.: “Ўзбекистон”., 1998 й. Б.5

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда миллий ғояни жамият ҳаётида ўрни ва аҳамияти катта экан, аммо ҳали уни жамиятда тарқалиши даражаси анча суст. Айнан шу турдаги камчиликларни олдини олиш ва аввало тарғиботи кўламини, самарадорлигини кенгайтириш уни кейинги тараққиёт мазмуни ҳам белгилаб беради. Айнан миллий ғоя тарғиботи йўллари ва усуллари, уни амалга ошириш технологияларидан унумли фойдаланишдан мақсад ҳам ва шу асосда жамият аъзоларининг онгига сингдириш йўлларини кўрсатиб беришдан иборатдир. Бу жараён бевосита жамиятимизнинг "ғоявий таъсирлар", шунингдек, "мафкуравий хавфлар" таъсиридан ҳимоя қилишда барчанинг маъсуллиги даражаси билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади.

**Таянч тушунча:** миллий јоя, тарјибот, технология, интерфаол усуллар, миллий јоя тарјиботи, миллий јоя тарјиботи технологиялари, тарјибот технологияси моіияти, Дебат усули.

**Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича саволлар.**

1. Миллий јоя тарјибот технологиясининг моіияти.
2. Миллий јоя тарјиботи технологиялари маєсади ва вазифалари.
3. Педогогик технологияларни миллий јояни тарјиб єилишдаги аіамияти.
4. Тарјибот технологиялари мазмуни ва моіияти.
5. Миллий јоя тарјибот ва ташвиєотининг асосий усуллари.

# 2- МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Миллий ғоя тарғиботи ва ташвиқоти тушунчаси ҳақида тўхталишдан аввал “тарғибот” ва “ташвиқот” тушунчаларининг ўзагига эътиборни қаратиш зарур. “Тарғибот” тушунчасининг ўзагини “рағбат” сўзи ташкил этгани боис ҳам, у инсонни бирор ҳаракатга рағбатлантиришни назарда тутади. “Ташвиқот” тушунчасининг ўзаги эса “шавқ” сўзидан олинган бўлиб, у кишида бирор нарсага шавқ уйғотишга йўналтирилган.

Тарғибот инсоннинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган. Тарғиботчиларни шунинг учун ҳам «инсон қалбининг созловчилари» деб атайдилар. Демак, тарғибот-ташвиқотдан мақсад – фақат билим орттириш эмас, балки кишини бирор ҳаракатга ундашдан иборат. Масалага ана шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, “миллий истиқлол ғояси” ҳақида маълумот бериш билан чекланмасдан, мафкуравий мақсадларни аниқ вазифалар шаклига келтиришимиз, миллий истиқлол мафкурасидаги асосий ғояларнинг амалий ҳаракатларга айланишига эришишимиз зарур. Чунки миллий ғоя чуқур эътиқодга айланган тақдирдагина у улкан куч ва қудратга эга бўлади. Бунинг учун эса халқда мафкурадан ўрин олган ғояларга кучли ишонч, эътиқод ва унга амал қилиш бўлиши лозим. Президент И.А.Каримов таъкидлагандек, «Миллий ғояда мужассам бўлган буюк мақсадларни рўёбга чиқариш авваломбор жамиятимиз ва шу жамият аъзоси бўлмиш ҳар қайси инсоннинг маънавий олами ва дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлар билан боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур»[5].

XXI асрда инсоният ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги палласига қадам қўйди. Миллий ғояни сингдириш усуллари, технологиялари ўзгарди. Дунёда катта ўзгаришлар содир бўлаётган бугунги кунда ижтимоий маконни ўзлаштиришнинг янги усуллари, жумладан, янги технологиялар кенг русум бўлди. Технологиялар асри деб аталаётган XXI асрда ишлаб чиқаришда жорий этилган янги технологиялар меҳнат самарадорлигини мисли кўрилмаган даражада ўстириб юборди. Бироқ янги технологиялар фақат саноат ва қишлоқ хўжалигида

---

[5] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т., Маънавият, 2008, 76-бет.

қўлланилмаяпти, балки маънавий, мафкуравий жараёнларда ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Мамлакатимиздаги мафкуравий жараёнларга хам шу нуқтаи назардан ёндошиш миллий ғояни тарғиб қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш заруратини кўрсатади. Миллий ғояни халқ қалби ва онгига сингдириш муайян технология асосида олиб борилганида тадбирларнинг кетма-кетлиги, миқёси ва меъёри, давомийлиги ва тамойиллари сингари жиҳатлар қамраб олинади. Уларнинг муҳимлиги шунда кўринадики, масалан, тарғиботда меъёрнинг бузилиши, миллий мафкура тўғрисида меъёрдан ортиқ гапиравериш, меъёрни билмаслик тескари самара бериши мумкин. Тарғибот технологияси миллий ғоя ва миллий мафкура мазмун-мохиятига мос бўлган тақдирдагина кутилган натижага эришиш мумкин.

Ўзбекистонда мафкуравий жараёнларни ташкил этишнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- белгиланган тадбирларнинг юқори даражада уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш;
- миллий ғоя тарғиботининг сифатини мунтазам ошириб бориш;
- давр талабларидан килиб чиққан ҳолда мафкуравий ишларни ташкил этишнинг янги, самарали йўлларини излаш;
- эски услубларнинг мутлақлаштирилишига, андозалаштиришга йўл қўймаслик;
- мафкуравий жараёнларни ташкил этишда ижтимоий муҳитни ҳисобга олиш;
- мафкуравий жараёнларни ташкил этишда учрайдиган расмиятчилик кўринишларига барҳам бериш;
- мафкуравий фаолиятнинг қанчалик самарали олиб борилаётганини билиш мақсадида унинг мониторингини ташкил этиш.

Миллий ғоянинг тарғибот-ташвиқотини ташкил этишда қуйидаги ташкилий тамойилларга амал қилиниши мақсадга мувофиқ:

- *кенг қамровлилик*, бунда жамиятнинг барча аъзоларига ғоялар хилма-хиллиги асосида мафкурани сингдириш, бу жараёнда аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш назарда тутилади. Натижада, жамиятнинг барча бўғинлари мафкуравий

таъсир доирасида қамраб олинади; - умумий мақсадга йўналтирилганлик; - фаол инсонни тарбиялаш ва инсон салоҳиятини юзага чиқариш мафкуранинг бош мақсади қилиб олинади;

- *узлуксизлик* - миллий истиқлол ғояси тарғиботининг маконда ва замонда доимийлигини, унинг яхлит тизим шаклига келтирилишини англатади. Узлуксизлик тамойили миллий ғояни халқ онгига сингдириш учун мамлакатда муайян мафкуравий майдон яратишни тақозо қилади. Бу майдондаги ҳар бир ҳолат ва ҳаракат, жумладан, таълим тизимидаги ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, синф ва аудиториялар, кўргазмали қуроллар миллий ғояга уйғун бўлишини тақозо этади.

- *кетма-кетлик* - ҳар бир босқич учун исталган қадриятларни сингдириш мақсадида мафкуравий ташвиқот режалаштирилади;

- *босқичма-босқичлик* - миллий мафкурани тарғиб қилишнинг руҳий жиҳатлари билан боғлиқ бўлиб, ҳам тарғиб қилувчи, ҳам қабул қилувчининг муайян тайёргарлик босқичларидан ўтишини тақозо қилади. Айтайлик, бошланғич синф ўқувчисига миллий мафкуранинг фалсафий ва этник илдизлари тўғрисида гапириш ноўрин бўлишдан ташқари мутлақо самарасиз ҳамдир. Шунинг учун боғчада, бошланғич синфларда, тўлиқсиз ўрта мактабда, юқори синфлар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари ва меҳнат жамоаларида мафкуравий иш тингловчи ва ўқувчиларнинг ёши, билими, маълумоти каби жиҳатларини ҳисобга олиб аниқ белгиланган режа асосида олиб борилиши керак;

- *меъёрийлик* - аксилтарғиботни келтириб чиқарадиган, ҳаётдан узилиб қолишга олиб келадиган баландпарвозлик, расмиятчилик ва такрорланишларга йўл қўймайди;

- *шахсий ибрат* - мафкурамизни тарғиб қилишда муваффақиятни таъминлайдиган муҳим омиллардан бири. Мактаб муаллими дарсда ўқувчиларга миллат манфаатлари, орзу-умидлари, интилишлари тўғрисида баландпарвоз гапларни гапирса-ю, ўзи ҳаётда шу манфаатларга зид ишларни қилса, бу тарғиботнинг самараси нольга тенг бўлади. Мамлакат ва миллат равнақи тўғрисида оғиз кўпиртириб гапирадиган бошлиқ бўшаб қолган лавозимга лаёқатли ва муносиб ходим қолиб, ўзига қарашли, Лекин, бу ўринга номуносиб одамни

тиқиштирса, у миллатнинг юзига оёқ қўйган бўлади ва унинг миллий мафкурани аксилтарғибот қилган бўлади. Шунинг учун, миллий ғояни аҳоли онгига сингдиришда тарғиботчилар фаолиятида иш билан сўз бирлигини таъминлаш, айниқса, раҳбар ходимларнинг шахсий ибрат кўрсатиш тамойилига амал қилиши муваффақиятни таъминлайдиган энг муҳим омиллардан биридир. Корхона, ташкилот, муассаса раҳбари, улар давлат сектори ёки хусусий секторга тегишли бўлишидан қатъий назар ўз жамоасидаги маънавий-мафкуравий жараёнларга масъул бўлиши керак;

- *илғор тарғибот-ташвиқот технологияларидан фойдаланиш* - бунда мафкуравий тарғиботга инсонларни моҳирона бошқариш усули сифатида қаралади. Миллий ғоянинг тарғиботи қотиб қолган нарса эмас, фаол жараёндир. Шунинг учун уни қадимдан қолган ваъз айтиш ва маъруза ўқиш каби тарғибот шакллари ёрдами билангина кенг халқ оммаси онгига сингдириб бўлмайди. Мақсадга эришиш учун тарғиботнинг фаол шаклларидан, замонавий технологиялардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ёшлар орасида тарғибот олиб борилганда мунозара, баҳс, давра суҳбати каби шакллардан оқилона фойдаланилса мақсадга тезроқ ва тўлароқ эришиш мумкин. Ёшларнинг физиологик ва рухий хусусиятлари ваъз ва маърузаларни эмас, кўпроқ интерфаол усуллар ва санаб ўтилган тарғибот шаклларидан фойдаланишни тақозо қилади.

Мазкур тарғибот тамойиллари миллий ғояни инсон онги ва қалбига сингдиришнинг барча босқичлари учун умумий ва бир хил бўлиб, турли босқичларда, турли шакл ва воситалардан фойдаланганда одамларнинг ёши, касби, маълумоти каби нима учун миллий ғояни инсон онги ва қалбига сингдириш зарур ва муҳим? Миллий ғоянинг тарғиботи нимага хизмат қилади ва бу жараён қандай ташкил қилиниши кирак? Умуман, миллий ғоянинг тарғиботи билан кимлар ва қандай тузилмалар шуғулланиши керак? Мазкур мавзуни ўрганиш шу каби саволларга жавоб топиш имконини беради.

XXI асрни ахборот асри, ахборот технологиялари асри деб аташ тобора русум бўлмоқда. Чунки асримизда кенг қамровда ва жадал суръатларда тарқалаётган информациялар инсоннинг истакларини, дидини ўзгартиришга, фикрига таъсир қилиши мумкин. Тан олиш керак, томоша қилинаётган сериаллардан тортиб

болакайларга айтиб бериладиган эртаккача, борингки, ўқиётган китобларимиз ҳам қандайдир мафкуравий таъсир самарасига эга - уларда муайян ғоялар тарғиб қилинади. Бу ҳолат «Энг асосий нарсани кўз билан илғаб бўлмайди» диган фикрни яна бир карра тасдиқлайди. Бундай кўзга кўринмас қудратли тарғибот кучлари кишини ҳамма ерда ва ҳар куни қуршаб туради. Бу кучларнинг мақсади – инсонни нимагадир ишонтириш, нимагадир ундаш, нимагадир оғдириш. Тадбиркор маҳсулотини реклама қилиб, уни сотиб олишга ундайди. Диний арбоблар ўз динига эътиқод қилишга чақиради. Халқаро майдонда баъзи давлатлар ўзининг «катта оға» эканини уқтиришга ҳаракат қилади. Лекин танганинг орқа томони ҳам бўлади-ку. Агар ўша молини мақтаётган тадбиркор тамаки сотаётган бўлса-чи? Унинг зарари ҳақида одамларни ким огоҳлантиради? Агар ўша диндор, ҳақиқий дин четда қолиб, давлат тузумини ағдаришга чақираётган бўлса-чи? Бундай бузғунчиликлардан халқни ким қайтаради? Ёки жаҳонда «катта оға»ларнинг қўлидан тутиб эмас, мустақил одим ташлаш кераклигини ким тушунтиради? Бу каби тарғиботни ёки аксилтарғиботни ким ташкил қилиши керак?

Бугунги кунда ривожланган давлатлар қудратли тарғибот тизимига эга бўлишга интилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, ўз фаолиятининг тарғиботига АҚШ ҳукумати йилига 2,5 миллиард доллар сарфлаши бежиз бўлмаса керак. Франция ҳам ўз сиёсатини аҳолига тушунтириш ишларига йилига 100 миллион франкни бекорга сарфламаётгандир? Бу маълумотлар тарғибот нафақат динда, бизнесда муҳимлигини, балки сиёсатда ҳам, маънавий-маърифий ишларда ҳам муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Демак, ривожланган демократик давлатлар ҳам мафкуравий фаолиятдан сира воз кечмаган.

Пухта ишлаб чиқилган стратегик йўналиш давлатнинг истиқболини белгилайди. Ўзбекистоннинг стратегик мақсадлари Ислом Каримовнинг қатор асарларида, жумладан, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» ҳамда «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида белгилаб берилган. Шу мақсадлар сари инсонларни сафарбар қилиш уларни ғоялар шаклида сингдириш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг тақдири, сўзсиз, ҳар бир фуқаро, аниқроғи инсоннинг фаоллигига боғлиқдир. Бу эсаислоҳотларнинг моҳиятини халққа тушунтиришни талаб қилади. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда мафкуранинг тарғиботи «ҳукумат сиёсатининг ташвиқоти» кўринишида амалга оширилади. Давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсатини махсус тарғиб қилишни талаб этади. Бундай тарғибот ислоҳотларнинг «мафкуравий асосда таъминлаш»га хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳаётидаги ўзгаришлар инсонлар онгида ҳам катта ўзгаришлар қилишни талаб этади. Ўтиш даврида ҳар қандай давлат янги замон кишисини тарбиялаш ҳақида жиддий қайғуриши табиий. Демак, Ўзбекистонда ҳам «комил инсон» ғоясида эътироф этилган шахс мос сифатларини фуқароларда қарор топтириш вазифаси кўндаланг турибди. «Фуқаролик аҳлоқи»ни бундай тарбиялаш мафкуравий сиёсатнинг негизини ташкил этади.

Ўзбекистонда ёш авлодни янгича фикрлашга ва тафаккурини ривожлантиришга, сиёсий фаоллигини йўналтиришга, уларни мустақиллик ғояларига содиқ қилиб тарбиялаш вазифалари босқичма-босқич равишда амалга оширилмоқда. Глобаллашув жараёнида сиёсий ва психологик кўрсатмаларнинг бутунлай ўзгариши ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг долзарблигини кўрсатади.

Хавфни сезиш ва унга қарши курашиш тузилмалари - шахснинг ўзини-ўзи англаш жараёнида шаклланади. Ёшларда шахсий фикр, мулоҳаза, дунёқараш таркиб топганидан кейингина таҳлилий ва танқидий фикрлаш пайдо бўлади.

Ёшлар ўзииинг сиёсий концепциясини мустақил равишда тўғри шакллантиришда, сиёсий жараёнларни аниқ қамрай олишида ва таҳлил қила олишида, моҳиятини тушунишида - ҳаракатланиш концепцияси шаклланади.

Ҳозирги вақтда хавфсизликни таъмишлашни технологик ва технократик услубиёт асосида ташкил этиш -давр талабидир. Ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаси, ўз навбатида жараённи тизимлашни, натижани аввалдан кафолатлашни, жараёнга исталгаи пайтда тузатишлар киритиш имконияти бўлишини тақозо этади.

Ёшларнинг информацион-психологик иммунитетини шакллантириш жараённи технологиялар асосида тизимлаштириш, ўз навбатида бир қанча ишларни ихчамлаштириш, умумлаштириш ва мувофиқлаштириш каби қўйида келтирилган ташкилий ишларни бажаришни талаб қилади:

• Мавжуд сиёсий жараёнларнинг моҳиятини англаш, иммунитетни шакллантиришда фойдаланиш;

• Иммунитетни шакллантиришга хизмат қилувчи маълумотларни қидириш, йиғиш ва қайта ишлаш;

• Информацион-психологик иммунитетни шакллантиришга тегишли маълумотлар базасини шакллантириш;

• Муаммоларни сезиш, аниқлаш, долзарблиги бўйича дифференциаллаш;

• Иммунитетнинг ривожланиш тамойилларини англаш, қабул қилиш;

• Ташқи ва ички вазиятни стратегик кўп факторли анализ қилиш;

• Ахборот, молиявий, ташкилий-техник ресурсларнинг чегараланишини аниқлаш, ресурсларни бойитиш ишларини амалга ошириш;

• Халқаро майдондаги воқеаларнинг ривожланишини кузатиш, таҳлил ва сиёсий башорат қилиш;

• Геополитик манфаатга эришишнинг стратегия ва тактикасини шакллантириш, ташқаридан кириб келаётган хавф-хатарларни классификациялаш, уларни нейтраллаштириш ҳамда дезинфекциялаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш;

• Ички ахборот муҳитининг информацион-психологик иммунитетни шакллантиришнииг технологияларини, методлари ва усулларини ишлаб чиқиш, амалиётга тадбиқ этиш;

• Иммунитетни таъминлаш ишларини амалга оширишнинг альтернатив вариантларини ишлаб чиқиш;

• У ёки бу альтернатив вариантларни тадбиқ этишда юзага келадиган ҳолатлар ҳамда вазиятларни башорат қилиш;

• Амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлик мезонларини ишлаб чиқиш, бажарилаётган ҳар бир ишни баҳолаш;

• Давлатнинг ички ахборот муҳитини кучайтириш, ташқи хавфларга қарши курашиш қобилиятини ошириш, ахборот таҳдидлари ва хавф-хатарларига қарши курашувчанликни таъминлаш;

• Иммунитетни шакллантиришнинг энг мақбул вариантларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;

• Ёшларда қарор қабул қилишга кўрсатиладиган таъсирни таҳлил қилиш;

• Ёшларнинг ўзи қабул қилган қарорларини ўзи коррекция қилиш кўникмаларини шакллантириш;

• Ёшларнииг ўзини-ўзи назорат ва таҳлил қилишларини шакллантириш.

Шунингдек, ёшларга таъсир кўрсатувчи сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, психологик омилларни тўлиқ ишлаб чиқиш ҳам зарурдир. Бу эса юзага келадиган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш имконини бериши лозим.

Ҳозирги даврда инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ёт мафкуравий таъсирларга қарши курашда узилишларга йўл қўйиб бўлмайди. Бундай шароитда бегона мафкураларнинг қўпорувчи таъсирига қарши доимий ва узлуксиз аксилтарғиботни ташкил этиш муҳим саналади. Чунки бундай носоғлом мафкурага нисбатан курашни олиб бориш талаб этилади.

Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамиятининг ишчи гуруҳи томонидан Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунчалари ва тамойиллари[6] ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда миллий истиқлол ғоясининг тарғибот-ташвиқоти ана шу асосий ғоялар, тушунчалар ва тамойилларга таянган ҳолда амалга оширилмоқда.

Мазкур тарғибот тамойиллари миллий истиқлол ғоясини инсон онги ва қалбига сингдиришнинг барча босқичлари учун умумий ва бир хил бўлиб, турли босқичларда, турли шакл ва воситалардан фойдаланганда одамларнинг ёши, касби, маълумоти каби хусусиятлари хисобга олинади. Тарғибот олиб боришда санаб ўтилган тамойилларнинг муайян аудитория хусусиятларига мослигини таъминлаш тарғибот самарадорлигини таъминлайдиган энг муҳим омилдир.

Ғоянинг инсоният эволюциясидаги ўрни ва аҳамияти доимий равишда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятли аъзолари диққат-эътиборида бўлган: Буни

[6] Миллий истиєлол јояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т, «Ўзбекистон», 2000 йил.

дунё тараққиётига улкан таъсир кўрсатган назарий таълимот ва мафкуралар асосчиси бўлган, тарихнинг турли даврларида яшаган Суқрот, Конфуций; Алишер Навоий, Махатма Ганди каби мутафаккирлар илмий асарларидаги илмий назариялар мисолида кўриш мумкин.

Тарғиб қилинаётган ғояларнинг инсон онгида ахборот, маълумот тарзида ўрнашиши кифоя қилмайди, улар инсоннинг юрак-юрагига етиб борганидагина улар инсон қалбига чуқур ўрнашади. Бунинг учун эса аудитория тарғиботчининг миллий ғояга чуқур ишончи ва қатъиятини хис қилиши кирак. Лекин тарғиботда ғояларга эътиборни тортиш билан ҳам қаноатланиш мумкин эмас. Чунки, эътиборни жалб қилиш - тарғиботнинг биринчи босқичи, холос.

Тарғиботнинг кейинги босқичи ғояни тўғри ва атрофлича тушунтиришни, мафкура билан боғлиқ барча саволларга жавоб топиб беришни талаб қилади. Чунки миллий ғояни тушуниш - унга ишониш демакдир. Ана шу ерда бир саволга дуч келамиз: нима кўпроқ ишонч уйғотади: жиддий далиллар билан асосланган ахборотми ёки ҳиссиётларни уйғотувчи маърузами? Тарғибот давомида инсоннинг хисларига, қалбига мурожаат қилиш катта самара беради, албатта. Лекин холислик, ишончли далиллар, эътироз уйғотмайдиган ҳаётий маълумотларнинг келтирилиши бу ғояларни хаётга татбиқ қилишдан ҳаммамиз манфаатдор эканлигимиз ҳақидаги фикрни уйғотади.

Тарғибот жараёни шу ерда тугайди, деб ўйлайдиганлар катта хато қиладилар. Зеро, мафкура янги ишларга илҳомлантиради, ҳаракатга ундайди. Ҳаракатсиз мафкура эса сафсатабозликдан бўлак нарса эмас. Демак, инсонлар миллий мафкурадан ўрин олган ғояларга мос ҳаракат қила бошлаганларидагина миллий ғоя халқнинг эътиқодига айланганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Муайян аудитория хусусиятларига мослигини таъминлаш тарғибот самарадорлигини таъминлайдиган энг мухим омилдир.

**Таянч тушунча:** миллий јоя тарјиботи, соіалари, миллий јоя йўналишлари, миллий јоя тамойиллари, кенг єамровлилик меъёрийлик узликсизлик босєичма- босєичлик

**Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича саволлар.**

1. Миллий јояни синдиришда тадбирларнинг кетма-кетлиги меъёри, давомийлиги.
2. Ташвиєот тушунчаси ва моіияти.
3. Тарјивот ва аксилтарјибот.
4. Тарјибот самарадорлигини таъминловчи омиллар.

# 3-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ВОСИТАЛАРИ

Миллий ғоя жамиятимизнинг тараққиётини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган, шу заминда яшаётган барча халқларнинг манфаатларини ўзида мужассам эта олиши билан бугун унинг ҳам муҳимлилик ва муқимлилик жараёнига айланишига етарлича асослар мавжуд. Инсоният жамияти пайдо бўлибдики, уларнинг мақсадлари мавжуд бўлган ва мана шу асосда муштарак ғояга бирлашишган. Ҳатто мана шу бирлашув уларнинг душманлардан ҳимояланиш воситаси сифатида талқин қилинган. Бугун бундай турдаги хавфларнинг кўлами ва кўриниши ортиб бораётган XXI аср инсониятнинг бу хусусда жиддий бош қотиришига олиб келмоқда. Бугунги кунда хавф-хатарларнинг тарозиси “оғирлиги”нинг боиси шундаки, “ғоя ортида яширинган ғоя” қабилида амалга оширилиб, мамлакатларнинг беқарорлигини келтириб чиқармоқда. Миллий ғоя умуминсоний тамойиллар ва миллий анъаналаримиз, тарихимиз, қадриятларимиз уйғунлигига асосланган. Шунингдек, шу Ватаннинг барча фуқароларининг мақсад-интилишларини ўзида мужассамлаштирган бош ғоя: “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришни пировард мақсадимиз деб эълон қилдик. “Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа-юксак тушунчалар билан бирга миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлай оладиган дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат”[7]-дейди И.А.Каримов.

Миллий ғоя-ҳар қандай “идеаллаштириш”, бировларни ўз “измига” бўйунсиндириш, бир миллатнинг устунлигини, орийлигини (орий-тоза насл)

---

[7] Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. “Маъанавият” 2008. 75-бет.

тарғиб этиш хусусиятларидан анча йироқда эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Жамиятни мавжуд бўлишининг бир қанча шартлари бўлиб, буларга ҳудуд, чегара, аҳоли каби омиллар бўлиши билан, балки, унинг бардавомлигини таъминлаб берувчи, миллий ғояси бўлиши мамлакат тўла қарор топишининг амалий ифодаси ҳисобланади. Ўзбекистон ҳам мустақиллигининг дасткабки кунлариданоқ, миллий манфаатларимизни умуммиллий миқёсда ҳимоя қилиш хусусиятига эга бўлган, мукаммал қарашларимиз ва тарихимизни  ўзида намоён қиладиган миллий ғоясини эълон қилар экан, аввало дунёнинг ҳеч бир мамлакатидан кам бўлмаган демократик қадриятларга асосланган хуқуқий демократик давлат қуражагини эълон қилди.

Эндиги муҳим масала халқпарвар ғояни тарғиб этиш, кенг жамаотчиликка тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, бу миллий ғоянинг такомилида муҳим ва асосий босқич ҳисобланади. Жамият аъзоларини миллий ғоя асосида бирлаштириш, ва унга бўлган эътиқодини шакллантириш  Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва тараққиёти нуқтаи назаридан алоҳида стратегик аҳамият касб этади.

Жамиятда бугун миллий ғоя тарғиботининг ташкил қилувчи муҳим субъектлар мавжуд улар қуйидагилардан иборатдир:

- Оила;
- Жамият;
- Маҳалла;
- Оммавий ахборот воситалари;
- Армия;
- Демократик институтлар, жамоат бирлашмалари.

Маълумки, инсон фарзандининг дастлабки ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари оилада-ота-онаси ҳомийлигида шакллантирилади, ривожлантирилади. Шу боис оилада миллий ғоянинг тарғиботига тегишли дастлабки асослар шакллантириб борилса, кейинги босқичга, яъни,

жамиятга кириб бориши билан уни англаш янада осонлашади. Кейинги босқичда боланинг тарбиясида ва миллий ғоянинг ташвиқот ишларида маҳалланинг ўрни беқиёсдир, бу ўринда “Бир болага-етти маҳалла ота-она” нақлининг ўзи фикримизнинг далилидир. Бугунги кунда маҳалла ва маҳалла оқсоқолларига ўзига хос равишда бошқарув органлари сифатида ёндашиш асосида, уларни иқтисодий, ижтимоий ва аввало сиёсий соҳадаги фаолиятларини эркинлаштириш орқали уларнинг жамият қурилишидаги ўрнига алоҳида урғу берилмоқда. Бугун улар очиқдан-очиқ равишда, муєобиллик асосида икки ярим йил муддатга сайланишлари ҳам уларга берилган ваколатларни қанчалик муҳим эканлигидан далолат беради. Чунки оиладан сўнг, айнан маҳалла оқсоқоллари шу ҳудуднинг “маънавий посбонлари” вазифасини бажарадилар, ўз маҳалласининг ифтихори учун жавобгар ҳисобланадилар. Мамлакат Президентининг мамлакат “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги 1992 йил 12 сентябрдаги ҳамда хайрия жамғармасига маблағ ажаратиш тўғрисидаги 1992 йил 8 октябрдаги Фармони маҳаллаларга ҳомийликни ташкил этишда катта сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлди. Бу Фармон маҳалла қўмиталарининг ўз ҳудудларида истиқомат қилувчи камбағал оилаларга, ногиронларга, ёлғиз кексаларга моддий ёрдам бериш ҳамда аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишларга, шу маҳалланинг фарзандалари тарбияси масаласида катта кўмак берди. Хукумат маҳалларга дастлаб бюджет ҳисобидан 25 миллион сўм маблағ ажратди. Бу жараён аввало, маҳалларнинг жамиятдаги ролини янада ошириш биалан боғлиқ бўлса, иккинчидан, маҳаллалар миллий ғоя тарғиботининг асосий ва муҳим таркибий қисмларидан бири эканлиги билан изоҳланади. Миллий ғоя тарғиботининг асосий тамойилларидан бири уни босқичма-босқич асосида амалга оширилиши билан боғлиқдир. Шундагина олдинга қўйилган мақсадларни амалга ошириш тезлашади. Жамиятда манфаатлар ва ғоялар тарғиботида алоҳида аҳамият касб этувчи субъектлардан бири-турли қатламларнинг қарашларини ифода этувчи сиёсий институтлар ҳисобланади. Бундай институтлар орқали фуқаролар ўз

таъсирларини ўтказишга, жамиятдаги ўринларига эга бўлишга ҳаракат қиладилар. Ўзбекистонда дастабки сиёсий фирқаларни ташкил этишида муҳим рол ўйнаган, маърифатпарвар, жадидларнинг вакили М.Беҳбудий шундай деб ёзган эди: “Миллат аввало ўз-ўзини англагандагина, ижтимоий-сиёсий масалаларга аралаша олади”[8].

Ҳаммага маълумки, ҳар бир давлат ўз сарҳадларини ва миллий манфаатларини хавфлардан ҳимоя қилиш, суверенитетини сақлаш мақсадида армиясига эга бўлади. Армияда хизмат қилиш орқали ҳар бир Ватанимиз ўғлони унинг мазмун-моҳиятини, қадрини, шунингдек унга бўлган муҳаббат ҳиссини туяди. Ўзбекистонда аввало янгича руҳда ва йўналишдаги миллий армия шакллантирилди. Ва мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, СССР ҳарбий қисмларидан ажратиб олинди. 1992 йил 14 январдаги Президент Фармони билан Совет Иттифоқи таркибидаги ҳарбий қисмлар, ҳарбий қўшинлар ҳарбий олий ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси таркибига ўтказилди ва худди шу куни Миллий гвардия ташкил этилди. Армия ўз навбатида фарзандларимиз учун синов ва хақиқий ҳаётнинг бир кўриниши бўлиб, унинг сарҳадларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда оиласининг манфаатларини ҳам ифода этаётганлигини аскар доимо ҳис қилиб туради. Маълумки, Чор Россияси даврида миллий манфаатлар топталиб, маҳаллий фарзандларга ишонмаслик туйғулари орқали улар орасидан аскарликка олинмаган ва буни атоқли маърифатпарвар Аҳмад Заки Валидий қуйидагича ифодалаган эди: “Туркнинг бутун такомили давомида кўзга кўринган энг аён ирқий хусусиятларидан бири тарихнинг биз билган давридан буён аскар бўлиб келганлиги, интизомсеварлиги, ҳаётнинг энг оғир мушкулотларига ҳам тайёр туриши, машаққатларга узоқ вақт сабрли бўла олишидур”[9] - деб ёзган эди.

Миллий ғоя олий даражадаги инсонпарварлик замирига қурилганлиги билан, жамиятнинг барча аъзоларини нуқтаи назарларини бирдек

---

[8] Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Тошкент.: “Шарқ”., 2000 й. Б. 11.
[9] Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Тошкент.: “Шарк”., 2000 й. Б. 167.

ифодалаши орқали бугун гарчанд аста секинлик билан бўлсада, аҳамиятини топиб кенг миқёсда тарқалиб бормоқда. Унинг моҳиятини тушуниш, орқали танага сингдирилган ва шу асосида суғорилган ижтимоий ҳамкорликнинг вужудга келтириш жамиятнинг ҳар бир ташкилотлари, хусусан, унинг аъзоларидан ҳам бирдек талаб этилади. Бугун миллий ғоя тарғиботи масаласи юқоридаги фикрларга қўшимча равишда миллий ғоянинг мавжудлигини таъминлайди. Миллий ғоя тарғиботини, бугун юєорида кўрсатилган жамият ташкилотлари билан биргалик хусусан, таълим жараёни билан узлуксиз равишда амалга оширилиши диққтга сазовордир. Глобаллашув шароитида ахборот хуружига қарши курашишда, уни бартарф этишда таълим-тарбия жараёнининг омил сифатида ўрни беқиёс бўлиб, асосий воситалардан бири намоён бўлади. Таълим-тарбия жараёнида:

- ёшларнинг онги, тафаккури, дунёқараши шаклланади ҳамда инсон вояга етказилади
- ёшларга Ватан туйғуси, меҳр-оқибат, тарихий хотира, маънавият ва маърифат сингдирилади;
- ёшларни турли муаммоларга мослашувчанликни шакллантиради, шахсий фикрни ривожлантиради.

Миллий јоя аҳолининг кенг қамлами орасида тарғибот ва ташвиқот ишларни такомилида шубҳасиз оммавий ахборот воситалари (ОАВ) етакчи ўринни эгаллайди. Хуқуқий демократик жамият қуришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли бениҳоя катта. Шўролар даврида Ўзбекистонда фаолият кўрсатган оммавий ахборот воситалари ўз миллий заминдан узилган эди. У ўзбек халқига, Ўзбекистонга хизмат қилмас эди. Оммавий ахборот шўролар замирида коммунистик мафкура дастёри сифатида меҳнаткашлар оммаси онги ва дунёқарашида тобелик, қарамлик ва қуллик ғояларини тарғиб қилар эди. Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида бўлгани сингари оммавий ахборот воситалари олдига туб сифат ўзгаришлар даври бошланди. У ўзининг миллий заминига эга бўлди. Мамлакат ижтимоий сиёсий ҳаётида рўй берган туб сифат ўзгаришлари

оммавий ахборот воситалари олдига ҳам мутлақо янги талабларни қўйди. У ҳам бўлса, мамлакат фуқаролари ўртасида кенг қамровли миллий ғояларини тарғибот қилиш асосида уларни келажаги буюк Ўзбекистонни яратишдек, шунингдек, уни доимо ҳимоя қилишдек, давлат олдида фуқароларни маъсулиятини оширишдек ишларга оммавий сафарбар этишдан иборат эди. Бу улуғвор ва олийжаноб вазифаларни амалга ошириш учун оммавий ахборот воситаларининг хуқуқий асослари яратиш талаб қилинар эди. Шу боис, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг мустақил республика мезонларига жавоб бера оладиган юридик мақомларини белгилаб берувчи хужжатлар мажмуаси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси бош Қомусининг 67-моддасида: "Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва тўла қонунга мувофиқ ишлайдилар. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавоб берадилар. Цензурага йўл қўйилмайди."[10] Бугун жамиятимизнинг оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қила олмаймиз. Жамиятдаги ижтимоий, сиёсий жараёнлардаги етакчи ўринни эгаллашини ҳисобга олган ҳолда, бугун ОАВи ҳатто "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтарилди. Мамлакатимизда эркин фаолиятга асосланган ОАВ шакллантирилди ва унинг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида аввало, хуқуқий кафолатларни яратишга киришилди. 1997 йилда қабул қилинган "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги (янги таҳрирда), "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги қонунлар юқоридаги фикримизнинг амалий тасдиғидир. 1999 йил Ўзбекистон жаҳон тиллари университетида Халқаро журналистика факультетининг ташкил этилиши ўзбек журналистикаси тарихида муҳим воқеа ҳисобланади.

Матбуот миллий истиқлол учун жамиятни демократлаштириш ва келажги буюк Ўзбекистонни тараққий этишининг, миллий ғоя ва миллий манфаатлар ташвиқотининг ўткир қуроли эканлиги исбот талаб

[10] Ўзбекистон Республикаси конституцияси. Т.: "Ўзбекистон"., 2008. Б.4

қилмайдиган хақиқатдир. Айниқса, бугунги кунда жамиятнинг ҳар бир оиласи ва аъзоси ОАВсиз ҳаётини тасаввур эта олмаслиги ва ҳеч бўлмаганда у билан боғлиқ равишда яшаётган бир даврда бу ҳақиқат янада ойдинлашади. Бугун оммавий ахборот воситаларини "тўртинчи ҳокимият" сифатида талқин этилишининг боиси демократик давлатларда ҳокимият бўлинишининг уч тамойили амал қилса-да, уларнинг фаолиятларини такомиллаштириш ва уларни халқ билан боғлашнинг асосий воситачиси бўлган оммавий ахборот воситаларидир. Бугун бу йўналиш катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. 2004 йил 1 январгача бўлган статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 12 тилда жами 866 та оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Шундан 611 та газета, 165 та журнал, 43 та хусусий телевидение, 29 та кабелли телевидение, 4 та ахборот агентлиги ва 12 та хусусий, 1 давлат FM радиоканали, 1 та телерадиокомпания мамлакат ижтимоий сиёсий фаолиятида қатнашмоқда. Бу ўринда миллий тарғиботда оммавий ахборот воситаларининг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Биринчидан, оммавий ахборот воситаларини маълумотларни тезкорлик билан етказиш имкониятига эга. Иккинчидан, бугун инсонларнинг ҳаётининг барча жабҳаларига кириб боришга улгурди ўзига хос тарзда маълумотлар манбасига айланиб қолди. Оммавий ахборот воситаларининг асосий "талабгорлари" ёшлар қатлами бўлиб, айни оммавий ахборот воситларининг турли кўринишлари орқали миллий тарғиботни ёшга мос тарздаги кўрсатувлар, радиоэшиттиришлар тарзида етказиб берилса, айни мақсадга мувофиқ бўлади. Бугун глобаллашув даврининг яна бир йирик кашфиёти сифатида баҳоланаётган - Интернет тизимининг яратилиши ОАВ яратилиши тарихида улкан тарихий бурилишни ясади ва дунё мамлакатлари ўртасидаги "чегаралар янада яқинлашди". Ушбу тизим бўйича дунёнинг исталган мамлакати билан унинг махсус сайтлари орқали алоқа қилиш, шунингдек, ахборотларни узатиш ва қабул қилиш имкониятига эга бўлинди. Зеро, фақатгина Интернетнинг ўзи фан ва техника, сиёсат, иқтисод ривожида, умуминсоний ва миллий маданиятнинг

ўзаро таъсирида, ягона ахборот тизимини яратиш соҳасида инсоният учун янги имкониятларни очиб берди. Интернетнинг пайдо бўлиши XX асрнинг 60 йилларнинг охири ва 70 йилларни бошларига тўғри келади. Оқибатда, интернет илмий, тижорат ва нотижорат ташкилотлари, мустақил матбаа ва оммавий ахборот воситалари фойдаланидиган глобал тармоққа айланди. 1991 йилда Англия ва Норвегия уланган интернетга, 1992 йилда АҚШ бирлашди. 1996 йилнинг ўзида 50 миллион абонентлар қаторига Ўзбекистон ҳам аъзо бўлиб кирди. 2000 йилда унинг аъзолари сони 90 миллионга етди. Интернет бой ахборот манбаи ва унга хоҳлаган пайтда, ҳар қандай вазиятда мурожаат қилса бўлади. Унда рекламалар, тижорат таклифлари ва эълонлари, ТВ ва радио дастурлари, йирик газета ва журналларнинг электрон нусхалари эълон қилинади. Аммо масаланинг яна бир муҳим, ўткир жиҳати борки, бугун бу жараён носојлом “ахборот хуружлари” билан ҳам боғлиқдир. Бугунги кунда жамиятга жиддий хавф туғдираётган ёт ғоялардан бири терроризмнинг асосий қуроли ҳам ядро қуроли эмас, балки интернет бўлиб қолаётганлиги фикримизнинг исботидир. Яна масаланинг асосий томонларидан бири, интернетда ахборотларнинг тез тарқатиш хусусиятига эга эканлиги террористларнинг асосий манбасига айланиб қолди. Ахборотлар чегара билмас экан, оммавий ахборот воситалари айни пайтда инсоният учун катта имкониятлар манбаси бўлиш билан бир қаторда, унинг том маънодаги “кушандаси” ҳамдир. Бугун биз бунга дунёнинг кўплаб мамлакаларидаги террористик ва бузғунчилик ҳаракатларидан олдин тарқатилган интернет маълумотлари мисолида кўришимиз мумкин. Испанияда 2003 йилдаги, Англия метросидаги 2005 йилдаги, Россияда 2006 йилдаги террористик хатти-ҳаракатлар олдиндан турли пайтларда, аниқлаб бўлмас порталлар орқали маълумот сифатида тарқатилган. Бундан ташқари “оммавий маданият”нинг кириб келиши учун асосий йўлак ҳамдир. Глобаллашув - дунё халқлари ўртасидаги муносабатлар тизими экан, унинг тузилмаси турли муносабатлар асосига қурилади. Оммавий ахборот воситалари тарғиботларни турли йўсинда амалга ошириши мумкин бўлиб, уларда

реклама ва эълонлар асосий рол ўйнайди. Реклама ва эълонларда маълум бир маҳсулотни тақдимоти орқали асосий етакчи давлатга хос ва мос бўлган ғоя тарғиб этилади. Айнан оммавий ахборот воситалари пайдо бўлгунга қадар дастлаб, турли эълонлар ғояларнинг тарғиботи сифатида хизмат қилган бўлиб, Италия фашизмининг "отаси" Бенито Муссолини ўз фашистик ғояларини тарғиботини аввало, одамлар гавжум тўпланадиган жойларга тарқатилаган эълонлар асосида амалга оширган. Германия "даҳоси"(фюрери) деб таърифланган Гитлер эса, дастлаб ўз ташвиқотини камбағаллар яшайдиган ва йиғиладиган манзилларда эълон тарқатиш билан фашистик ғояларнинг дастлабки "издошлари"га эга бўлган эди. Чунки, бу пайтда камбағаллар аҳолининг кўп қисмини ташкил қилар ва янги ахборотларга муҳтож ҳам эди. Бугун оммавий ахборот вооситалари "оммавий маданият"нинг асосий кўринишларидан бири бўлган турли хил кинофильмлар ва сериаллар билан ўз мижозларига эга бўлмоқда. Бу ўринда ўзининг шахсий манфаатларини кўзлаётган кучлар нисбати ҳақида жиддий ўйлаб кўриш лозим. Чунки айнан оммавий ахборот воситаларининг турли кўринишлари орқали жамиятга "ёт унсурлар"нинг кириб келиши іам тезлашади. Шу мақсадда турли хил кинофильм ва сериаллар, ғарб кўрсатувларини тақдим этаётган телекомпаниялар фаолиятини янада такомиллаштириш ва оммавий назоратни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар миллат анъанавий тараққиёт заминларига эга бўлиб, бу ўринда албатта замонавийликни ҳам инкор этмаслиги лозим. Анъанавийлик ва замонавийлик ўртасидаги кўприк вазифасини бажариши лозим бўлган жамият ижтимоий институтларидан бири ҳам айнан оммавий ахборот воситаларидир. Аммо оммавий ахборот воситалари фақатгина ўз "мижозлари"га эга бўлиш мақсадида анъанавийликка эскилик сарқити сифатида қараш, янги замонавий кўринишга эга бўлган манбалардан кўпроқ фойдаланиш ҳолатлари, афсуски ҳозирги кунда учраб турибди. Миллий ғоя тарғиботи ўз навбатида, оммавий ахборот воситалари олдига катта ва ўз ўрнида маъсулиятли

вазифларни юклайди. Фақатгина кўрсатишнинг ўзи етарли эмас, балки, турли тушунтириш ишларини оммалаштириш, унга фуқароларни жалб қилиш орқали ташвиқотни янада кучайтириш, тутруқсиз ғарб клипларининг ўрнига миллийлик руҳи билан суғорилган кўрсатувларни намойиш этиш, аста-секинлик билан ҳаммабоп теледастурлар тизимини яратиб бориш оммавий ахборот воситаларининг миллий ғоя тарғиботидаги муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Ахборот хуружига қарши курашиш- давлат томонидан махсус метод (сиёсий, иқтисодий, дипломатик, ҳарбий ва ҳак.) лар, усуллар воситасида, ички ва ташқи ахборот маконида ўз манфаатларини ҳимоялашнинг мажмуавий тизимидир. Информацион-психологик хавфсизликни таъминлаш қуйидаги асосий соҳаларда олиб борилиши керак:

- Сиёсий (давлатнинг ички ва ташқи сиёсат) фаолиятида;
- Дипломатик (халқаро ва давлатлараро) муносабатларда;
- Давлатнинг сиёсий ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларида;
- Ҳарбий (мудофаа тизимининг мустаҳкамлаш).

Давлатларнинг миллий манфаатларига жиддий хуруж сифатида намоён бўлаётган омиллардан бири-глобал ахборот хуружи энг юқори даражани ташкил қилади. Халқаро ахборот маконидан ўзаро курашувчи манбалар ўзаро вақтинча бирикиб, муайян давлатга қарши ахборот хуружини ташкил этишади. Асосий мақсад, хуруж таъсири остига олинган давлатнинг ички ахборот маконини таназзулга учратиш, халқаро ахборот маконида ўша давлатни ўз позициясини маҳрум қилишдир.

1998 йилда техника фанлари доктори С.Расторгуев ўзининг “Ахборот уруши”[11] номли китобида С.Нилуснинг “Сион донишмандлари йиғилиши протоколлари” номли хужжатни информацион-технологик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Чунки, мазкур хужжатда ахборот урушининг барча йўналишлари, омиллари аниқ ва қисқа йўналишда кўрсатилган:

- Бошқарув тизими (хокимият тармоқларини назорат қилиш);

[11] С.Расторгуев. Информационная война. 1998 г. С.139-140

- Аҳолини фикрини ўзгартириш воситалари (ОАВ ёрдамида);
- Терроризм (давлатни таҳликага солиб, мақсадга эришиш);
- Иқтисодий хуруж, иқтисодий бошқарув воситалари;
- Иқтисодий дастур (иқтисодий таназзулга ёки қарамликка олиш);
- Умумхалқ овоз беришлари ва ҳ. (сиёсий жараённи бузиш)

Мазкур хужжатдаги маълумотлар методик характерга эга бўлиб, улар шундай тузилганки, ахборот хуружининг мазмун-моҳиятини англай оладиган ҳар қандай шахс уни фаолиятида ишлатиши мумкин.

Халқаро ахборот маконида ҳали ҳам амалий устунлик АҚШ раҳбарлигидаги етакчи ҳарбий мамлакатлари томонида бўлиб, уларнинг бугунги кундаги асосий мақсадлари қуйидагилар билан боғлиқдир:

- Глобал информацион муҳитни ўз қўлларига олиш, тўлиқ назорат ҳамда гегемонлик ўрнатиш, Ҳиндистон, Хитой, Россия каби ҳарбий куч-қудрат ва стратегик мақомга эга давлатларни сиқиб чиқариш;
- Эрон, МДҲ давлатларини, шимолий Корея каби ўз тамойилига эга давлатларнинг халқаро ахборот майдонида ўз ўрнини топишга йўл қўймасликдан иборатдир.

Мустақилликка эришган мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон учун ҳам бундай хавфларни бартараф этиш масаласи жиддий ғоявий муаммолар доирасига киради. Ғоявий-мафкуравий жараёнлар мураккаблашиб бораётган, унинг янги усуллари ўйлаб топилаётган ҳозирги кунда ушбу таҳдид ва таъсирларга фақат кучли ғоя, ўзликни англаш, соғлом ғоялардан иборат мафкурагина қарши тура олади. Шунинг учун ҳам И.А.Каримов томонидан юксак мафкуравий маданиятни мужассам этган “фикрга єарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” тамойили назарий жиҳатдан асослаб берилди ва мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг фаолият дастурларида кенг амалиётга жорий қилинмоқда.

Ўзбекистонда цензуранинг ман қилиниши билан оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолияти учун зарур шарт-шароитлар шаклланди.

Мазкур масаланинг жамиятимиз тараққиётида тутган ўрни ҳақида тўхталиб, давлатимиз раҳбари шундай деган эди: “Ҳозирги кунда коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига янада чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтиришнинг хожати йўқ”

Ахборот макони глобаллашувнинг ҳозирги босқичида интернетнинг миллий ва халқаро компаниялар, даврий матбуот, ТВ ва радио билан муносабатлари янада кенгайиб, бойиб бормоқда. Демак, оммавий ахборот воситаларини фаолиятини янада либераллаштириш орқали миллий ғоя тарғиботининг кучайтириш, унинг мазмунини ошириш - давр талаби іисобланади.

**Таянч тушунча:** миллий јоя тарјиботи воситалари, глабалллашув ва миллий јоя тарјиботи уйјунлиги, Ахборот хуружи миллий јоя тарјибот воситаларда ёт унсурлар, Ахборот уруши.

**Мавзуни мустахкамлаш бўйича саволлар.**

1. Миллий јоя воситалари.
2. Миллий јояларнинг бир-бири билан бојлиєлиги.
3. Маєсадга эришда воситалар ўзини оєлайди.
4. Миллий јоя тарјибот воситаларида анънавийлик ва замонавийлик.

## 4- МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИК УСЛУБЛАР

Тарғибот ишларида ҳар бир инсон, аввало, ўз манфаатларидан келиб чиқиб яшашини инобатга олиш керак. Миллий истиқлол ғояси қандайдир мавҳум, қуруқ, ҳаётдан узоқ нарса эмас, аксинча кишиларнинг кундалик турмуши, дарду ташвишлари билан боғлиқ ҳолда талқин қилиши керак. Инсон қаерда ишлашидан қатъий назар, ўз вазифасига масъулият билан қараса, у миллий ғоя тарғиботига ўз ҳиссасини қўшмоқда, деб айтиш мумкин бўлади. Демак, миллий истиқлол ғояси тарғиботи фикрлар хилма-хиллиги тамойилига зиён етказмаган ҳолда уч мақсадга: Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашдек олий мақсадга хизмат қилади. «Табиийки, миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олийжаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этидиган юрт тинчлиги, ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади»[12].

Энг асосий тарғибот қуроли-оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлиқ. Берилаётган ахборотда фақат ютуқларни кўрсатиш, мақтовлардан иборат бўлиши тарғиботга қанчалик фойдали ёки зарарли эканини ўйлаб кўриш лозим. Ҳаёт бор экан, муаммоларнинг мавжудлигига фожеа сифатида эмас, одатдаги нарса деб қарашга ўрганиш керак. Уларнинг борлигини кўриб, ўзини кўрмаганликка солиш билан фақат ўзимизга зарар қиламиз. Демак муаммоларни ўз вақтида тан олиш, уларни ҳал қилишга ёрдам беради. Очиғи, фақат мақташ тарғиботининг ягона усули ва хаттоки энг тўғри усули ҳам эмас. Демак, мафкурада ҳаётни фақат мақташ, уни бенуқсон тасвирлаш орқали тарғиб қилиш мумкин эмас.

Бунга мисол. Бир вақтлар АҚШ фуқароларида демократик тамойилларининг бир оз қадрсизланиши кузатилган. Мутахассислар томонидан бу муаммонинг турли ечимлари таклиф қилинган, лекин тарғиботнинг бир оз ноанъанавий усули танлаб олинади: демократиянинг камчиликлари ошкора айтилди, унинг баъзан «ишламаётгани» очиқ танқид қилинди ҳамда унга муқобил сифатида коммунизм ва монархия тарғиб этилди. Тарғиботнинг бу усули кутилгандек самара берди;

---

[12] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т., Маънавият, 2008, 72-бет.

одамлар «ёмон бўлса ҳам, демакратиядан қўймасин», деган фикрга келди ва унинг ашаддий ҳимоячиларига айланди.

Талаба-ёшларнинг сиёсий-ижтимоий вазиятга муносабатини шакллантиришда ички ва ташқи ахборот муҳити асосий рол ўйнайди.

Ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни индивидуал тарзда ўзлаштиришни шахснинг тажрибаси билан боғлаш керак, ёшларнииг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожланиши тавсифловчи билим, кўникма, малака ва муайян интеллектуал сифатлар кўрсаткич (мезон) сифатида иштирок этиши мумкин.

Ҳозирги пайтда талаба ёшларнинг руҳиятига кучли таъсир кўрсатувчи интеллектуал восита вазифасини бажарувчи мутлақо янги типдаги янги авлод ўқув адабиётлари керак. Бунинг учун ёшларнинг физологик-психологик ривожланишларини ва дунё сиёсатининг янгича шаклланаётганлигини эътиборга олиб, яратилаётган адабиётларнинг контекстини тубдан ўзгартириш керак.

Таъкидлаш жоизки, сўз ва матбуот эркинлиги демократик ислоҳотлар суръатини жадаллаштиришга хизмат қилади. Оммавий ахборот воситалари эса доимо демократия ва сўз эркинлигининг ўзига хос ўлчови, кўрсаткичи бўлиб келган. Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари демократик тараққиётни рағбатлантиради ва мустаҳкамлайди.

Тоталитар тузумда оммавий ахборот воситалари ахборот узатиш воситаси ва якка мафкурани сингдириш қуроли бўлиб хизмат қилганлигини яхши биламиз. «Мажбурий, якка фикрлаш даври» деб аташ мумкин бўлган бу даврда оммавий ахборот воситаларидан ҳаёт фақат ёрқин бўёқларда тасвирланиб, муаммолар ҳақида гапирилмаган эди. Чунки, ўша пайтда муаммолар ва иллатлар ҳақида гапириш мумкин бўлмаган. Шунингдек, бу даврда муаммолар ва иллатлар ҳақида гапириш-коммунизм сингари «бенуқсон» ва «мукаммал» тузимга халқнинг ишончини пасайтириб юбориши мумкин эди. Яккаю-ягона партия, яккаю-ягона мафкура ва якка фикрлаш сиёсати плюрализмни, фикрлар, айниқса, ғоялар хилма-хиллигини мутлақо инкор қилар эди. Барча журналистлар Москвадаги «мутасадди раҳбарлар» нинг оғзини пойлаб, буйруғини кутиб, уларнинг кўрсатмасига қатъий амал қилган ҳолда фаолият юритар эди. Шу даврни бошдан кечирганмиз, лекин

минг афсуски, айрим кишилар ишга ана шундай ёндашишдан ҳали-ҳануз воз кечиб, ўша замонлардан қолган айрим эски қолип ва андазалардан қутила олмаяптилар.

Ёшларга қаратилган информацион-психологик таъсирдан кутилган мақсад:

- ёшлар онггидан сиёсий ва мафкуравий бепарволикни ҳосил қилиш;
- уларнинг маънавий-ахлоқий онггини издан чиқариш;
- «оломон» ёки «тўда» онггини шакллантириш;
- давлатга нисбатан норозилик кайфиятини шакллантириш;
- мавжуд конституцион тизимга ишончсизликни келтириб чиқариш;
- тартибсизликни вужудга келтириш;
- асосий мақсад ёшларни «зомби»га айлантиришга қаратилади.

Ахборот хуружига қарши курашда самарага эришиш учун нишонига айланган объектни аниқ билиш шарт;

Биринчидан, информацион-психологик хуруж кўпроқ мўлжалга олган объект жамиятнинг қайси қатламида? Қайси ижтимоий гуруҳдан иборат? Уларнинг муаммоси нима? Қизиқиши нима? Ҳозирда ва келажакда нимани ҳоҳлашади?-каби саволларга жавоб аниқ бўлиши керак;

Иккинчидан, мамлакат миқёсида янгилик ниқобида кутилаётган информацион-психологик таҳдид ва хавф-хатарларнинг йўналишларини, қайси томонга йўналтирилганлигини аниқлаш керак:

Учинчидан, жамият ҳаётида, айниқса ёшлар олдида ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш лозим. Демак, информацион-психологик хуружнинг кўламига эга бўлишини олдини олиш ҳамда психологик таъсирини қирқиш мақсадида:

1. Ечимини кутаётган долзарб муаммолар ҳақида уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақидаги таҳлилий ахборотларни интенсив равишда халқаро ахборот маконига чиқаришни кучайтириш керак;

2. Мавжуд муаммоларнинг ечими ҳақида, уларнинг бартараф этилиши юзасидан давлатнинг олиб бораётган ишлари ҳақида халқаро жамоатчилик қанчалик кўпроқ маълумотга эга бўлишса, информацион-психологик хуружнинг таъсири шунчалик кам бўлади, яъни хуруж бартараф этилади:

3. Ёшлар онггида мушоҳада ва таҳлил жараёнларини яна ривожлантириш чора-тадбирларини жадаллаштириш лозим;

4. Давлат олиб бораётган ҳар бир ислоҳот, ҳар бир жараён ҳақида, сиёсий ва ижтимоий янгиликларнинг ҳар тарафлама таҳлилини оммавий-ахборот воситалари орқали яқин ва узоқ хорижга тарқатиш керак.

5. Бугунги техник имкониятлар натижасида бунинг қийинлиги йўқ, аксинча мураккаблиги эса ахборот таҳлили ва унинг тезкорликда тарқатилишидадир.

6. Нафақат ёшларда, катта ёшдаги алоҳида ҳам ахборот иммунитетини ҳамда ҳушёрлик ва огоҳлик рефлексациясини шакллантириш керак.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларини «Тўртинчи ҳокимият»га айлантириш муаммоси алоҳида долзарблик касб этмоқда. Уларни мустақил ижтимоий кучга, сиёсий тизимнинг тўлақонли бўғинига ва жамоатчилик фикрини шакллантирувчи таъсирчан воситага айлантириш устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг «тўртинчи ҳокимият» мақомини олишга нималар ҳалал бермоқда? Уларнинг эркин ва мустақил фаолият юритишлари учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган бўлса журналистларни таёрлаш масаласига давлат даражасида эътибор берилса, уларнинг хорижда таълим олишларидан маблағ аялмаётган бўлса, яна нима қилиш керак? Кўриниб турибдики, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши учун қулай муҳим яратилган, Демак, ҳамма гап уларнинг ўзида қолган.

Ғарбда оммавий ахборот воситаларига қўпол бўлса ҳам ижтимоий манфаатларини «қўриқловчи кўппак», деб нисбат берилади. Етук демократик давлатларда улар жамиятнинг «кўз»лари, «қулоқ»лари вазифасини бажаради. Яхлит огоҳлантирувчи тизим сифатида оммавий ахборот воситалари жамиятдаги иллатлардан хабар берувчи, муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, уларнинг турли ечимларини таклиф қилувчи қудратли кучга айланган.

Хўш, биздаги оммавий ахборот воситаларининг ана шундай ривожланиши учун нима етишмайди? Аввало, оммавий ахборот воситалари эркин ва мустақил бўлиши керак. Гап мустақилликнинг энг юксак даражаси-ички мустақиллик ҳақида бормоқда. Оммавий ахборот воситаларининг бундай мустақиллиги журналистлар

ижодининг эркинлиги, мавзу танлаш ва фикр беришидаги мустақиллигида намоён бўлади. Шундагина журналистнинг ижодий салоҳияти тўла рўёбга чиқиши учун шароит яратилади, у профессионал мустақилликка эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг плюрализм тамойили асосига қурилиши ҳам демократиянинг тараққиётига хизмат қилади. Бунинг учун қарама-қарши нуқтаи назарларидан иборат бўлган дастурларни яратиш, турли чиқишларда муқобил фикрларга эришиш лозим. Шундагина оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш ва рағбатлантиришга қодир бўлади. Кўпгина мамлакатлардан оммавий ахборот воситаларининг ислоҳоти «ғоялар бозори»да ҳали айтилмаган янги фикрларни узатишга қаратилади. Жамиятимиз равнақига хизмат қилувчи, бунёдкорлик табиатига эга, ҳаётимизни фаровон қилишга йўналтирилган янги ғоялар таклиф ва тавсиялар бу «бозор»да бемалол рақобат қила олади.

Информацион-психологик иммунитетни шакллантиришни йўналтириш ва ривожлантириш, унинг таркибий қисмларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва йўналтириш имконини беради. Натижада аввалдан лойиҳалаштириш, таъсир кўрсатувчи «салбий» ва «ижобий» омилларни аниқлаш ҳамда ҳаракат дастурини ҳар томонлама ишлаб чиқиш имконияти кафолатланади. •

Информацион-психологик иммунитетни шакллантириш ишларининг мониторингини олиб бориш, йўл қўйилган хато-камчиликларни ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф этиш учун жараёнга тегишли ўзгартиришларни киритиш имконини беради.

Ёшларнинг иммунитетларини шакллантириш учун муайян такомиллашган технологияни қидириб топиб, уни мантиқий-назарий жиҳатдан тўлиқ англаб олиш ва амалиётга қўллашгача бўлган даврийлик мураккаб жараёндир.

Информацион-психологик иммунитетни шакллантириш алоҳида муносабат билан ёндошишни, услубиётни ҳамда мавжуд ҳолатни тўлиқ ўрганишни тақозо этади. Бунга асосий сабаб:

- иммунитетни шакллантиришда муваффақиятга эришиш ёки муваффақиятсизликка учраш таҳдидининг мавжудлиги;

- ёшлар тўқнашадиган, баъзан кўп йиллар давомида муваффақиятли ёки муваффақиятсиз курашадиган ҳаётий ҳолатлардан бири - бу фикрнинг ўйлаганидек руёбга чиқмаслигини англаш;

- Ёшлар ўзинииг дунё-қараши, тасаввури даражасидан келиб чиқиб, фикрлайди ва бу фикрлашни вазиятнинг ижобий ёки салбий ҳолатлари билан боғлаб таҳлил қила олмаслигидир.

Биз демократияни қандай тушунсак, оммавий ахборот воситаларига ҳам шундай воситаларни юклаймиз. Демократияни мустақиллик, эркинлик ва масъулият деб тушунар эканмиз, оммавий ахборот воситаларидан ҳам мустақиллик, эркинлик ва масъулиятни кутамиз. Демак, журналистлар бу тушунчаларни англаши, уларга эҳтиёж сезиши, фойдалана билиши ва зарур.

Ҳозирги кунда ахборот ҳокимят учун курашда ҳам, таъсир доирасини кенгайтириш учун курашда ҳам асосий қуролга айланиб бормоқда. Башарти, ахборот энг қудратли ресурсларидан бирига айланаётган экан, уни ҳимоя қилиш, унинг ҳавфсизлигини таъминлаш эҳтиёжини вужудга келиши табиий. Хўш, ахборот хавфсизлиги деганда нима тушунилади? Кўпинча ахборот хавфсизлиги давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот воситада ҳимояланган ҳолати ва сифати талқин қилинади. Бу жиҳатдан ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг таркибий қисми саналади. Боз устига, ахборот хавфсизлиги мамлакатнинг мустақиллигига, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, халқларнинг маънавиятига дахл қилувчи ва уларга кучли таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, миллий истиқлол ғояси тарғиботи сиёсий тарбия, меҳнат тарбияси ва аҳлоқий тарбия билан уйғунликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Мафкуравий фаолият ана шудай яхлит тизим шаклига келтирилгандагина, мукаммаллик касб этади. Умуман олганда, тарғибот-ташвиқотнинг таъсирчанлигини оширишда қуйидаги усулларни қўллаш кутилган самарани бериши мумкин:

Биринчидан, тарғиботда мураккаб, чалкаш мавҳум фикрлардан фойдаланиш самарасиздир. Мазмун қанчалик содда, аниқ тушунтирилса, таъсири шунчалик юқори бўлади.

Иккинчидан, инсон кўпроқ ҳиссий таъсирга мойил бўлади, шунинг учун унинг ақл-идроки билан бир қаторда,ҳис-туйғуларга ҳам мурожат қилиш самара беради.

Учинчидан тарғибот матнлари чуқур ўйланган, мантиқий изчил, ижодкорона ишлаб чиқилган бўлиши даркор;

Тўртинчидан, тарғиботдаги қудратли усул такрорлашдир;

Бешинчидан, тарғибот ишларнинг самарасини ошириш учун ноанъанавий усулларни қўллаш ва илғор тажрибаларни кенг ёйиш талаб этилади.

Яна бир фикр: мутахассисларнинг таъкидлашича кишиларнинг фаолликка чақирадиган, ҳаракатга ундайдиган ташвиқот кўпроқ самара беради. Шунинг учун «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» ёки «Ватанни севмоқ иймондандир» ғоялари билан бир қаторда «Ватан сенинг хизматингга муҳтож», деган ғояларни ҳам тарғиб қилиш зарур.

Дарҳақиқат бугунги кунда масс-медиалар мафкуравий таъсирнинг энг таъсирчан ва қудратли воситасига айланган. Улар инсонларнинг бугунги кундаги энг яхши «устоз» ва «суҳбатдош»и ҳисобланади. «Масс-медиалар у ёки бу сиёсий воқеа-ҳодисага муносабат шакллантирибгина қолмасдан, ижтимоий воқеликни медиадастур шаклига келтириб қўймоқдалар». Гарчи бу фикр бироз муболағадек кўринса ҳам, бугунги кунда айрим хорижий оммавий ахборот воситалари бизга ўз мафкурасини сингдиришга уринаётганини сезиш қийин эмас. Бу ҳақда Президент Ислом Каримов шундай дейди: «Сир эмас, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади». Мазкур ҳолат ҳам миллий истиқлол ғоясининг тарғиботини сусайтирмасликни, унинг таъсирчанлигини оширишни ҳамда ҳар қандай мафкуравий таҳдидларга нисбатан огоҳ бўлишни шартлаб қўяди. Бунда оммавий ахборот воситаларига ахборот террори, мафкуравий таҳдидларга муносиб жавоб бериш, маънавий-мафкуравий жиҳатдан халқимизни тобе этишга интилишларнинг пайини қирқиш ва Ўзбекистон фуқароларининг мафкуравий иммунитетни шакллантириш вазифалари юклатилади.

Кишилар онги ва қалби учун кураш кечаётган бугунги таҳликали даврда мамлакатимизда миллий ғоянинг тарғиботи долзарб масалалардан бирига айланган. Бу эса тарғибот-ташвиқот ишларига янгича технологиялар, ёндашувлар, услуб ва воситаларни жалб этишни талаб қилади. Қатор ривожланган мамлакатлар амалиётида қўлланилаётган «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари мафкура тарғиботи билан боғлиқ ишларимизни юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

**Таянч тушунча:** технологик усуллар тарјибот єуроли ОАВ плюрализм, сиёсий тарбия, меiнат тарбия, аiлоєий тарбия, ноъанавий усуллар, ахборот террори, ахборот хавфсизлиги.

**Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича саволлар.**

1. Миллий јоя тарјиботида замонавий услублар ОАВ плюрализим.
2. ОАВ фаолиятида плюрализм.
3. Миллий јоя тарјиботининг сиёсий тарбия, меҳнат тарбияси, ахлоєий тарбия билан уйјунлиги.
4. Тарјибот ишларини самарадорлигини оширишда ноанъанавий усулларнинг ўрни.

# 5- МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИГА ЭРИШИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, энг муҳими жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан боғлиқдир.[13] Таъкидлаш жоизки, мафкура тарғиботининг самарадорлигини ошириш бу соҳада кўзга ташланаётган муаммоларни бартараф этишни шартлаб қўяди. Зеро ҳар бир соҳада бўлгани каби мафкура тарғиботида ҳам айрим муаммо ва камчиликлар йўқ эмас. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бу масалага алоҳида тўхталиб, «Бугунги ҳаёт шиддати, воқелар ривожи шу қадар жўшқинки, биз маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва ўринли ишларни амалга ошираётган бўлсак-да, баъзи ўринларда афсуски, кеч қоляпмиз», деб таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

Миллий истиқлол ғояси тарғиботининг самарадорлигига қандай омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда? Бу муаммоларнинг ечими қандай? Мафкура тарғиботида нималар назардан четда қолмоқда? Тарғибот ишига қандай тарзда ёндашган маъқул? Бугунги кунда миллий ғояни халқимиз онги ва қалбига сингдириш самарадорлигини кўтариш учун нималарга эътибор бериш зарур?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессияси маърузасида баён этилган асосий вазифа ва қоидаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар Дастурида юқоридаги саволларга жавоб тариқасида «Дастурни амалга ошириш бўйича қуйиладаган асосий талаблар» банди киритилган. Ушбу бандда дастурни амалга оширувчи мутасаддиларга қуйидаги талаблар қўйилган:

-ўтказилаётган тадбирларни кампанияга айлантирмаслик:

-ўқиб бериш усулидан воз кечиш:

- табдирларни “мажбурият”га айлантирмаслик:

---

[13] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т., Маънавият, 2008, 76-77-бетлар.

-одамлар билан очиқ-ойдин ва юзма-юз мулоқатдан қочмаслик

Эътиборлиси шундаки, юқорида қайд қилинган талаблар нафақат давлат дастурининг ижросида, балки миллий ғоя тарғиботида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан бугунги кунда тарғибот-ташвиқот ишларида кампаниябозликка берилиш, мафкурани тарғиб қилиш ўрнига унинг таърифларини «ёдлатиш», турли тадбирларга кишиларни мажбурий тўплаш, муаммолар ҳақида очиқ гапиришдан қочиш, одамлар билан юзма-юз мулоқатга воизларнинг тайёрланиб келмаслиги, сон кетидан қувиб, сифатни унутиб қўйиш, тарғиботда айрим тушунчаларнинг ўринли-ўринсиз ишлатилиши натижасида уларнинг қадрсизланиши каби муаммолар кўзга ташланмоқда.

Агар соғлом ахборот муҳити устувор бўлмаса, қисқа вақтда ҳар қандай давлатнинг ички ахборот маконидаги сиёсий-ижтимоий муҳит бутунлай издан чиқиб, «хатар учоқлари» пайдо бўлади. Натижада жамиятда ғалва бошланади, расмий ахборот тарқатиш тизими ишдан чиқади, расмий бошқарув ва унинг мафкураси бутунлай таназзулга учрайди. Жумладан, Қирғизистон Республикасида ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва уларнинг ечимини ҳал қилиш бўйича давлат амалга оширган ишлар ҳақидаги ахборотлар ўз вақтида халқ онггига ҳавола қилинади. Энг ачинларлиси, ҳукумат «ахборот бўшлиғини» шакллантириш билан бир қаторда «жим ўтириш» позициясини тутди.

Мафкура тарғиботи муаммолари бўйича изланиш олиб борган республикамизнинг бир қатор олимлари бу соҳада ишларни мувофиқлаштириш, стихияли ҳаракатлар, ўзибўларчилик ва кампаниябозликка йўл қўймаслик лозимлигини уқтиради, Хусусан, сиёсатшунос олим Ш.Пахрутдинов мафкура тарғиботида қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозимлигини уқтиради:

- вазифаларни назарда тутган ҳолда бевосита ташкилий» чора ва тадбирларни кўриш;

- маънавият ва маърифат ишларини олиб борувчи кадрларни танлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг фаолияти учун барча шарт-шароитларни яратиш;

- зарур бўлган моддий-техника воситалари базасини яратиш; оммавий ахборот воситаларини аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда жалб қилиш;

- маънавий ва маърифий ишларнинг самарали тажрибаларини кенг ёйиш.

Яъни, мафкура тарғиботида муайян муддат шиддат билан авж оладиган, кейинчалик сўниб қоладиган ташвиқот ишларига эмас, балки доимий равишда узлуксиз давом этадиган ва тизимий асосга қуриган маърифат ишларга таяниш самарали ҳисобланади.

Очиғи айтадиган бўлсак, тарғиботда миллий ғоя, мафкура ҳақида билим бериш билан чекланиш ҳолати мавжуд. Таъкидлаш жоизки, «ғоя кенг тарғиб қилиняпти» дегани, ҳали у «халққа сингяпти, кишилар қалбидан ўрин оляпти», дегани эмас. Чунки, мафкура тарғиботи билан шуғулланувчи воизларнинг маърузалари кишиларда шавқ ва рағбат уйғотмай, асосан, миллий истиқлол ғоясининг моҳияти, унинг асосий тушунча ва тамойиллари ҳақида ахборот беради. Уларнинг берган билимлари кишилар онгида ахборот тарзида сақланади, лекин қалбини эгаллаб, уларни ҳаракатга ундармикан? Агар айтилган гаплар киши онгида ахборот сифатида ўрин олса-ю, лекин қалбидан, юрагидан ўрин олмаса, натижага эришдик, дея оламизми? Ахир, юксак сифат ва маҳорат билан тайёрланган реклама ҳам кишида икки хил фикр уйғотиши мумкин: «реклама тайёрлашни қойиллатишибди» ёки «мен албатта шу нарсани сотиб оламан». Воизларнинг гаплари ҳам инсонларда ана шундай икки хил таъсирланиш уйғотиши мумкин: “Маърузачи жуда чиройли гапиряпти” ёки “Бизни бошла шу манзилларга!”.

Демак, воизлар илмий асосланган анъанавий маъруза эмас, ҳиссиётларни уйғотувчи, ҳароратли, далилларга бой ноанъанавий нутқ кишиларга кўпроқ таъсир қилишини эътиборга олишлари зарур. Зеро, «ёниқ нутқ одамларнинг ақли ва туйғуларига таъсир қилиб, тингловчини муайян фаолиятига отлантира олади». Бахсга, мулоқатга чорлайди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мафкуранинг тарғиботи «билим-ишонч-фаоллик» модели асосида амалга оширилиши лозим. Яъни, билимларнинг онг орқали ўтиб, маслак, эътиқодга айланиши ва амалиётга татбиқ этилиши-мафкуравий ишларининг мазмунини ташкил этиши даркор.

Аслида, ҳар бир воиз тадбир ниҳоясида унинг самарадорлигини баҳолаш учун ўзига «Айтганларим тингловчиларга таъсир қилдими, уларни нимагадир ишонтира олдимми?» деган саволларни бериш зарур. М.Қуронов бу ҳақда шундай ёзади: «...ҳар бир туман, ташкилот маънавият ва маърифат мутасаддиси:» «Маънавий-маърифий ишлар самарасини қайси мезонлар билан баҳолаяпман», «Мен

ўтказаётган тадбирлар натижасида миллат онгида нима қайси томонга ўзгарди» каби саволларни ўз-ўзига бериш фурсати етди. Бунинг учун миллий ғоя ва миллий мафкура соҳасидаги ишни ҳам охири-натижасига қараб баҳолаш лозим. Натижада эса вилоят, туман, шаҳар халқининг мафкурасидаги янгиланиш, огоҳлик, мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилишга тайёргарлик ёки Юртбошимиз айтганларидек, «одамларнинг тафаккуридаги ўзгариш даражасига қараб сарҳисоб қилинмоғи керак»

Ҳозирги вақтда, нафақат Республикамизда, балки бутун дунёда таълим соҳаси талаба-ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим ижтимоий-сиёсий омили сифатида намоён бўлмоқда. Жумладан, олий таълимда сиёсат, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фаолият олиб борувчи кадрлар тайёрланади. Статистик маълумотларга кўра, бутун дунёда кейинги йилларда талабаларнинг умумий сони 13 млн. дан 82 млн гача ошди. Бутун дунёда кейинги 30 йил давомида олий таълимга бўлган талаб ҳозирга келиб, 6 мартга ошди. 2025 йилга келиб, дунё бўйича 160 млн. талаба бўлиши кутилмоқда. Ҳозирги вақтда эса Европа минтақасида умумий олий таълим ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича давлатлараро комиссиялар ҳаракат олиб бормоқда. Таълим тизими энг аввало давлат манфаати, миллий хавфсизлик ва мустақилликни мустаҳкамловчи кадрлар билан таъминловчи соҳадир.

Шу ўринда масаланинг яна бир мухим жиҳатига эътибор қаратмоқ даркор. Айрим ҳолларда воизлар нутқ сўзлайдиган аудиторияларга одамларни тўплашда маъмурий ресурсдан файдаланиб, бу тадбирларда иштирок этиш кишилар учун мажбурий тус олади. Аудиторияга ихтиёридан ташқари бошлаб келинган инсонда ҳали ваъзни эшитмаёқ, ички қаршилик пайдо бўлиши аниқ-ку. Шундай экан, Ўзбекистон Президентининг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессияси маърузасида баён этилган асосий вазифа ва қоидаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий маърифий тадбирлар Дастурида «тадбирларни мажбуриятга айлантирмаслик» талабнинг қўйилиши бежиз эмас. Шундай экан, жойларда тадбирлар уюштиришда мамлакатимизнинг кўзга кўринган арбоблари, инсонлар ишончини қозонган фикр етакчиларини жалб қилиш орқали аудиторияни тўплаш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш жоизки, аудиторияни ўзига қаратиш, кишиларга таъсир кўрсатиш, уларни илҳомлантириш воиздан жуда катта маҳорат талаб этади. Шунинг учун, тарғиботда воизлар маърузалари таъсирчанлигини ошириш ҳақида ўйлаб кўриш, бундай тадбирлар сценарийларини ва замонавий воситалар орқали пухта таёрлаш лозим. Мафкуравий ишларни самарали ташкил этишда мактабнинг ҳам ўрни беқиёс. Чунки олти-етти ёшар бола токи мустақил шахс сифатида шаклланиб, вояга еткунига қадар бўлган ҳаётини, асосан, мактабда ўтказади. Демак, мактаб инсондаги қадриятлар, қарашлар интилиш, дунёқараш ва мақсадлар шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу борада коллежлар, мактаб ва лицейларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, «Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 550 минг ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда, яъни зиё тарқатмоқда. Беш миллиондан ортиқ фарзандларимиз мактабларда, турли билим юртларида таълим олмоқда. Уларнинг тарбияси ҳақида ўйлашимиз, ёшларимизнинг бахтли келажаги учун қайғуришимиз, ёш наслимизни ғоя билан қуроллантиришимиз керакми-йўқми?» деган саволни қўйган эди. Масаланинг эътиборли жиҳати шундаки, мактаб билим бериш билан бирга, ғоявий тарбия ўчоғи ҳам бўлиши лозим. Инсондаги ватанпарварлик, фидойилик, меҳнатсеварлик хислатлари, комил инсонга хос бўлган бошқа хусусиятларнинг қарор топиши унинг шахс сифатида шаклланиш жарёни билан бир вақтда кечса, бу сифатлар унинг учун доимий қадриятга айланиши мумкин. Шу боис, мактаб ёшидаги болаларни етук инсон қилиб тарбиялашда муаллимларнинг зиммасига улкан масъулият юкланади. Бунда ҳар бир ўқитувчи билим ёки тарбия берувчи эмас, балки ўқитувчи миллий ғояларимиз тарғиботчиси сифатида мулоқат олиб бориши мақсадга мувофиқ. Демак, ҳар бир ўқитувчи ўз вазифасини фақат ўқувчига дарс беришдангина иборат деб билмай, миллат равнақига ҳисса қўшадиган фуқороларни тарбиялаётганини ҳам доимо эътиборга тутмоғи лозим.

Шаклини турлича ўзгартираётган ахлоқсизлик ғояларини аксарият ҳолда тажрибасиз ёшлар билмасдан «европача маданият» ва «эркинлик» сифатида қабул қилиб, ўзлари кутмаган ҳолда алданиб қолишлари мумкин.

Ўзбекистонда ахборот хуружи орқали четдан кириб келаётган ёт ғояларга қарши курашишда бир қатор ижтимоий-сиёсий омиллар юзага келтирилди ва

ривожлантирилмоқда. Тарихий хотира шакллантирилиб, Амир Темур даврида шакллантирилган «куч-адолатда», «эл-юрт озодлиги», «инсоф ва диёнат бирлиги», «маънавий-келажак омили» каби ҳаётбахш ғоялар, бугунги кунда ёшларни ғоявий тарбиялаш, ғоявий иммунитетни шакллантиришда устувор омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ёшларда мустақил ва таҳлилий фикрлашни ривожлантириш ишлари тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жамият эволюция ҳаракатланишга, ривожланишга ундайдиган ҳаётбахш ғояга ва ҳаракатланиш дастурига доимий равишда эҳтиёж сезади. Айнан шу ҳаракат дастури қўйидаги жараёнларни қамраб олиши керак:

- Ташқаридан кириб келаётган хавф-хатарларни «пинҳона ривожланиш» даврида аниқлаш[16].

- Миллатнинг, халқнинг - жамиятда қабул қилинган маънавий-ахлоқий нормалари, маданий ривожланиш тамойилларини янада ривожлантириш.

- Интернет ва хорижий оммавий-ахборот воситалари орқали кириб келаётган турли ахборотларга нисбатан иммунитетни шакллантириш[17].

- Ёшларнинг онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш[18].

Таълим тизимида мафкурани тарғиб этишда ўқитувчи талабаларнинг дидига, қадрият ва қарашларига мос тарзда ёндашиш талаб этилади. Бироқ, ўқувчи-талабалар учун мўлжалланган «Миллий истиқлол ғояси» фани дарсликларининг айримлари мураккаб тилда, ортиқча академизм услубида, боланинг ёш хусусиятлари инобатга олинмай ёзилганлигини кўриш мумкин. Шундай экан, миллий ғоя тарғиботига хизмат қиладиган адабиётлар ёш авлоднинг тафаккури ва билим даражасига мос ҳолда содда, таъсирчан, оммабоп тарзда ёзилишига алоҳида эътибор бериш зарур.

Таъкидлаш жоизки, миллий ғоя тарғиботининг таъсирчанлигини оширишдаги энг асосий шартлардан бири-мафкура тарғиботи зимдан амалга оширилиши зарурлигидир. Инсон унга таъсир ўтказилаётганлиганини сезмаслиги лозим. Умуман, тарғибот давомида «мафкура» сўзининг ишлатилиши шарт эмас. Мафкура фуқоро онгига зимдан, билвосита-бадиий ва саҳна асарлари, фильмлар, санъат дурдоналари орқали сингдирилиши керак. Зеро ҳар қандай етук санъат асари миллий мафкура тарғиботчиси бўла олади. Маълумки адабиёт ва санъат улкан

мафкуравий қудратга эга бўлиб, у ғояларни бадиий жиҳатдан бойитиб томошабин ёки ўқувчини ўз таъсирига олиш қудратига эга. Айнан бадиий асарлар бугунги кунда мафкураларни элтувчи ғояларни қитъалараро зимдан ташувчи воситага айлангани ҳеч кимга сир эмас.

Бутун дунёда бўлаётган ҳозирги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг таҳлилидан кслиб чиқиб, ёшларнинг информацион-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг мафкуравий-ғоявий негизларини янада ривожлантириш зарур.

Дунёда ёвуз ниятли сиёсий ҳаракат ва кучлар ёшларга қарши кенг масштабдаги тизимли, оммавий, ғоявий таъсир кўрсатиш ҳаракатларини олиб боришмокда. XX асрга келиб, урушлар олиб боришда ғоявий таъсир муҳим аҳамиятга эга бўлиб, муайян давлатни ўз аҳолиси олдида ва халқаро майдонда обрўсизлантириш учун дезинформацион фаолиятлар олиб бориш, информацион-психологик таъсир кўрсатиш псхиологик тусга кира бошлади.

1914 йилда бошланган 1-жаҳон уруши давомида дезинформацион хуружларнинг, информацион-психологик таъсир кўрсатишнинг дастлабки тизимли технологиялари яратилди.

Дезинформацион технологияларнинг амалиётга тадбиқ этилиши - жаҳон ахборот маконида мисли кўрилмаган мазмуний ўзгаришларга олиб келди. Биринчи жаҳон урушида қўлланган информацион-психологик таъсир технологиялари, ўз навбатида ахборотнинг технологик ривожланишига асос солди. Ахборот ресурс, бойлик ва маҳсулот сифатида қисқа вақт ичида мисли кўрилмаган тезкорлик билан ривожланди. Информацион-психологик таъсирни ўрганувчи илмий марказларнинг вужудга келди. Дастлаб 1914 йилда Англияда, 1915 йилда Францияда, 1917 йилда АҚШда, 1918 йилда Германияда махсус информацион бўлинмалар ташкил этилди. АҚШда эса «Жамоат ахборот қўмитаси» тузилиб, унинг ривожланишига катта маблағлар ажратилди, психолог олимлар жалб килинди. Бу қўмитани Президент В.Вильсоннинг яқин ўртоғи Ж.Крил бошқарди. Қиска вақт ичида ушбу қўмита томонидан АҚШ манфаати сингдирилган 75 млн. донадан ортиқ тарғибот нашрлари тарқатилди. Уруш даврида «Жамоат ахборот қўмитаси» томонидан бетараф давлатларнинг ва жаҳон ҳамжамиятининг диққат-фикрини АҚШ фойдасига йўналтириш, чалғитиш мақсадида тинимсиз равишда дезинформация

тарқатилди. 1913-1921 йиллар давомида Вудро Вильсон АҚШ президенти вазифасини бажарар экан, информацион-психологик хуружга, унинг технологияларига, айниқса информацион-психологик таъсир воситалари сифатида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтган эди:

• Жамоат фикрини шакллантирувчи ва вазифалаштирувчи тизимлар

• Қарор қабул қилиш тизимлари;

• Информацион-техник тизимлар;

• Информацион-аналитик тизимлар;

• Информацион ресурслар;

• Оммавий-ахборот воситалари ва тарғиботга асосланган жамоат онгги ва фикрини шакллантирувчи тизимлар.

Ёшларда иммунитет ҳосил қилинмаса, дезинформациялар, очиқдан-очиқ бўҳтон, қалбакилаштирилган фактларнинг таъсирига қарши курашиб бўлмайди. Ёшларда билимлилик асосида мустақил ва таҳлилий фикрлаш жараёнини шиддат билан ривожлантириш лозим. Фикрлаш жараёни етарлича шакллангантирилса, ҳар қандай ғоявий таъсирлар ўз кучини йўқотади. Ахборот таҳлили ҳақиқий ҳолат билан қиёсланса, ўз-ўзидан ахборотнинг асл мазмуни намоён бўлиб, унинг таркибидаги тўқималар, қалбакилаштирилган фактлар истеъмолдаи олиб ташлаш мумкин.

Ғоявий таъсирларга қарши профилактик ишларнинг мазмунини, шакл ва услубларини, муҳитнинг ёшларга таъсирини тадқиқ қилиш зарурияти қуйидагиларни талаб қилмоқда:

- ғоявий таъсирларга қарши дастурларни яратиш ва амалга оширишда умумий тамойилларга эътиборга қаратишни;

- ғоявий тарбия жараёнида тизимли ва дифференциал ёндошувни;

- барча жараёнларни узвий боғловчи мониторинг тизимини яратишни;

-янги технологияларни жадал қўллаш ва тезкорликда апробациядан ўтказишни талаб қилмокда.

Ўзбекистонда ёшларни зарарли мафкураларнинг салбий таъсиридан ҳимоялашда санъатдан фойдаланиш, миллий ғояни тарғиб қилишда бадиий обрзларни қўллаш амалиёти мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти ҳамкорлигида 2001 йилда саҳналаштирилган «Хазон бўлган умр» спектакли бунга яққол мисол бўла олади. Спектаклнинг сюжети оддий. Тошкентга ўқишга келган талаба йигит «пулга учиб», ақидапарастларнинг сафига кириб қолади. Кейин экстремистик ғоялар таъсирида ота-онасини «кофир» деб ҳақорат қилиб, улардан юз ўгиради. Охир-оқибат ўша ақидапарастларнинг ўзлари уни ўлдирадилар. Томошабин ақидапарастлик нимадан бошланиб, нима билан тугашини ўз кўзи билан кўради. Шу билан бирга, спектаклда оила олий қадрият сифатида талқин қилинади. Ақидапарастлик натижасида кишилар оиласидан, ота-онасидан ҳам воз кечиши мумкинлиги кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузиридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент Давлат молия институти ва Тошкент архитектура-қурилиш институти талабаларига намойиш этилган «Хазон бўлган умр» спектаклига нисбатан томошабин фикрини ўрганиш мақсадида социологик сўров ўтказилди.

«Хазон бўлган умр» спектакли Сизга қандай таъсир қилди? деган саволга қуйдагича жавоб олинди:

| **Жавоблар** | **Фоиз** |
|---|---|
| А) диний экстремистларга нисбатан ғазаб уйғотди. | 57 |
| Б) ҳеч қачон бу йўлга кирмаслигимга ишонч ҳосил қилдим. | 21,3 |
| В) диний ақидапарастларга нисбатан қўрқув уйғотди. | 0,3 |
| Г) бошқа қаҳрамон Назиржонга нисбатан ачиниш уйғотди. | 12,5 |
| Д) спектакль менда хеч қандай тассурот қолдирмади | 1,3 |
| Е) бошқа жавоблар | 7,6 |

«Бошқа жавоблар» (е жавоб варианти) ичида «жуда ҳам таъсирланиб кетдим», «бу йўлга ҳеч қачон кирмайман, бошқаларни ҳам шунга чақираман», «диний экстремистларга нисбатан шафқатсиз бўлиш лозим», «телевидение орқали ҳам кўрсатилса яхши бўларди», «спектакль талабалар томонидан саҳналаштирилганидан хурсандман», «ҳозирги ҳолат учун ажойиб спектакль»,

«билмаган нарсаларимни тушунишимга ёрдам берди», «офарин, тасанно» деган жавоблар бор.

«Диний ақидапарастларга қарши шу каби спектакллар ёрдамида курашиш мумкинми?» деган саволга талабалар қуйидагича фикр билдиришган:

| **Жавоблар** | **Фоиз** |
|---|---|
| А) ҳа, чунки бундай спектакллар ёшларни бу йўлдан қайтаради. | **80,8** |
| Б) йўқ, бундай спектакллар ҳеч қандай самара бермайди. | **0,6** |
| В) билмадим, менимча, бундай спектаклларнинг фойдаси кам | **6,2** |
| Г) йўқ, диний ақидапарастларни фақат куч билан енгиш мумкин | **4,4** |
| Д) бошқа жавоблар | **8** |

«Бошқа жавоблар»ни кўрсатганлар «бундай спектаклларни кўпроқ кўрсатиш таъсир қилиши мумкин», «қишлоқдаги ёшларга кўрсатиш лозим», «енгиш учун ҳам куч, ҳам сиёсат бўлиши керак», «ақидапарастларни йўқ қилиб ташлаш керак», «спектакль инсоннинг руҳиятига таъсир қилади», «Ватан туйғусини болаликдан шакллантириш керак», «спектаклнинг ёрдамини амалда кўришни истардим», «афсуски, ҳаммада ҳам спектаклни кўриш имконияти йўқ», «ақидапарастлар-тирик мурда, уларнинг жойи жамиятдан яширин жойда», деб ёзганлар.

«Назиржоннинг (ақидапарастларга қўшилиб қолган бош қаҳрамон) аҳволига тушиб қолмаслигингизга ишонасизми?» деган саволга талабалар шундай жавоб беришган:

| **Жавоблар** | Фоиз |
|---|---|
| А) ҳа, ишонаман, мен ҳеч қачон Назиржоннинг аҳволига тушиб қолмайман | **8,11** |
| Б) йўқ, унчалик ишонмайман, Назиржоннинг аҳволига тушиб қолишдан қўрқаман | **4** |
| В) билмайман, ҳамма нарса бўлиши мумкин | **7,6** |
| Г) бошқа жавоблар | **7,3** |

«Бошқа жавоблар» «бошқаларни ҳам қайтаришга ҳаракат қиламан», «ҳар бир ёшнинг ўзига боғлиқ, ўйлаб иш қилиши керак», «Худо йўлдан адаштирмасин», «Худо имон берсин», «тушиб қолмасликка астойдил ҳаракат қиламан», «бундай тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилса, диний экстремистлар сафига ёшларнинг қўшилиб қолишларининг олди анча олинган бўлар эди», «бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган эканман», «Мафкуравий бўшлиқ ёшларни шу куйга тушириб қўяди», «менинг йўлим бошқа», «ишонмайман-у лекин I-курсдаги онгим, дунёқарашим ўзгармай қолганида кириб қолишим мумкин эди», «мен ўз йўлим, миллий мафкурамдан қайтмайман», «бу йўлга киришга мажбурласалар ҳам, ўлимни афзал кўраман», «спектаклни кўрганимдан кейин бу аҳволга тушмаслигимга амин бўлдим», «бу ҳолатга тушмаслик учун, аввало катта авлод вакиллари бизни тўғри йўлда тарбиялашсин», «ҳаёл суриб юрган ақидапарастларни Молия институтининг Молия факультети 1-курсига юборинг, ўзимиз адабини бериб қўямиз» каби жавоблар ёзилган.

Спектакль ёшларга кучли ижобий таъсир қилганини уларнинг қўшимча тарзда анкета четларига ёзиб қўйилган, спектакль қаҳрамонларига билдирилган ёзма тасалли сўзлардан, спектакль учун миннатдорчилик мактубларидан ҳам билса бўлади. Ёзувлар орасида «бугунги спектаклдан хулоса шуки, биз бундай иллатларга қаршимиз», «зал тўлмаганидан ҳафаман», «вақтим бекорга кетмади, бундан мамнунман», «бу спектакль айниқса, вилоятлардан келганларга сабоқ бўлади», «ёшлар мустақил Ўзбекистон тинч бўлиши учун хизмат қилишсин» каби сўзларни учратиш мумкин. Қувонарлиси шундаки, баъзи анкеталарнинг тепасига «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак», «Ўзбекистон-келажаги буюк давлат», «Огоҳлик-муқаддас бурч» каби сўзлар ёзилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдеки, бадиий образлар орқали миллий ғояни тарғиб қилиш, ёт мафкураларга қарши курашиш самарали ва таъсирчан усул ҳисобланади. Миллий ғоянинг тарғиботига сарфланган маблағ қисқа вақтда моддий бойлик келтирмаслиги мумкин, лекин ҳозирда бу соҳага сарф-харажатни камайтириш, миллат сифатида бизни эртанги мислсиз йўқотишларига олиб келиши мумкин. Шунинг учун биз унинг доимо самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисида ўйлашимиз керак.

**Таянч тушунча:** мафкура тарјиботи, адабиёт ва санъат, аєида парастлик, мафкура тарјиботи омиллари, мафкуравий тарјибот муамоллари.

**Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича саволлар.**

1. Миллий јоя тарјиботи самарадорлигига эришиш йуллари.
2. Миллий јоя тарјиботи самарадорлигига эришишда мактабнинг ўрни.
3. Зарарли мафкураларни салбий таъсиридан іимояланишда адабиёт ва санъатнинг моіияти.

## 6-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА “ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР”

Бугунги кунда дунёда катта ўзгаришлар содир бўлаётган бир даврда ҳар бир инсоннинг иқтидори ва салоҳиятини жамият тараққиёти сари йўналтиришга ундалмоқда.

Ўзбекистоннинг давлат сиёсатининг туб моҳиятини одамларга тушунтириш, уларнинг бу сиёсатни қўллаб-қувватлашларига эришиш, вужудга келган муаммоларни ҳал қилишда жамоатчиликнинг фикрига таяниш, сиёсий қарорлар қабул қилишда аҳолининг манфаат ва истакларини ўрганиш, давлат органлари ва давлат хизматчиларига нисбатан жамоатчиликда ижобий муносабат уйғотиш, кишиларга етказилаётган ахборот оқимини миллий манфаатларга мос ўзанга йўналтириш, фуқароларни ёт мафкураларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш вазифаларини амалга оширишга хизмат қиладиган янги технологиялардан фойдаланишга эхтиёж тобора ортиб бормоқда.

Ана шундай технологиялардан бири «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиясидир.

«Public relations» (PR) «Жамоатчилик билан алоқалар» тарғиботнинг демократик усулларидан бири саналади. «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари давлат билан халқ ўртасида мулоқот ўрнатиб, фуқароларда давлат сиёсатига мойиллик уйғотишга хизмат қилади. Шу орқали давлатга ҳамфикр инсонларни кўпайтириб, уларни ишончли ҳамкорга айлантиради.

«Жамоатчилик билан алоқалар» инсонлар фикрларига, кайфиятига, хиссиётига ва охир оқибат хатти-ҳаракатларига кучли таъсир кўрсатувчи «ишонч ва истаклар стратегиясидир».

Етакчи давлатларда бу технологиялардан фойдаланиш мафкуравий таъсир кўрсатиш индустрияси даражасига кўтарилган. Ўзбекистонда ҳам мафкуравий жараёнларни тартибга солишда «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларидан фойдаланиш миллий ғоя тарғиботининг таъсирчанлигини, сўзсиз, оширади.

«Жамоатчилик билан алоқалар» у бошқарувнинг алоҳида усули булиб, бошқарув тузилмаларининг жамият манфаатларига хизмат қилишига эътиборни қаратиш, амалга оширилаётган ислоҳотларга жамоатчиликни сафарбар қилиш, жамиятда вужудга келадиган нохуш ҳолатлардан огоҳ қилиш орқали уларнинг олдини олишга хизмат қилади. Жамоатчилик билан алоқалар қонуний, очиқ, самимий, аҳлоқий меъёрларга мос келадиган мулоқотлар асосида амалга оширилади.

Қатор мамлакатларнинг давлат бошқарувида «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларининг қўлланилиши бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан давлат ва жамият ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик усулига ўтишга хизмат қилади. Бунинг натижасида, давлат ва жамоатчилик ўртасида мавжуд кўзга кўринмас тўсиқ олиб ташланиб, демократик руҳдаги фуқаролар учун очиқ, уларнинг талабларига жавоб берувчи, ўзгаришларга тез мослашувчан янгича, самарали ишлайдиган бошқарувчилар қатлами шаклланди. Шу билан бирга, «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларини қўллаш фуқаролар онгига демократик қадриятларни самарали сингдиришга, уларда ватанпарварлик туйғуларини уйғотишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Сиёсий фанга оид адабиётларда «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларига қуйидагича умумий таъриф берилган: «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари давлат органлари ва бошқа турдаги ташкилотларнинг инсонлар, ижтимоий гуруҳлар, корхоналар билан ўзаро тушуниш ва ишонч муҳитини яратишга йўналтирилган фаолиятидир. «Жамоатчилик билан алоқалар»нинг илмий асосда ўрганилиши ушбу технологияларни қўллаётган субъектга олиб борилаётган сиёсатни қўлланиш услубларини ўзлаштириш имконини беради. Қувватловчиларни аниқлаш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, субъект учун аҳамиятли бўлган ахборот оқимларини бошқариш услубларини ўзлаштириш имконини беради.

«Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларига И.Соловьёв томонидан берилган таъриф хам эътиборга лойиқ: «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари ахборот технологияларининг бир тури булиб, бирор сиёсий

мақсадни амалга оширишда реципиент[1] ни ҳурмат қилган ҳолда ахборот-таҳлилий фаолият юритишни назарда тутади, деб ёзади у. – Ушбу технологиялар коммуникатор[2] ва реципиент ўртасидаги ўзаро муносабатларни яратишга хизмат қилади. «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларининг хақиқатга асосланиши мавжуд муаммоларни кенг жамоатчилик ўртасида эркин муҳокама килиш имкониятини беради ва фуқароларда сиёсий қарорлар қабул қилувчи марказ ҳакида ижобий тасаввур уйғотади. Бу технологиялар қуйидаги тамойиллар асосида ишлаб чиқилади:

- ахборотнинг холислиги ва ошкоралиги;
- ўзаро муносабатларда ҳам коммуникаторнинг, ҳам реципиенининг манфаатларини хисобга олиш;
- жамоатчилик фикрига таяниб фаолият юритиш, жамоатчилик фикрини хурмат қилиш;

Ахборот етказиш фаолиятининг бундай ташкил этилишида коммуникатор реципиентга шунчаки ахборот қабул қилувчи деб эмас, балки уз дунёқарашига эга шахс сифатида мурожаат қилади. Шу сабабли, «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларининг иштирокчилари жамоатчилик фикридан доимо бохабар бўлиб турадилар».

Олим ушбу муаммога тўхталар экан «Жамоатчилик ва алоқалар» технологиялари қандай мақсадга йўналтирилганлигига қараб уни бир неча турларга ажратади.

Масалан, «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларнинг коммуникаторнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқаларни яхшилашда (public) шахснинг исталган қиёфасини яратишда (image making), оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустахкамлашда (media relations), ахборот етказиш ва унинг аудитория томонидан қабул қилишини бошқаришда (massage management) ахборот марказларидан кадрлар билан ишлари (emloyee commumications), жамоатчилик билан ўтказиладиган текширишларда (publik involuement), ҳомийлар билан яхши алоқаларни таъминлашда (investor relations), таништирувчи

---

[1] Реципиент - ахборотни қабул қилувчи.
[2] Коммуникатор - ахборот етказувчи.

тадбирларни ўтказишда (spesial events), инқирозли вазиятларни бошқаришда (crisis manegement) ва бошқаларда фойдаланиш мумкин»,[14] деб эътироф этади. У мазкур технологияларнинг алоҳида кўринишларини санаб ўтади ва уларнинг ҳар бири ўзига хос вазифаларни бажаришини таъкидлайди. «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларини бундай қисмларга ажратилиши ахборот бериш жараёнини бошқариш ҳар бир информацион лойиҳаларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш стандартлаштирилган вазифаларни амалга оширишда ижодий ёндашиш имкониятини беради. «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари демократик давлатларда мамлакат томонидан жамоатчиликга ахборот етказишининг мазмунига айланганлиги боис давлат органлари билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари муаммоси бўйича илмий изланишлар олиб борган қатор олимлар давлат бошқарувида мазкур технологияларнинг қўлланилишини, аввало:

- давлат фаолияти тўғрисида фуқороларга ахборат етказиш;

- сиёсий жараёнларда фуқороларнинг иштирокини таъминлаш;

- фуқаролар томонидан давлат сиёсати ва дастурларини қўллаб-қувватлашга эришиш;

- давлат тузилмаларининг ижобий имижини яратиш[15] каби вазифаларни амалга оширишга хизмат қилишини таъкидлайдилар.

1970 йилда ўттиздан ортиқ мамлакатнинг Жамоатчилик билан алоқаларнинг технологияларининг қўлловчи муассаса вакиллари иштирок этган Мехикодаги халқаро форумда «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари жамиятда вужудга келадиган тенденциялар ва уларнинг оқибатини олдиндан кўра билиш амалга оширилаётган ислоҳотларни хаётга тадбиқ этишда жамоатчилик ва ташкилот (давлат) манфаатларига бирдек хизмат қилувчи санъат ва ижтимоий фандир,[16] деб баҳоланди.

---

[14] Соловъёв А.Н.Политология; политическая теория, политические технологии. - М.: Аснек Пресс, 2000, с. 518.
[15] Ўша ерда.
[16] Чумиков А.И. Паблик рилейшиз-связи с общественностью. - М.: Имидж-Контакт, Инфра-М, 2001 с. 25-26.

Франциядаги жамоатчилик билан алоқалар ва илғор технологиялар олий институти профессори, «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари бўйича қатор илмий изланишлар олиб борган Ф.Буари уни «ишонч қозониш технологияси» деб атаган. У жамиятдаги муносабатлар жамоатчилик билан алоқалар барча муносабатларнинг нуқтасидир» дейди.

Таниқли психолог Эрих Фроммнинг таъкидлашича, кишиларни кўр-кўрона ишонтириш, уларнинг дунёқарашини бошқариш фикридан воз кечиб онгли ва фаол ҳамкорлик муҳитини яратиш зарур[17], бу айнан «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари моҳиятини ташкил этади. Шу сабабли миллий ғоя тарғиботида «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари фойдаланиш инсоннинг фикр эркинлигига дахл қилмайди, амалда бу борадаги ишларимизни яхлит тизим шаклига келтиришга хизмат қилди.

Бугунги кунда хорижда кенг қўлланилаётган технологиялардан бири «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари давлат бошқарувини самарали ташкил этиш мақсадида кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўз фаолиятида жамоатчилик билан алоқаларнинг технологияларини қўлланиши йўлга қўйилганлиги бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мафкура тарғиботи масаласига тўхталиб «Биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамлар тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз. Ҳар қандай халқни ҳалқ, миллатни миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ равшан ва чароғон этадиган мафкура - миллий ғояни шакллантиришнинг асосий шарти одамларнинг тафаккури, дунёқарашининг воқеаликка нисбатан таъсирини инобатга олишдир »[18]

«Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари тарғибот ташвиқот масалаларига қаратилаётган ана шундай қатъий талабга тўла мос келади. Чунончи, «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари қўлланилишида омманинг фикрининг бошқариш усулидан воз кечилади.

---

[17] Филипп А. Буари. Паблик рилейшиз или стратегия доверия.-М, 2001, с. 25-26.

[18] Каримов И.А Ўзбекистон келажагимиз келажагини ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон»., 1999 й. 298-б.

Олимлар «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларини тарғиботдан кескин фарқ қилишини таъкидлайди. Хусусан, Ф.Тейлорнинг фикрича, «Тарғибот-ахборот етказишнинг шундай усули, унда фақатгина коммуникаторнинг манфаатларига мос ғоялар, мафкуралар, ахборот оммага етказилади»[19].

Миллий ғояни тарғиботида “жамотачилик билан алоқалар” усулларидан ташқари яна бир қанча илмий негиз ва асосларга эга бўлган бир қанча тарғибот усулларидан ҳам фойдаланилади ва улар қуйидагилар:

1. “Эксперт баҳолаш” усули;
2. “Дельфи” усули;
3. “Паттерн” усули;
4. “Ўйинлар назарияси” усули;
5. “Фокус гуруҳлар ташкил қилиш” усули ва ҳак.

“Эксперт баҳолаш” усули бугунги кунда кенг қўлланилаётган усулларидан бири бўлиб, уни вужудга келиши бевосита Иккинчи жаҳон урушидан сўнг етилган иқтисодий ва сиёсий муаммолари ечимини топишга доир тадқиқотлар билан боғлиқдир. Унинг асосий мазмуни-мутахассислар фикрлари ва қарашлари асосида бирор бир жараённинг келажакдаги аҳволини ўрганиш ва тадқиқ қилишдир. Бу усулнинг ижобий хусусиятларидан бири-уни асосан илмий мезонларга таянганлиги билан ажралиб туради. Эксперт баҳолари ўз навбатида 2 га ажратилади: индивидул баҳолаш ва жамоавий баҳолаш. Индивидуал баҳолашда фақатгина бир мутахассиснинг фикри ижобатга олинади, муаммонинг даражасига (жиддийлигига) қараб, эса жамоавий хулосалар ва баҳолар берилади. Ушбу усулнинг миллий ғоя тарғиботида муҳим аҳамияти шундан иборатки, тарғибот жараёнида мавжуд бўладиган ва кузатиладиган муаммоларни, (ҳам тарғиботчи ва қабул қилувчи ўртасидаги) илмий асосда ечимини топилишига имкон беради ва бу келажакда тарғиботни кенг кўламда амалга оширишда ўзининг самарасини беради.

“Экперт баҳолаш” усулининг давоми сифатида талқин қилинадиган усуллардан бири- “Дельфи ” усули бўлиб, унга бундай ном берилишининг асосий сабаби, қадимда Юнонистонда бирор ҳодиса-жараён ҳақида хулосалар ва тахминлар қилиш жараёнида бир гуруҳ қохинлар Дельфи (Грециянинг шимолида)

[19] Taylor P.M. mumtions of the mind. History of Propoganda from ancient to present day-Manchester-New York, 1995. P-6

ибодатхонасида йиғилишган ва атамага ана шу жойнинг нисбати берилган. Аммо бу номдаги усулнинг пайдо бўлиши АҚШда, 1960 йилларнинг бошларига тўғри келади ва келажакдаги илмий-техникавий жараёнларнинг ҳолати ҳақида тасаввур берувчи усулдир. Бу усул давомида дастлаб бирор бир ҳодиса ва жараённинг дастлабки ҳолати ҳақида фикр илгари сурилади ва ва шу ҳолат давомида вужудга келадиган ҳар қандай мазмундаги (катта ёки кичик) муаммоларни илмий далиллар асосида тўла ўрганилади ва аввалги кўрсатиб берилган жараёнлар ўртасидаги маълумотлар саралаб олиниб, уни умумий жамоанинг фикрлари сифатида қабул қилинади. Бу усулнинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири уни эксперт гурухларнинг аниқ математик хулосалари асосига қурилганлиги, муаммога нисбатан пайдо бўладиган саволларга биргаликдаги муносабат билдиришга қодир бўлган фикрлар хилма-хиллигига эга бўлганлигидадир. Жамият ривожланишининг асосий мазмун-моҳияти, унда илгари сурилаётган ғоялар ва мафкураларнинг мақсади, қарашлари, интилишлари билан билан чамбарчас боғликдир. Айни шу маънода ана шу жамиятнинг барча аъзолари мана шу ғоя ва мафкурани тўла англаб етгандагина, унинг келажаги порлоқ бўлади. Миллий ғоя тарғиботи ўз навбатида, мана шу мақсадларни бирлаштирувчи асосий манба вазифасини бажаради ва турли усуллар ва тамойилларга таянади. “Дельфи” усулининг миллий ғоя тарғиботидаги ўрни шундан иборатки, аввало, уни оддий назария ва қарашларга эмас, балки аниқ мақсад сари интилувчи илмий фаразларга эга бўлганлигидадир. Маълумки, тарғибот оддий кўринса-да, аммо доимо бир йўналишда амалга оширилмайди, у турли йўналишлар ва тарғибот-ташвиқот аъзоларининг турли-туманлигига асосланади. Шу ўринда айнан “Дельфи” усули тарғибот давомидаги нафақат мавжуд бўлган, балки, кутилиши мумкин бўлган муаммоларни ҳам мутахассислар ёрдамида ўрганиб бартараф этиб борилиши билан ажаралиб туради.

Замонавий илмий фаразлар ва тарғибот дастурларида кенг қўлланилаётган усуллардан бири- “Паттерн” (Planning Assistence Through Technical Relevance Number сўзларининг инглизча қисқартмасидан олинган) усули бўлиб, у ҳам АҚШнинг бошқа “ғоя маркази” яъни, “Хондуелл Инкорпорейтид” ташкилоти томонидан 60- йилларнинг охирларида ишлаб чиқилган. Ва дастлаб бу усул АҚШнинг мудофаа, ҳарбий-сиёсий мақсадлари учун хизмат қилади. Ушбу

усулнинг моҳияти ўзи учун керакли бўлган воқеа ҳодисалар тўғрисида маълумотлар йиғилади. Ва уни амалга ошириш учун “Паттерн” усулининг биринчи қоидаси яъни амалга оширладиган “мақсадлар дарахтини” чизиб олинади ва ўша вақтдаги муаммоларга асосланади. Шу билан шу муаммонинг ҳолати билан, кейинги жараёнларнинг самараси белгилаб берилади. Миллий ғоя тарғиботида дастлабки жараён билан кейинги натижаларни боғлаб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, миллий ғоя тарғиботи фикрлар эркинлиги ва ҳодисаларнинг турли-туманлигига асосланганлиги билан ажралиб туради. Бу усулнинг миллий ғоя тарғиботида қўлланилишининг асосий мазмунини белгилаб берувчи хусусиятларидан бири аввало муаммони ўрганишга нисбатан “ мақсадлар дарахтини” тузилишидир. Ва айни шу ерда, амалга ошириладиган барча ишларнинг режаси ишлаб чиқилади, шунингдек кутилажак муаммоларни илмий таҳлиллар ва назариялар асосида “хавфи” бартараф этилади.

Миллий ғоя тарғиботида энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири-“Фокус гуруҳлар”дир. Аслида бу усулнинг пайдо бўлиши социология фани билан боғлиқдир. Аммо социологиянинг ўзи жамиятни тадқиқ қилувчи фан бўлгани учун, ушбу усулнинг “қадри” жамиятнинг бошқа соҳалари учун ҳам бирдек қимматлидир. Бу усулнинг моҳияти-танлаб олинган ёки бошқа гуруҳларни интервью асосида фикрлари ўрганиш ва шу асосида, қўйилган муаммонинг манзараси очиб берилади ва бартараф этилади. Миллий тарғиботида бу усулнинг қўлланилиши, аввало, тарғибот самарасини оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Жамиятдаги у ёки бу гуруҳ ичидан ихтиёрий танлов асосида саралаб олинган респондентларнинг фикрлари асосида ана шу жамиятда миллий ғоя тарғиботини амалга оширишга доир фикрлар, йўналиш ва албатта илмий назариялар илгари сурилади.

Ғоя тарғиботи алоҳида мазмун касб этадиган усуллардан бири бу- “Ўйинлар назарияси” усулидир. Бу усулнинг умумий тузилиши ўйинлардаги оптимал мақсадларни аниқлашнинг математик қонуниятлар асосида ўрганилишидир. Ўйин дейилганда, бу ерда бирор-бир жараённи тушунилади. Бу усул давомида маълум бир мақсадлар илгари сурилган ҳолатни таҳлил қилиш жараёнида икки ёки ундан ортиқ гуруҳларга бўлинади ва гуруҳлар ўз манфаатларини учун курашади, айнан

мақул деб топилган гурух ва унинг мақсади етакчи даражага чиқарилади. Бу усул миллий ғоя тарғиботи билан билвосита чамбарчас бўлиб, айнан ғоя тарғиботининг тар-иботи самараси ҳам фикрлар, қарашлар эркинлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг тақдири инсоннинг фаоллигига боғлиқдир. Бу эса ислоҳотларнинг моҳиятини халққа тушунтиришни талаб қилади. Ўзбекистон ҳаётидаги ўзгаришлар инсонлар онгида ҳам кенгроқ ўзгаришлар қилишни талаб этади. Ўтиш даврини бошдан кечираётган ҳар қандай давлат инсонни тарбиялаш ҳақида жиддий қайғуриши табиий. Ҳозирги кунда инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бундай шароитда бегона мафкуранинг кўпорувчи таъсирига қарши доимий ва узлуксиз аксил тарғиботни ташкил этиш зарур. Чунки, бундай мафкуравий кураш нафақат мамлакатимиз ичкарисида балки халқаро майдонда ҳам олиб бориш талаб этилади. Шуни алохида таъкидлаш жоизки, демократик жамият барпо этиш давлатнинг фуқоролик жамияти билан доимий алоқага киришишини ўз мақсад ва вазифаларни инсонга тушунтириб боришини, жамиятдан келаётган талаб ва таклифлар асосида сиёсий қарорларни қабул қилишни тақозо этади. Бу эса жамиятдаги турли кучларнинг манфаатларини уйғунлаштириши улар ўртасида вужудга келиши мумкин булган зиддиятларнинг олдини олиш ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг мақбул усулларини жорий этиш имконини беради.

Ёшларнинг у ёки бу даражада ўз мафкуравий ҳимоя қобиғига эга бўлиши, унга ғоявий таъсирларга қарши курашиш имконини беради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ёшларнинг сиёсий вазиятни идрок этишида, мушоҳада ва таҳлил қилишида ғоявий барқарорлик муҳим аҳамиятга эга.

Эзгуликка, фикр софлигига йўналтирилган бунёдкор ғоялар-ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг мафкуравий-ғоявий негизлари бўлиб хизмат қилади.

Ёшлар ўзининг онгли яшаш ҳуқуқи учун, ўз тақдирини ўзи белгилаш эркинлиги, ҳаётий эзгу мақсадларини амалга ошириши учун ўзлари фаол бўлишлари керак.

Бунёдкор ғояларнинг асосий моҳияти ёшларнинг қалби ва онгига сингдирилса, шахс тафаккури турли эскича ақида ва тушунчалардан, турли ғоявий таъсирлардан

холос бўлиб, давлат манфаатига хизмат қилади. Унинг равнақига ўз ҳиссасини қўшади.

Шунингдек, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда одатда давлат бошқаруви органлари ислоҳотчи вазифасини ўтайди. Бошқача қилиб айтганда, айнан давлат органлари ислоҳотларнинг йўналишлари кўриниши уларни амалга ошириш босқичларини белгилаб берадилар. Шу боис давлатнинг муҳим вазифалардан бири ислоҳотлар жараёнида фуқоролар билан давлат органлари ўртасида эркин ахборот алмашинувини йўлга қўйишдан иборат .

Ривожланган мамлакатларда фуқароларни давлат органлари фаолиятидан хабардор қилишнинг турли механизмлари мавжуд бўлиб улардан энг кўп тарқалган «Жамоатчилик билан алоқа» технологияларидир.

Жамоатчиликка муҳим ахборотларни ўз вақтида етказиш, ўзаро ҳамкорлик муҳитини яратиш, жамоатчиликнинг ишончини қозониш демократик қадриятларни сингдириш ишлари пухта ишлаб чиқилган режа асосида олиб борилишини тақазо этади.

**Таянч тушунчалар:** Жамоатчилик, «жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари, ташвиқот, миллий ғоя ташвиқоти, ахборот-психологик хавфсизлик, миллий ғоя тарғиботида жамоатчилик билан алоқалар.

**Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича саволлар**

1. Жамоатчилик билан алоқалар технологиясининг мазмун ва моҳияти нималардан иборат?
2. Жамоатчилик билан алоқаларнинг технологиясининг вазифалари нималар?
3. Жамоатчилик билан алоқалар технологияларини қўллаш бугунги кун Ўзбекистон учун қандай аҳамиятга эга?
4. Миллий ғоя тарғиботни ундан қандай фойдаланиш мумкин?
5. Жамоатчилик билан алоқалар технологиясининг қўллаш ҳамда уни қабул қилишнинг моҳияти нимада?

# 7- МАВЗУ: ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ТУРЛИ АХБОРОТЛАРНИ СИНГДИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

“Глобаллашув тушунчаси (лот. Globus — шар, Ер сайёраси маъносини англатади) XX асрнинг иккинчи ярми — XXI бошида жаіон тараєєиётида шаклланган янги умумсайёравий тартибот, тамаддуний босєич мазмун-моіияти, давлатлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоєаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миєёсида ахборот макони, капитал, товар іамда ишчи кучи бозоридаги интеграциялашув, атроф муіитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарєалиши, информацион-мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб боришини ифода этадиган глобал жараён. Яъни жамият ҳаётининг барча соҳалари – иқтисодиёт, сиёсат, мафкура, маданият, ҳатто шахсий турмуш тарзини қамраб олган глобаллашув жараёни билан боғланмоқда.

“Глобаллашув” атамаси дастлаб америкалик олим Т. Левиттнинг 1983 йили “Гарвард бизнес ревью” журналида чоп этилган маєоласида тилга олинган эди (у йирик трансмиллий корпорациялар ишлаб чиєарадиган турли-туман маісулот бозорларининг бирлашув жараёнини шундай деб атаган эди). 1985 йилда эса таниєли америкалик олим Р.Робертсон “Globalization” иборасини илмий муомалага киритиб, бу тушунча “одамлар онгида сайёрамизнинг торайиши іамда дунёнинг яхлит тарзда англаниши”ни акс эттириб, “дунёнинг бирлашуви ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоєаларининг кучайишини” ифода этадиган жараён сифатида талєин этади.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида (Москва шаҳри, 2003 йил 29 май) таъкидлаганидек, «Кўз ўнгимизда замонавий дунёнинг геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация қиёфасида фундаментал ўзгаришлар ясайдиган чуқур жараёнлар рўй бермоқда»[20]

[20] Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тарққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т., Ўзбекистон, 2003. 275-б.

XX асрнинг 70 йилларигача дунё мамлакатларининг иқтисодий – ижтимоий ҳамда сиёсий тараққиёти ҳар бир давлатнинг ўз ҳудуди доирасидаги ривожланган суръатлари ёхуд уларнинг ўзаро муносабатлари даражасидан иборат жараён сифатида талқин этилар эди.

Глобаллашув даврига келиб эса тараққиёт борасида ўзгача қараш воқеа ҳодисаларни макон ва замондан ажратмаган холда, синхрон тарзда талқин этиш тамойили кўзга ташлана бошлади.

Жаҳонда 1946 йилдан 1995 йилгача 780 та уруш ва конфликтлар бўлиб йилига, 15,6 марта ошиб борган.

Бу урушлар ва конфликтларда 120 млндан ортиқ киши ҳалок бўлди, 400 млн.дан ортиқ киши ногиронликка дучор қилинди. 1990 йилдан 1995 йил охиригача 93 та уруш бўлиб ўтди (йилига 19 та уруш). Бу уруш йилларида 5,5 млн. киши ҳалок бўлди. Урушлар ва конфликтларнинг асосий сабаби - давлатлар орасидаги муносабатлардаги, одамлар орасидаги ижтимоий нохақликдир[21].

Глобализациянинг яна бир кучли объектив асоси – бу демографик жараёнларнинг шиддатлашиб, дунё аҳолисининг сони қуйидаги кўринишда ошиб бормоқда:

- 1700 йилда дунёда 600 млн. одам (300 йил аввал) бўлган;
- XX асрнинг бошларида 2 млрд. кишини ташкил этди;
- XXI асрга келиб эса 6 млрд. кишига етди.

Ер шарида аҳолининг умумий сони XXI асрнинг ўрталарига келиб эса 12-13 млрд. кишига етиши тахмин қилинмоқда. Бу эса дунё миқёсида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни 5 мартага ошириши ва таълим тизимининг 3 марта кенгайишини талаб қилади.

Глабаллашув турли ахборотлар, ғоялар, мафкуралар билан узвий боғлиқ. Глабаллашув ва турли тайзиқлар «Ахборот асри» деб аталаган XXI асрда бирон-бир мамлакат ёки ҳудуднинг тараққиётини фаол ахборот алмашинувисиз тасаввур этиб булмайди. Албатта, инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида жамият муайян шакл ва ҳажмда ахборот билим алмашинуви асосида ривожланиб келган.

---

[21] Глобализация: проблемы международного сотрудничество и решение общечеловечских задач // ФГОУ ВИО «Поволжская академия государственной службы им. П.А. Столыпина»., 2005 г. С-58.

Глобаллашувнинг салбий таъсирлари давлатнинг миллий статусини хавф остига қўймоқда, миллий қадриятлар ва анъанавий маданиятларни бузмоқда, ҳатто оила ҳаётига, инсоннинг шахсий ҳаётига ҳам кириб кемоқда.

Ёшларда ахборот хавфсизликни таъминловчи омиллар:

- таълим ва тарбиянинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, зеро И.А.Каримов: «Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди - бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси»[22]- алоҳида бу жараёнга мазмун касб этган эди;

- ёшларга тегишли муаммоларни босқичма-босқич ҳал этилиши, меҳнатни тақсимлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш меҳнат бозорини енгиллаштириш муаммоларини бирин-кетин бартараф этиши натижасида ёшларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги ошиб боради;

- ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ёшлар муаммосини бартараф этишга қаратилганлигини киритиш мумкин.

Ахборотнинг тез суръатлар билан тарқалишида, аввало, телекоммуникация воситаларининг кундан-кун ривожланиб бораётгани муҳим роль уйнайди.

«Ахборот асри»нинг ўзига хос талаблари ахборот оқимининг бениҳоя катталиги билан белгиланади. Гап шундаки, ҳозирга кунда телекоммуникация тармоқлари оркали узатилаётган ахборот ҳар 2 йилда икки баробар ортмокда. Бундай ўсиш муайян зиддиятларни ҳам келтириб чиқаради: Ахборот кўлами ва мазмуни ортди, ахборот тармоқларида истеъмолчи учун кераксиз бўлган катта микдордаги ахборот жамланган; натижада улкан ахборот заҳиралари тўпланган бўлишига қарамай, одамлар жисмоний ва техник имкониятлари чекланганлиги туфайли улардан самарали фойдаланила олмайди.

Инсониятнинг кейинги тараққиёт йиллари глобаллашув шароитида шахснинг ижтимоий онги, йўналтирувчи мақсадлари, қадриятлари, ҳаётий тушунчалари, дунёқараши ва охир-оқибат унинг жамият билан муносабатларида қандай ўзгаришлар содир бўлаётганлигига боғлиқ. Шунинг учун ижтимоий ва гуманитар фанлар глобаллашувининг жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларига таъсири масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

[22] Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. “Маънавият” 2008. 62-бет.

Глобаллашувнинг инсон ва постиндустриал жамиятлар ҳаётидаги ўрни ҳамда роли ҳақидаги алоҳида қарашлар шаклланмоқда.

Бирок, бу жараёнларнинг инсон тафаккури ва маънавий дунёсига таъсири масаласига етарли даражада эътибор беришни тақазо этади. Глобаллашув шароитида инсон тафаккури ва маънавий дунёсида содир бўлаётган ўзгаришлар қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

- глобаллашув шахсни шаклллантирувчи жамиятнинг маданий-маънавий соҳаларига таъсир ўтказиб, муайян ўзгаришлар олиб келади, анъанавий қадриятлар тизимига ҳам турли-хил таъсир этиши мумкин;
- глобаллашув таъсирида рўй берган ўзгаришлар инсоннинг маънавий-ахлоқий, психологик қиёфасига ҳам жиддий таъсир кўрсатиши мумкин ва ҳозирги замон жамиятининг қиёфасини ҳам муайян тарзда ўзгартиради;
- глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда, унинг таъсирида ижтимоий ва индивидуал онгда деструктив ўзгаришлар ҳам қайд этилган. Бу ҳолат индивидуализм, эгоизм, эгоцентризм инсонпарварлик тамойилларининг эврилиши, аҳлоқий тушкунлик, ҳаётий айрим мақсадлар ва тасаввурларнинг бузилиши каби ҳодисаларда намоён бўлмокда;
- ҳозирги замон глобаллашув концепцияларида муаллифларнинг диққат-эътибори асосан инсон фаолиятининг турли соҳалари-ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларга қаратилган. Ижтимоий муносабатлардаги ўзгаришлар инсон дунёқарашидаги ўзгаришлар натижаси эканлиги қайд этилади. Бу ҳол атроф-дунё ҳақидаги тасаввурлар ҳамда глобал доирада инсонлараро муносабатлар ва ўзаро алоқаларни баҳолаш мезонлари тизимини янада чуқурроқ ўрганиш зарур. Бундан ташқари, ижтимоий ҳаётнинг инсон табиати, талаб ва эхтиёжларидан тобора узоқлашиб бораётгани ҳамда у инсон маънавиий инқирозининг чуқурлашиб боришига мойиллиги масаласи етарли даражада ўрганилмагани билан ҳам изоҳланади.

Ҳозирги даврда жаҳонда кечаётган иқтисодий-сиёсий жараёнлар таъсирида глобал ахборотлашувнинг янада жиддий салбий оқибатлари намоён бўлмокда. Бу борада Н.Умарова шундай ёзади: «Ахборотни тараққиёт кушандасига айлантираётган кучлар хам йўқ эмас. Ахборотлаштириш жараёнларининг ижобий

жиҳатлари билан бир қаторда ахборот соҳасидаги ютуқлардан ёмон ниятларда фойдаланиш хавфи ҳам туғилмоқда. Бунда ахборотда жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг суверен тенглиги тамойилларига амал килиш, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, кучдан фойдаланмаслик, ички ишларга аралашмаслик, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳурмат қилиш каби мақсадларга зид равишда фойдаланилмокда».[1]

Экспертларнинг фикрига кўра, 1998 йилдан бошлаб «Би-Би-Си», «Рейтер» каби хорижий оммавий ахборот воситалари, интернетдаги сиёсий сайтларда МДҲ мамлакатларига қарши ахборотлар интенсив равишда, аҳоли қатламларига дифференциал асосда тарқатилиб, ишлар тизимлаштирилмоқда.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашга вақтида эътибор қаратмаган айрим давлатларда «демократик тўлқинлар» нинг «холисона ахборот ёндошуви» натижасида сиёсий муҳитга таъсир кўрсатди. Натижада, ихтилофли, турли манфаатлар, гуруҳлар ўртасида тўқнашувлар вужудга келди.

Интенсив олиб борилган ахборот хуружи натижасида жамоатчилик онгида жорий ҳукумат, давлатга қарши норозилик кайфияти шакллантирилди. Ахборот хуружи таъсирида Грузияда «атиргул», Украинада «зарғалдоқ революцияси», Қирғизистонда эса «лола революцияси»ни амалга оширишга қулай сиёсий ва ижтимоий муҳит яратилди.

Ахборот хуружининг таҳлилига эътибор қаратилса, қуйидагилар намоён бўлади:

1. Мамлакатда олиб борилаётган барча жараёнлар дезинформация ёрдамида бузиб талқин қилинди ва давлатга қарши талқинда барча воситалар ёрдамида тарқатилди.

2. Аҳолининг онгига сиёсий бепарволик ва эътиборсизлик, энг асосийси давлатга қарши кайфият ва норозилик шакллантирилди, тизимли ривожлантирилди.

3. Ташқи кучларнинг бевосита ёрдамида қисқа вақт ичида савияси паст, маълумоти саёзроқ, наркотикка мубтало бўлган ёшлардан иборат «демократия тарафдорлари» шакллантирилди.

---

[1] Умарова Н. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига карши кураш. Т., Академия, 2005. –4-б.

4. МДҲдаги етакчи давлатларнинг айрим ахборот васиталари, ғарбнинг машҳур оммавий ахборот воситалари, интернет сайтларида дезинформацион материаллар тезкорликда интенсив эфирга узатилди. Дунё миқёсида миллионлаб одамлар, халқаро ташкилотлар, давлатлар айрим сохта ва ёлғон ахборотга ишонтирилди.

Таъкидлаш жоизки, глобаллашув кенг қулоч ёзгани, жаҳондаги интеграциялашув жараёнлари фаоллашгани, трансмиллий корпорациялар ва ахборот тарқатиш тармоклари давлатлараро чегараларга карамай, «миллий давлат ҳозирги даврнинг асосий геосиёсий бирлигини ташкил этади ва давлатлар ҳар доимгидек, халкаро муносабатларнинг бир-бири билан мулоқатга киришадиган ҳамда бир-бирига муайян муносабатда бўладиган субъектлари бўлиб колмоқда. Алоҳида олинган давлат маълумки, ўз фуқаролари учун «ҳомий» ва «ҳимоячи» вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳар кандай давлатнинг асосий мақсади ўзини, ўзининг яхлитлиги ва «яшаш макони»ни сақлаш ҳамда миллий манфаатларни ҳимоя қилишдан иборат.

Глобаллашув таҳдидлари хуруж қилаётган бугунги кунда юксак ватанпарварликни бўлишини тақозо этади. Шу боис «Халқнинг маънавий руҳини Ватан туйғусини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир».

Миллий ғоя халқимизнинг юксак маънавияти, анъана ва удумларига таяниб у ўзида эркинлик, мустақиллик каби туйғуларни акс эттиради. Бутун инсоният тарихида муйаян миллатга хос мақсадларни ифодалашга хизмат қилувчи ғоя, унинг асосий тушунчалари ва тамойилларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ўз ватанининг маънавий-иктисодий салоҳиятини кундан-кунга юксалтириб боришида фаол иштирок этаётган барча кишиларнинг фаолияти шу вазифани бажаришга қаратилган.

Миллат ўзини халқ сифатида, эл сифатида англамагунча, у ўзининг обруйи, қадр-қиммати, ор-номуси ҳақида қайғура олмайди, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини тўла ҳис эта олмайди. Ўзликни англаш халқни уйғотувчи, фаол ҳаракатга келтирувчи, уюштирувчи куч. Шарк ва Ғарбда, Осиё ва Европа халқлари ҳаётида ҳам ўзликни англаш туйғусининг уйғониши, пировард натижада, унинг

юксалишига, бирлашишига, бошқа халқлар билан мулоқатга киришувига туртки бўлган.

Бугунги кунда Ўзбекистон истиқболини асраб-авайлаш, уни сақлаб қолиш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига асосланадиган миллий ғояга асосланган ўзликни англаш туйғуси ниҳоятда муҳим.

«Миллий ғоя» деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов, «у биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур».[1]

Миллий ғоя одамларни эзгу ғояларга ишонтириш, уюштириш, олижаноб мақсадлар сари сафарбар этишда маънавий-руҳий жиҳатдан улкан аҳамиятга эга. Чунки, халкнинг руҳи, кайфияти, ҳиссий кечинмалари ва фаолият кўрсатишига шайлиги унинг ҳаракат дастури бўлган умуммиллий ғояга ишончи билан белгиланади. Ана шундай ишонч жамият аъзоларида мустаҳкам эътиқодни шакллантириб, уларни жипслаштиради, мамлакат фуқароларини ўзаро тотув, дўст ва иноқ бўлиб яшашга, ўз манфаатларини Ватан манфаатлари билан уйғунлаштиришга чорлайди.

Миллий ғоянинг мақсад ва вазифалари умуминсоний қадриятлар устуворлиги тамойилига тўла-тўкис мос келади. У мамлакатнинг жаҳондаги илғор давлатлар тажрибаси асосида мафкуравий жараёнларда фикрлар хилма хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, демократик эркинликлар ва инсон хуқуқларини сақлашга доир халқаро андозаларга ҳамоханглиги билан ҳам аҳамиятга эга. Глобаллашув даврида миллий ғоя тарғиботи муҳим аҳамиятга эга.

Глобаллашув муаммоларига турли соҳалар бўйича ёндошув ҳамда талқинлар бир-бирини инкор этмайди. Аксинча, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, глобаллашув инсон ва жамият ҳаётининг барча тармоқларини қамраб олган жараёнлардир. Хусусан, у объектив жараён сифатида, аввало, жаҳон иқтисодиётининг турли жабҳалари ўртасида кучайиб бораётган боғлиқликни акс эттиради.

---

[1] Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халкни –халк, миллатни- миллат килишга хизмат этсин. Т., Узбекистон, 1998. 15-б.

Глобаллашув айниқса юқори технологиялар соҳасида фаоллашмоқда. Жумладан, АҚШ расмий манбаларининг маълумотларига кўра, «Интернет»дан фойдаланувчилар сони 1994 йилда 3 млн. киши бўлган бўлса, 1998 йили 100 млн. кишига етди. Биргина Россия Федерацияси бўйича 2003 йилда Мобил телефондан фойдаланувчилар сони эса 2003 йил 10 млн кишини ташкил этди.[23]

Экспертлар хулосасига кўра, радио орқали 50 млн. кишини қамраб олиш учун эса 13 йил керак бўлган.

Талаба-ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминловчи омиллардан бири маънавий-маърифий дунёқарашнинг шаклланганлигидир. Маънавий-маърифий онгнинг шаклланганлиги натижасида, ташқаридан кириб келаётган аҳлоқсизлик ғояларига қарши туриш мумкин.

Ёшлар онгига трансляция қилинаётган ахборот хуружи ғояларидан бири аҳлоқсизликдир. Бу ғоя ўз таъсири ва етказган зарари бўйича экстремизм, терроризм, наркомания каби офатлардан қолишмайди.

Мустақил давлат ёшларнинг онгига ғоявий таъсирлар ёрдамида бузиш, ғарбнинг табири билан айтганда мустақил давлат ҳаётга барча халқаро ҳуқуқий норма ва халқаро ҳужжатларга зид равишда аралашишдир.

Нима учун халқаро ҳуқуқ ва нормаларнинг бузилишига ғарб жамоатчилиги, «Рейтер», «Эй-Би-Си», «Би-Би-Си» каби ахборот агентликлари сиёсий ахлоқсизлик агрессиясига қарши курашиш ўрнига, нега жаҳон ҳамжамияти кузатувчи ва томошабин бўлиб турибди?

Аммо дунёда ҳар бир миллатнинг, халқнинг ўзи томонидан қабул қилинган маънавий-аҳлоқий нормалари, маданий ривожланиш тамойиллари бор. Буни ҳеч ким ҳеч бир қонун ва ҳуқуқшунос инкор эта олмайди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳондаги илғор мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини олиб бораётган бугунги кунда жамиятимизда миллий ғоянинг роли катта.

---

[23] Глобализация: проблемы международного сотрудничества и решение общечеловеческих задач. //ФГЛУВПО "Поволжская академия государственной службы им. П.А. Столыпина"., 2005 г., с. 16.

Миллий ғоя ҳар бир кишининг жамият, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маънавий меъзондир.

Миллий ғоянинг Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишидаги роли шундаки, унинг моҳиятида қуйидаги умумининсоний тамойиллар ётади:

Аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланиб, конунийликка, умумэътироф этилган талабларга, умуминсоний тамойилларга зид келмайди;

- халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади. Бу миллий ғоянинг тарихий ва маънавий асосга эга эканлигидан далолат беради;

- у адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустакиллик ғоялари ҳамда халкимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради. Биламизки, бу улуғ ғоялар истиқлол сари интилган ҳар бир халкнинг эзгу мақсади, ишонч ва эътиқоди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади;

- у юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу тамойил унинг жамият аъзоларини аниқ мақсад сари йўналтирувчи, уюштирувчи моҳиятга эга эканлигини ифодалайди;

- у жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади.

- у миллати ва динидан қатъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она Ватанга муҳаббат, мустакиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради;

- у жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамоийлларига риоя килган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади.

Ахборот хуружларини олдини олишда миллий ғоянинг аҳамияти қуйидагилар билан белгиланади:

- мамлакатнинг мустақиллигининг мустаҳкамлаш, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сархадлар дахлсизлигини таъминлашда ёрдам беради;
- қонун устиворлиги, демократия ва ўзини-ўзи бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаётганига асосланганлиги;

- миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига таяниш;
- халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келиши;

У давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги ва мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг ҳамоҳанглиги, жамият хаётининг барча соҳаларининг эркинлашуви, ислоҳотларнинг тадрижийлигига хизмат килиши билан белгиланади.

**Таянч тушунчалар:** Глобаллашув. Ахборотлар, ғоялар хилма-хиллиги. “Мафкуравий хуружлар”. Мафкуравий хуружларнинг олдини олиш технологиялари.

**Мавзуни мустахкамлаш бўйича саволлар.**

1. Глобаллашув тушунчасининг мазмуни ҳамда моҳияти қандай?
2. Глобаллашув хавфли жараёнми, ёки ижобий?
3. Глобаллашув жараёнида Ўзбекистон учун қайси йўл маъқул?
4. Миллий ғоянинг аҳамияти нимада?
5. Ахборот хуружларини олдини олиш.

# 8-МАВЗУ. ЁШЛАР ВА МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Миллат ўз кучини, тараққиёти заминларини аввало ёш авлод орқали топади ва ривожланади. Жамиятнинг энг ўзгарувчан ва ҳаракатчан қатламини жамоага ва жамиятга хос қилиб тарбиялаш, интелектуал салоҳиятини ошириш, миллий анаъаналаримиз, қадриятларимизни асраб-авайлашнинг асосий ташувчилари ёшлар ҳисобланади. Ўзбекистонда улар аҳолининг 64% (17 млн.) ни ташкил қилиб, жуда катта стратегик куч сифатида намоён бўлмоқда. Миллий ғояни айнан шу қатлам орасида тарғиб қилиш, уларнинг онгига сингдириб, ишонч ва эътиқодга айланиб боришининг бир қанча ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Бу жиҳатлар давлатимизнинг келажакдаги тараққиётини белгилаб берувчи асосий манбаларидан биридир. Биринчидан, миллий ғоя бир томондан ёшларни ўзини объекти сифатида қараса, иккинчи томондан ёшлар миллий ғояни асосий ташувчилари ва бир пайтнинг ўзида кейинги авлодга етказиб берувчилари ҳисобланадилар. Учинчидан, ёшлар қанчалик даражада миллий ғоя билан қуролланган ва унинг мазмун моҳиятини англаган бўлсалар, бугунги кунда авж олган “мафкуравий таъсирлар”нинг олди олинган бўлади. И.А.Каримов: “Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзбўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча-қаерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади”[24] деган эди. Айнан юқоридаги ҳолатлар миллий ғоя ва ёшларни ўзаро боғлиқлигини белгилаб беради. Бошқача қилиб айтганда, миллий ғоя қанчалик мазмунли, ҳар бир кишининг узоққа мўлжалланган мақсад ва манфаатлари, пировардида эса, миллатнинг истиқболини белгилашга хизмат қиладиган бўлса, уни ёшлар шунчалик тез қабул қилади ва унга нисбатан ижобий муносабати шаклланди. Демак, тарғибот технологиялари миллий ғоя орқали ёшларда қандай ғоя ва фикрларни таклиф этса, шунга мос равишда ғоявий жиҳатдан чиниққан, ватанпарвар, замонавий билимларни эгаллаган ёшларга эга

---

[24] Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. “Маъанавият” 2008. 116-бет.

бўлади. Энг асосий шундаки, ёшлар бошқа аҳоли қатламларига нисбатан, ташаббускор, ишонувчан, тез қабул қилувчи ташаббускор ҳисобланадилар. Жамиятда қандай мақсадга қаратилган бўлмасин, турли ғоя ва мафкураларга ўзининг шахсий нуқтаи назарини қаратади. Чунки ёшлар физиологик ва психологик жиҳатдан шаклланиш босқичида бўлганлиги учун уларда янгиликларга нисбатан қизиқиш кучли бўлади ва эътиқодга айлантириш ва одатга айлантириш ҳисси кучли бўлади. Шунингдек, ёшлар ўзларининг ижтимоий–руҳий ва бошқа жиҳатларига кўра салбий ҳодисаларга берилувчанлик, жамиятдаги ўзгарувчан шароитга мослашиш қобилиятининг юқори эканлиги билан ажралиб туради. Улар жамиятнинг шундай ижтимоий гуруҳига мансубки, улар ўткир билиш қобилиятига эга бўлиб, сўз билан амалиёт мутаносиблиги ҳолатларининг кучлироқ сезадилар. Жамиятнинг бундай қатламини тўғри мақсадга йўналтириш учун аввало уларнинг аниқ, бунёдкор миллатпарвар ғоялар асосида тарбиялаш ва таълим бериш алоҳида касб этади. Бу жараёндаги асосий “маънавий тарбия” ролини миллий ғоя бажаради. Миллий ғояни ёшларни сафарбар этиш, илҳомлантириш, буюк келажак сари чорлаш учун аҳамияти, таълим ва тарбияда тутган ўрни ва роли ҳаёт хақиқатларига, реал борлиққа, халқ турмушига қанчалик мос ва мувофиқлигига қараб белгиланади. Ёшларнинг онгига миллий ғояни сингдириш, уларни шу асосда тарбиялаш, аввало, жамиятдаги барча ижтимоий ва сиёсий институтлар орқали амалга оширилишидаги жараёнда давлатнинг алоҳида ўрни ва роли мавжуд. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 90- йилларда дунёда бир бирига қарама қарши бўлган икки “қутб”нинг барҳам топиши, хавф хатарларни, тайзиқ, айниқса, мафкуравий таъсирларнинг янгича кўринишларини пайдо бўлишига олиб келди. Бу таъсирларнинг икки асосий жиҳати мавжуд бўлиб, буни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Уларнинг биринчиси, одамлар кўпроқ кутган ва эришишига мойил бўлган “ эркин демократия” шиори остида яширинганлиги билан, иккинчидан, давлатларни таъсирига олишнинг замонавий кўриниши ҳисобланган ёшларни турли ғоялар остида эргаштириш каби кейинчалик мудҳиш оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган, аммо ўта яширин кўринишга эга бўлган бундай мафкураларнинг тарқалиши билан боғлиқдир. Айнан шундай “демократик” деб аталган, асл мақсадлари давлатнинг тузумига зарар етказиш билан боғлиқ бўлган

бу турдаги хавфларни олдини олишда миллий ғоя ва ёшларнинининг ўзаро боғлиқлиги асосий жамиятнинг ўзига хос равишда ҳимоясини ташкил этиб беради. "Ҳар қайси давлат ва ҳар қайси миллат нафақат ерости ва ерусти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданиятли ва маънавиятли ёшлари билан кучлидир"[25].

Миллий ғоя тарғиботининг ёш авлод орасида амалга ошириш жараёнида бир қанча босқичларда амалга оширилиши, унинг олдига қўйган мақсадлари билан мувофиқлигини таъминлаб беради. Чунки, миллий ғоя бир кунда ёки бир йилда шаклланиб, сингдириладиган жараён бўлмасдан, балки тадрижий равишда амалга оширилади.

Аввало, миллий ғоя бу қатлам орасида босқичма-босқич равишда амалга оширилиши келажакдаги унинг кенг тарқалишининг асосий мазмунини белгилаб беради. Чунки, ёш авлоднинг маълумотларни қабул қилиши психологик ва физиологик жиҳатларини билан алоҳида боғлиқ эканлиги турли-туманлиги уларнинг миллий ғояга хос бўлган жиҳатларни аста – секинлик билан ўзлаштиришларини билдиради. Аввало, миллий ғоя тарғиботини жамиятнинг энг асосий ва муҳим институти ҳисобланмиш-оилаларда жорий қилиш (яъни, анъаналармиз, урф одатларимиз ҳақида дастлабки тасаввурлар,) кейинги босқичлар, яъни, мактабгача таълим, мактаб таълими каби даражаларда давом эттириш ёшларни миллий ғояни тўла мазмунда, чуқур тарзда эгалллашларини кафолатларидан биридир.

Иккинчидан, миллий ғоя жуда кенг мазмунга эга бўлган ва албатта анъаналаримиз ва тарихимизнинг барча кўринишларини ўзида мужассам этганлиги, шунингдек мамлакатимизнинг мустақиллигини турли мафкуравий хавфлар химоя қилувчи восита эканлиги ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, унинг тарғиботи масаласи ҳам янада муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда, унинг жамият бўйича кўламини оширишнинг ягона йўлларидан бири уни доимий равишда тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкиллаштиришга қаратилганлигидир. Узлуксизлик тамойили миллий ғояни халқ онгига сингдириш учун мамлакатда

[25] Каримов И.А Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Шарқ, 1997.Б.5

муайян мафкуравий  майдон яратишни тақозо қилади. Бу майдондаги ҳар бир ҳаракат ва ҳолат, жумладан таълим тизимидаги ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, синф ва аудиториялар кўргазмали қуролларнинг миллий ғояга уйғун бўлиши муҳим.

Миллий ғоянинг тарғиботида муҳим аҳамият касб этувчи жиҳатлардан бири уни кенг қамровлилик тамойили асосида амалга оширишдир. Бунда жамиятнинг барча аъзоларига ғоялар хилма-хиллиги асосида мафкурани сингдириш, бу жараёнда аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш назарда тутилади. Натижада жамиятнинг барча бўғинлари ғоявий таъсир доирасида қамраб олинади; - умумий мақсадга йўналтирилганлик; -фаол инсонни тарбиялаш ва инсон салоҳиятини юзага чиқариш мафкуранинг бош мақсади қилиб олинади.

Бугунги кунда миллий ғоя тарғиботини амалга ошириш бевосита ёшлар билан боғлиқ экан, бу албатта таълим тизими билан алоқадор ҳолда амалга оширилади. Таълим тизимида миллий ғоя тарғиботи ва умуман тарғибот-ташвиқот технологияларида бир қанча усуллар мавжуд бўлиб, улардан бири-**“Моделли машғулот”** усули ҳисобланади. Ушбу усул кўп илмий манбаларда “кейс усули” деб ҳам юритилади. Бу усулнинг умумий манзараси қуйидагича: машғулот ўқитувчи ва талаба ўртасидаги илмий мунозарага асосида ташкил қилинади. Бу жараён  давомида бир-бирларининг(ўқитувчи ва талаба) фикрлари ривожига икки тараф ҳам мотивацион хатти-ҳаракатлар билан таъсир ўтказишади. Бу жараёнлар, дебат, мунозара, фикрлар хилма-хиллиги асосида амалга оширилиб, икки тараф ҳам бир-бирларидан турли янгиликларни ўзлаштирадилар ва дарс охирида керакли тавсиялар берилган ҳолда хулоса қилинади. Миллий ғоя тарғиботи давомида қанчалик  турли ғояларга нисбатан мустақил фикр юрита олиш хусусиятини шакллантириш ҳам катта аҳамият касб этади.  Тарғибот технологиялари ичида яна кенг тарқалган усуллардан бири-**“Синквейн”** яъни ахборотларни йиғиш усули ҳисобланади. Методни қўллаш жараёнида талабалардаги тарқоқ ахборотли жараёнлар аста-секин босқичма-босқич йўналтирилган ахборотли жараёнга айлантириб борилади.  Яъни ўрганилмаган билимлар мавзуни ўрганиш давомида ўрганилади, муайян обьектив воқелик тўғрисида якдил фикрга келинади.Одатда,

синквейн мавзу бўйича бирор муаммоли вазиятни ечиш ёки алоҳида ўқув элементларини мукаммаллаштиришда талаба тафаккурини чархлаш учун тузилади.

Миллий ғоя фикрлар хилма-хиллигига асосланади ва турли тайзиқ ва фикрларни "идеаллаштириш" каби хусусиятлардан йироқ. Ва меъёрийлик ҳолати билан алоҳида ажралаб туради. Унинг мазмуни аксилтарғиботни келтириб чиқарадиган, ҳаётдан узилиб қолишига олиб келадиган баландпарвозлик, расмиятчилик ва такрорланишларига йўл қўймаслиги билан ажралиб туради. "Албатта, мафкурани бир кунда ёки бир йилда яратиб бўлмайди. Чунки мафкура шаклланади, шакллантириб борилади. Унинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш мумкин. Ана шу тамойиллар реал ҳаётда ўз ўрнини топмаса, бундай мафкура ва ғоя қоғозда бўлади, холос"[26]. Айнан миллий ғоянинг миллатпарварлик ва бунёдкорлик кучи ҳам ана шундадир. Миллий ғоя давлат мафкураси сифатида ҳам талқин этилмайди.

Миллий ғояни сингдириш усуллари, технологиялари, устувор йўналишлари XXI асрда инсоният ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги палласига қадам қўйди. Дунёда катта ўзгаришлар содир бўлаётган бугунги кунда ижтимоий маконларни ўзлаштиришнинг янги усуллари, жумладан янги технологиялари кенг расм бўлди. Технологиялар асри деб аталаётган XXI асрда ишлаб чиқаришда жорий этилган янги технологиялар меҳнат самарадорлигини оширмоқда. Бироқ янги технологиялар фақатгина қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаларида балки, маънавий ва мафкуравий жараёнларда ҳам ўз самарасини (ижобий) ва таъсирини (салбий) кўрсатмоқда. Мамлкатимизнинг мафкуравий жараёнларга ҳам шу нуқтаи назардан ёндашиш миллий ғояни тарғиб қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш заруратини кўрсатади. Миллий ғояни ёшлар қалби ва онгига сингдириш муайян технология асосида олиб борилганида тадбирларнинг кетма-кетлиги, миқёси ва меъёри, давомийлиги ва тамойиллари сингари жиҳатлар ҳам қамраб олинади. Масалан, тарғиботда миллий ғоя тўғрисида ҳадеб ва ноўрин гапиравериш, меъёрни билмаслик тескари самара бериши мумкин. Тарғибот технологияси миллий мафкура мазмун моҳиятига мос бўлган тақдирдагина

[26] Каримов И.А. Жамиятимиз мафкура халқни –халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Т.: "Ўзбекистон"., 1998 й. Б.45

кутилган натижага эришиш мумкин. Ўзбекистонда мафкуравий жараёнларни аҳолининг барча қатламлари хусусан, ёш авлод орасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- Белгиланган тадбирларнинг юқори даражада уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш;
- Миллий ғоя тарғиботи сифатини мунтазам ошириб бориш;
- Давр талабларидан келиб чиққан ҳолда,тарғибот ишларини ташкил этишнинг янги, самарали йўлларини излаш;
- Бу соҳада эски тарғибот услубларининг мутлақлаштирилишига, андозалаштиришга йўл қўймаслик;
- Ғоявий тарғибот жараёнларни ташкил этишда ижобий муҳитни ҳисобга олиш;
- Ғоялар хилма-хиллиги ва мақсад муштараклигини таъминлаш;
- Ғоявий тарғибот ишларини ташкил этишда учрайдиган расмиятчилик ва масжлисбозлик кўринишларига барҳам бериш;
- Ғоявий тарғиботнинг ёшлар орасида кенг тарқалишининг асосий мезонларидан бири ҳисобланган турли мунозаралар ва дебатлар асосига қуриш асосида унинг маъно-моҳиятини англашга катта имконият беради;
- Мафкуравий фаолиятнинг қанчалик самарали олиб борилаётганлигини билиш мақсадида унинг мониторингини ташкил этиш.

Миллий ғоя миллатни етакловчи куч ҳисобланади унда давлатнинг анъаналари, шу замин халқларининг урф-одатлари, тарихи ва маъанавияти мужассамланган мустақиллигимизни асрашнинг маънавий-руҳий асоси хисобланади. Юртбошимиз: “Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргаликда ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб кетган ҳашар одати истиқлол даврида янгича маъно-

мазмунга эга бўлиб, умумиллий анъана тусини олган барчамизни мамнун этади ".[27] Бу жараён миллий ғоянинг ўз-ўзидан давлатимизнинг келажаги бўлмиш ёшлар билан қанчалик чамбарчас равишда тўлдирувчи бутунлик эканлигини исботлайди. Миллий ғоянинг амалиётида қўлланиши унинг тараққиётини билдиради. Бу ўринда миллий ғоя икки асосий вазифани бажариб бериши билан алоҳида аҳамият касб этади. Биринчидан, шу Ватанга муҳаббат руҳида, унинг олдида доимо маъсулиятни сезадиган, халқ, давлат манфаатларини ўзиникидан устун қўйишга қодир бўлган янги авлодни тарбиялаш учун хизмат қилади. Иккинчидан, миллий ғоя ёш авлодни бугунги кунда "мафкуравий хавф"ларнинг олдини олиш ва айниқса, ҳиссиётга берилувчан, ишонувчан ёш авлодни ўзига хос равишдаги ҳимоясининг ҳам амалий-назарий манба сифатида намоён бўлади. Чунки мамлакатнинг келажак пойдеворларининг том маънодаги меъморлари бу – ёшлардир. "Барчамизга маълумки, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради"[28]-дейди Юртбошимиз.

Мамлакатдаги маънавий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгиланишлар учун давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги муҳим. Миллий ғояни давлат ҳомийлигида ва назоратида аввало ижтимоий институтларда, шунингдек, мактаб таълими билан боғлиқ равишда тарғиб қилишга киришилди. Бунинг моҳияти ёш авлодни бугун, айниқса глобаллашув ва ахборотлар хуружи ошаётган пайтда аниқ мақсадга қаратилган, миллатпарвар сифатида тарбиялаш, ҳар қандай ғоя ва мафкураларга "онгсизларча"тақлидий эргашиш дардидан халос қилишдаги асосий ролни бажариши билан белгиланади.

XXI аср бошларига келиб, дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан тўла иҳоталаниб олган бирорта

---

[27] Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 96-б.
[28] Каримов И.А. Асосий мақсадимиз-юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. Т.: Ўзбекистон., 2007. 34-б.

ҳам давлат йўқ, тўла ишонч билан айтиш мумкин. Ҳаттоки, халқаро ташкилотлардан узоқроқ туришга интилаётган, уларга аъзо бўлишни истамаётган мамлакатлар ҳам бу жараёнки, ундан четда тураман, деган мамлакатлар ҳам бу жараёндан мутлақо четда эмас. Глобаллашув шундай жараёнки, ундан четда тураман деган мамлакатлар ҳам, унинг таъсирига тушиб қолиши мумкин. Бундай ғайри ихтиёрий таъсир мамлакатлар ва халқлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаётган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий, ахборот, маънавият салоҳиятлари ва сиёсати билан боғлиқ. Дунёда юз бераётган жараёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказаётган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ҳодисанинг моҳиятини чуқурроқ англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш лозим. Бу ҳодисани чуқур ўрганмасдан туриб, унга мослашиш, керак бўлганда, унинг йўналишини тегишли тарзда ўзгартириш мумкин эмас. Глобаллашув яна шундай жараёнки, уни чуқур ўрганмаслик, ундан фойдаланиш стратегияси, тактикаси ва технологиясини ишлаб чиқмаслик мамлакат иқтисоди ва маданияти, маънавиятини шиддатли селнинг кучига бошқарувчисиз қайиқни топшириш билан баробардир. Жамиятнинг маънавий янгиланиши бевосита анъанавий негизларини асос қилиб олган ҳолда, замонавийликни тарғиб қилиш ва уни қабул қилиш унинг моҳиятини кенг оммага етказиб бериш бугун глобаллашув жараёнлари авжига минган замонда алоҳида аҳамият касб этади. Аввало, бу жараёнда ҳар бир ахборот ва маълумотларни етарли асослаб беришга қаратилиши жараённи бир йўналишда ривожланишини таъминлайди. Турли таъсирларга мойил ва қизиқувчан хусусиятга эга ва ҳали ҳаётнинг “аччиқ” тажрибаларидан бехабар ёшларни чидамли, ўз фикрига ва дунёқарашига эга қилиб тарбиялаш миллий ғоя тарғиботининг асосий вазифаларидан биридир. Айнан ёш авлодимизни миллий ғояни асровчилари ва кейинги авлодга етказувчи эканликлари бу жараённи нечоғлик муҳим эканлигини яна бир бор исботлаб беради. “Табиийки”, -деб ёзади Президент И.А.Каримов “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивудализм, эгоцентризм ғояларини

тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди".[29]

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари ўтказган ва ўтказаётган таҳлили бу соҳада ишлар эндигина бошланганидан далолат беради. Глобаллашув миллий маънавиятга ҳам таъсирини ўтказади. Унинг таъсири кириб келган жамиятнинг барча соҳалари тез бўлмасада, аммо аста секинлик билан бўлсада, ўз "из"ларини қолдиради. Бундай турдаги "таъсирлар"га энг берилувчан, уни олдида ҳали заифроқ бўлган куч бу ёшлар ҳисобланади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, голобаллашув жараёнида турли ғоя ва мафкураларни айнан ёшлар орқали "кўприк" сифатида фойдаланишларига йўл қўймасликлари учун, миллатпарвар, халқчил, умуминсоний тамойилларга асосланган миллий ғоя асосида қуроллантириш бугун ушбу масаланинг қанчалик муҳимлик даражасини белгилаб беради. Мамлакатимизнинг жаҳон майдонида олиб бораётган сиёсати кўпроқ самара ва муваффақият келтиришини истасак ва энг аввало ёш авлодни келажакда давлатимизни таянчи сифатида тарбиялашга қаратилган ишларни кучайтиришимиз, глобаллашувнинг моҳияти, йўналишлари, хусусиятларини чуқурроқ тадқиқ ва таҳлил қилиш зарур. Айнан шу жараённи чуқурроқ таҳлил этиш орқали сиёсатчилар учун тўғри йўл танлаши ва қарорлар қабул қилиниши учун имконият яратилиши мумкин.

Глобаллашув-турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир.

Глобаллашувга ва унинг жамият ҳаётига таъсири доираси тўғрисидаги фикрлар хилма–хил берилган таърифлар дунёда кўплаб топилади. Бу глобаллашувнинг турли кўринишларида кириб келиши ва содир бўлиши билан бир қаторда унинг "таъсир" кучини турли туманлигини кўрсатиб

---

[29] Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. "Маъанавият" 2008. 117-бет.

беради. Лекин унинг хусусиятларини тўлароқ қамраб олгани, бизнингча, француз тадқиқотчиси Б.Банди берган таърифдир. Унда глобаллашув жараёнинг уч ўлчовига алоҳида эътибор берилади:

- Глобаллашув-мутассил давом этадиган тарихий жараён;
- Глобаллашув-жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни;
- Глобаллашув-миллий чегараларнинг "ювилиб кетиш" жараёнидир.

Давлатлар ва халқлар ўртасида бундай муносабатлар тизими мавжуд экан, аввало бу ўринда туғилиши ва кутилиши мумкин хавфларни алоҳида таъкидлашимиз керак. Жамиятнинг тараққиётига жиддий зарар келтирувчи, кўриниши ва тузилиши жиҳатидан "мулойимлик ва хушхулқ" сифатида кўринган таъсирлар жамиятнинг барча қатламини ўзига ром этади ва бундан дунё тажрибаси бўйича ёшлар кўпроқ зарар кўрадилар. Бунга XX асрнинг бошларида Японияда ишлаб чиқилган ва дунё мамлакатлари ёшларини ирodaсидан маҳрум қилиб, зомби-яъни, манқуртларга айлантиришга хизмат қиладиган "АУМ Сенрикё" диний оқимининг ҳаракатлари мисол бўла олади.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини шакллантириш ва йўналтириш учун биринчи навбатда, уларда қуйидаги хусусиятларни шакллантириш керак:

1. Ахборотни қабул қилиш ва таҳлилий фикрлаш.

Ҳар қандай жараёнда қатнашувчи шахс аналитик фикрлашга эга бўлиши керак. Воқеа-ҳодиса ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиши, жараённинг боришини таҳлил қилиш ҳамда натижавий кўринишини аниқ тасаввур қила олиши керак. Бундан ташқари, таҳлилларга таянган тарзда маълумотлар ўртасидаги боғлиқликларни аниқлай олиши ҳамда дифференциялаши лозим.

2. Шахслараро муносабатларни ташкил қилиш малакалари.

Шахс учун энг муҳим ҳолатлардан бири-коммуникативликдир. Чунки шахслараро муносабатда-шахснинг киришимлиги, бемалол алоқа ўрната олиши муҳим аҳамиятга эгадир.

3. Мотивация, ташаббус ва фаолиятни ташкил эта билиш.

Ижтимоий жамоада шахс доимо ташаббус кўрсатиш ва бунга яраша интилишга эга бўлиши керак. Бунинг учун шахс етарли билимга эга бўлиши билан бирга, ўз тактика ва стратегиясини ташкил эта олиши керак.

4. Нутқнинг ривожланганлиги.

Шахсда ижтимоий алоқаларни яхши ташкил эта олиши учун нутқ ҳар томонлама ривожланган бўлиши керак. Айниқса “оғзаки” ёки “гаплашув”, “ёзма” нутқни бойитиш устида тинимсиз ишлаш керак.

5. Мустақил фикрлаш.

Жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш учун шахсдан мустақил фикрлаш кучли талаб этилади. Бундан ташқари мустақил фикрлаш қобилиятига эга шахслар доимо ижтимоий гуруҳда ўзига хос мавқеига эга бўлишади.

6. Мустақил қарор қабул қилиш.

Шахсдан ҳар қандай жараёнда биринчи навбатда, мустақил фикр юритиш талаб этилади.

7. Маъсулиятни ўз зиммасига олиш.

Шахсда маъсулиятни ўз зиммасига олиш шаклланган бўлиши керак. Ҳозир пайтда шахснинг сиёсий фаоллигини бошқариш XXI асрдаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, бу эса сиёсий жараёнларда инсон омилининг ошиши билан изоҳланади. Инсонда лидерликка эришиш, муваффақиятга интилиш, ўз атрофидагиларга тан олдириш каби шахсий сифатлар сиёсий жараёнларнинг боришига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши табиийдир.

Ёшларни ёт таъсирлардан асраш, уларнинг турли оқимлар домига тушиб қолмаслиги учун, аввало миллий ғоя ва унинг кенг тарздаги тарғибот ва ташвивот ишларини ташкил қилиш лозим. Ёшларнинг орасида миллий ғоя тарғиботи ишларини ташкил этишнинг самарали усулларидан бири уни таълим тизими билан биргаликда амалга ошириш ҳисобланди. Чунки боланинг жамият ҳаётидан воқиф бўлиши аввало, мактаблардан бошланади. Шунингдек, замонавий педогогик технологиялар асосида, турли мавзуларга болаларни қизиқтириш, шу мавзуга нисбатан уларни фикрларини очиқ равишда билдира олишлари билан ташвиқот ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бундай замонавий интерфаол

усуллардан кенг қўлланилаётганларидан бири **“Ажурли арра”** бўлиб, бунда бир мавзуга нисбатан икки гуруҳнинг турлича эркин фикри билдирилади ва айнан тўғри деб белигиланган жавобнинг аниқ исботи берилади. Бунда аввало, мавзунинг моҳияти тўла равишда очилади ва гуруҳнинг барча аъзоси тўла иштироки таъминланади. Яна шундай усуллардан бири-**“Кластер”** усули аввало муноазара усули асосида мавзунинг таҳлили тушунилади ва у миллий ғоянинг хусусиятларига тўла мос келади, чунки, миллий ғоянинг ўзи фикрлар хилма-хиллигига асосланади.

Глобализациянинг салбий таъсирлари давлатнинг милий статусини хавф остига қўймоқда, қадриятлар ва анъанавий маданиятларни бузмоқда, ҳатто оила ҳаётига, инсоннинг шахсий ҳаётига ҳам кириб келмоқда.

Ёшларда ахборот хавфсизлигини таъминловчи омилларга қуйидагилар киради:

- Таълим ва тарбиянинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши;
- Меҳнат бозорини кадрлар билан таъминлашдаги давлат сиёсати;
- Давлат бошқарувида ёшлар иштирокини кенг таъминланиши;
- Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ёшлар муаммосини бартараф этишга қаратилганлигини киритиш мумкин.

Ёшларга тегишли муаммоларни босқичма-босқич ҳал этилиши, меҳнатни тақсимлаш маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат бозорини енгиллаштириш муаммоларининг бирин-кетин бартараф этиш натижасида ёшларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги ошмоқда.

Глобализация шароитида ахборот хуружига қарши курашишда, уни бартараф этишда таълим-тарбия жараёнининг омил сифатида ўрни беқиёс бўлиб, асосий воситалардан бири сифатида намоён бўлади:

- ёшларнинг онгги, тафаккури, дунёқараши шаклланади ҳамда шахси вояга етказилади;

- ёшларга Ватан туйғуси, меҳр-оқибат, тарихий хотира, маънавият ва маърифат сингдирилади;

- ёшларда хавф-хатарга қарши курашиш сезгилари ва кўникмалари шакллантирилади.

Истиқлолнинг сақловчилари деб баҳоланаётган ёш авлоднинг тарбияси, уларнинг маънавий салоҳиятини янада ошириш бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Замонавий билимлар билан бир қаторда, мустақиллигимизнинг асровчи маънавий дастур вазифасини бажарувчи миллий ғояни аввало билиш, унинг тарғиботида барчанинг маъсуллигини таъминлаш-даврнинг устувор мақсадларидан бири ҳисобланади. Бир жамиятда унинг манфаатлари учун хизмат қиладиган ғоянинг йўқлиги шу давлатнинг бошқага қарамлигининг бош омили бўлса, ғоя бўлсада, аммо унинг атрофида ҳеч ким бирлашмаса, бу жамият унданда кўпроқ қарамликка ва "катта оға"лар мулозаматига мубталодир. Ўзбекистон деб аталган давлатнинг манфаатларини ўзида мужассам этган миллий ғояни таъсир доирасини айнан ёшлар орасида оширишнинг асосий омилларидан бири бугун "совуқ уруш"лар таъсири камайиши билан пайдо бўлаётган "мафкура полигон"ларидан ҳимояланиш орқали миллат ҳамжиҳатлигига ва тараққиётига эришиш билан боғлиқдир. Бундай кураш майдонида Президентимиз таъкидлаганларидек, - "Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин"[30].

**Таянч тушунчалар:** Ёшлар ва миллий јоя тарјиботи технологиялари, мафкуравий таъсирлар, маънавий тарбия, миллий јояни сингдириш технологиялари, мафкуравий хавф.

**Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича саволлар.**

1. Ёшларда миллий јоя тарјиботи воситаларидан фойдаланишни ўзига хос жиіатлари.
2. Миллий јоя ва миллий јоя тарјиботи ёшларни мафкуравий таъсирлар ва хуруждан іимояланишдаги ўрни.
3. Глобализация шароитида ахборат хуружига єарши курашишда миллий јоя тарјиботи ва ёшларни ўзаро бојлиєлиги.

---

[30] Каримов И.А. Жамиятимиз мафкура халқни–халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Т.: "Ўзбекистон"., 1998 й. Б.1.

4. Ёшлар орасида янги педогогик технологиялар ва интерфаол усуллар асосида амалга оширишнинг ўзига хос жиіатлари.

## Хулоса

Ўзбекистон танланган мустақил тараққиёт йўли ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамияти қурилиши вазифаларини амалга оширишда миллий ғоя – инсонларни муштарак мақсадлар билан боғлаб турувчи, уларни йўналтирувчи ва сафарбар этувчи маънавий кучга эга. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари ҳам кенг қамровли бўлиб, доимо ўзгариб, янгиланиб, такомилллашиб бориши давр талаби ҳисобланади. Миллий ғоя тарғиботида инсон омили ҳал этувчи аҳамиятга эга. У фойдаланиётган технологиялар, механизм, услуб ва воситалар тарғиботнинг самарадорлигига, миллий ғояни инсоннинг ишонч ва эътиқодига айлантиришга кўпроқ таъсир кўрсатади.

Дунёда "мафкуравий кураш давом этаётган" шароитда "тарғибот технологиялари" ёвуз кучлар қўлидаги "мафкуравий таҳдид воситаси"га айланиши эҳтимоли сақланиб келмоқда. Унинг олдини олиш учун замонавий технологиялардан миллий ғоя тарғиботида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Миллий ғоя мақсадларини, жамиятдаги фуқароларнинг ҳар бирининг онгида ижтимоий –маънавий эҳтиёж сифатида англаниши мустақил тараққиётни кафолатлаб беради. Ўзлигимизни англашга, асраб-авайлашга хизмат қилади. Шу маънода тарғибот технологиялари эзгуликка хизмат қилиши керак.

Бугун инсониятнинг ақл-заковати билан фан-техника соҳасида муҳим ихтиролар амалга оширилмоқда. Ундан эзгу мақсадлар йўлида фойдаланиш ўзига хос ахборот алмашинувини, инсоният учун қулай шароит яратиб беради. Бу инсоннинг маънавий оламини бойишига, дунё халқларининг эришаётган

ютуқларидан хабардор бўлишига, маданий ҳамкорликнинг ривожланишига, мамлакатда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қурилишига хизмат қилади.

Аммо, ҳамма инсонлар ҳам бундай интеллектуал, аҳлоқий ва маънавий-мафкуравий таъсир кучига эга бўлган тарғибот технологияларидан ижобий мақсадларда фойдалана олмаяптилар. Шунинг учун ҳам инсон ундан фойдаланишда эзгу мақсадли бўлиши, ёмон аҳлоқий қадриятлардан ўзини тийиши ва инсонларни бир-бири билан боғлаб турадиган маънавий-аҳлоқий қадриятлар, умуминсоний ғоялар ҳам борлигини эсдан чиқармаслиги лозим. Бу бугунги дунёни сақлаб қоладиган, жамиятни ёвуз ва тажавузкор ғоялар таъсиридан қутқара оладиган ва охир оқибатда инсонни бу дунёда бир-бири билан инсон сифатида мулоқотда бўлиб яшай олишини таъминлай оладиган юксак маънавий қадриятлар мавжудлигини англаш, унга таяниш муҳим.

Миллий ғоя тарғиботи технологиялари ана шу эзгу ғоялардан озуқланган ҳолда амалга ошиши уни ёвуз ва тажавузкор мафкуралардан фарқлаб турадиган муҳим жиҳати бўлиб қолади.

## ТАРҒИБОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ “ЗАМОНАВИЙ” КЎРИНИШЛАРИ

- ахборот воситалари;
- интернет тизими;
- реклама;
- интернет клублар;
- интернетдан оммавий фойдаланиш ҳолатлари;
- турли-хил бадиий асарлар;
- кино асарлари (сериаллар);
- санъат асарлари;
- инсон (онги, тафаккури, ҳулқи, кийиниши) мақсадаларидаги жозибали ўзгаришлар;
- урф-одат, анъаналарни замонавийлаштириш ва анъанавийлик ҳолатлари;
- анъанавий қадриятларга нисбатан салбий муносабатни шакллантириш, тарғиб этиш;
- демократиянинг ягона андозасини тарғиб этиш;
- тарғиботда турли-хил “носоғлом”, “нохолис” “ғаразли” ўйинлардан, аҳлоқ кўринишларидан фойдаланишдан тап тортмаслик;
- тақлидчанлик, инсоннинг моддий инстинктларга мойиллигини оширишга уринишлар.

## СЛАЙДЛАР ВА ИЛОВАЛАР

**МИЛЛИЙ JОЯ: ЗАРУРЛИГИ, МАЪНО-МОІИЯТИ**

**МИЛЛИЙ JОЯ** - ***инсон ва жамият іаётига маъно мазмун бахш этадиган, уни эзгу маєсад сари етаклайди-ган фикрлар мажмуидир.***

**МАФКУРА**- ***муайян ижтимоий гуруі, ижтимоий єатлам, мил-лат, давлат, халє ва жамиятнинг эітиёжлари, маєсад ва муддаолари манфаатлари, орзу-интилишлари іамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган jоялар тизимидир***

**Ўзбекистоннинг тараєєиёт йўли**

**Мамлакат олдида турган маєсадлар**

**Ривожланиш стратегияси**

**МИЛЛИЙ МАФКУРАГА ЄЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

I.Миллат, халє ва жамиятни бирлаштирувчи куч ва эътироф манбаи бўлиши

II. Іар єандай илјор јояни ўзига сингдириши ва іар єандай ёт, ёвуз јояга єарши тура олиши

III. Давр ўзгаришларига мос тарзда, миллий умуминсоний єадриятларга таяниши, ўз манфаат ва маєсадларини амалга оширишнинг янги воситаларини тавсия эта олиши


БИЛИШ
ТАРБИЯВИЙ
РЕГУЛЯТИВ
КОММУНИКАТИВ
МИЛЛИЙ ЈОЯНИНГ ФУНКЦИЯСИ
НОРМАТИВ, ЄАДРИЯТЛИ
САФАРБАР ЭТИШ, ЙЎНАЛТИРИШ
ІИМОЯ
ЈОЯВИЙ БАНДЛИК


МИЛЛИЙ ЈОЯНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ
Фуєароларни уюштириш
Инсонларни јоявий тарбиялаш
Бунёдкорликка сафарбар этиш
Фуєароларда зарарли ёт јояларга єарши зарур иммунитетни шакллантириш
Жамиятни ислоі єилишнинг іаракат дастурига айланиши
Жамият аъзоларини янги ютуєларга эришишда маънавий рајбатлантириш
Турли халєлар ва миллатларни эркин демократик жамият єуриш ишларига сафарбар этиш, эркин шахс, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон іаёт єуришга эришишга тайёрлаш

# МУСТАЄИЛЛИК ТАФАККУРИ

- Ўзбекистоннинг истиєболи ва истиєлоли іаєида єайјуриш;
- ўзининг, ўз халєининг, Ватанининг єадру-єиммати, ор-номусини англаб, уни іимоя єилиш;
- юксак јоялар, янги фикрий кашфиётларнинг, ниятлар оіушида меінат єилиб истеъдоди, бор имкониятини, керак бўлса жонини юрт истиєболи, элига бахшида этишдир.

Борлиє

Оила, єариндош уруј муносабати

Инсонлар

Маънавий муіит макони

Маіалла

***Инсон онги, тафаккури ва ўзаро таъсир этувчи омиллар***



ОАВ

Таълим,

Єадриятлар

Илм - фан

Адолат, тартиботлар, меъёрлар

Дин

Ибрат бўлиш (намуна)

Урф-одат, анъаналар

Іаётдан хулоса єилиш, мустаєил фикр, єараш

Сиёсат


МИЛЛИЙ ЈОЯ - ТАРАЄЄИЁТ КОНЦЕПЦИЯСИ
НЕГИЗЛАРИ
ЙЎНАЛИШЛАРИ
Миллий маънавий єадриятлар
Умуминсоний єадриятлар
МАЪНАВИЙ
ИЄТИСОДИЙ
СИЁСИЙ
СОЦИАЛ
ІУЄУЄИЙ
ИЛМИЙ-ТЕХНОЛОГИК
ХАЛЄАРО НУФУЗИ
ДУНЁДА ЎЗИГА ХОС ЎРИНГА ЭГА БЎЛИШ


МИЛЛИЙ ЈОЯДА ХАЛЄИМИЗ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАНИШИ
Мамлакатнинг іудудий яхлитлиги, саріадларининг дахлсизлиги
Давлатнинг іарбий, иєтисодий, экологик, информацион ва јоявий таідидлардан муіофазаланганлиги
Ижтимоий-сиёсий барєарорлик јояси
Тараєєиёт јояси
Іар бир инсон, оила ва халєнинг фаровонлиги
Жамиятда адолат, демократия, ўзини-ўзи бошєариш тамойилларининг амал єилиши

## XXI АСР БОШИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

### БИРИНЧИ УСТУВОР

Мамлакат сиёсий, иєтисодий іаётини, давлат ва жамият єурилишини янада эркинлаштириш:

- Сиёсий соіани эркинлаштириш;
- Давлат єурилиши ва фуєаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш;
- Иєтисодиёт соіасини янада эркинлаштириш

### ИККИНЧИ УСТУВОР

Жамият маънавиятини янада юксалтириш:

- эркин фуєаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш;
- халє маънавиятини тикланиши;
- бой тарихий мероснинг кенг ўрганилиши;
- анъаналари-мизнинг саєланиши;
- маданият, фан ва таълим ривожи

### УЧИНЧИ УСТУВОР

Кадрлар масаласи:

- Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш

### ТЎРТИНЧИ УСТУВОР

- Халє турмуш даражасининг изчил ва барєарор ўсишини таъминлаш;
- Кучли ижтимоий іимоя

### БЕШИНЧИ УСТУВОР

Иєтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш:

- Корхоналарни янгилаш ва техник єайта жиіозлаш;
- табиий ва минерал хом-ашё салоіияти-дан тўла ва самарали фойдаланиш;
- Экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маісулотлар ишлаб чиєарадиган єувватларни барпо этиш

### ОЛТИНЧИ УСТУВОР

Жамиятда барєарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуєаролараро тотувликни, саріадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз іудудий яхлитлигини таъминлаш


ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОЄИЙ РИВОЖЛАНИШИ
АСОСЛАРИ
Маънавият
Маданият
Маърифат
НЕГИЗЛАРИ
Миллий-маънавий єадриятларга содиєлик
Умуминсоний єадриятларга содиєлик
Халєнинг маънавий меросини мустаікамлаш
Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён єилиши
Ватанпарварлик
ОМИЛЛАРИ
Оила
Аіоли сиіат-саломатлиги
Фуєаролар маънавий салоіияти
Зиёли кадрлар


МИЛЛИЙ ЈОЯНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ
Ўз миллий јоясига таянмаган жамият инєирозга дучор бўлади, ўз йўлини йўєотади
Миллий јоя
Миллий мафкура
Жамиятнинг ривожланиш стратегияси
СИЁСАТ
Демократик, адолатли жамият єуриш маєсадига миллий истиєлол јоясисиз эришиб бўлмайди
Жамият іаётида іеч єандай јоявий бўшлиєєа йўл єўйиб бўлмайди
Миллий јоя миллатнинг ўзлигини англатиб туради


ИНСОНГА JОЯВИЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШ ОМИЛЛАРИ
Jоявий таъсирда ваєт омили
Jоявий таъсир йўналишлари
Jоявий таъсир шакллари
Jоявий таъсир услублари
Иш ваєти
Аєлий
Индивидуал
Тушунтириш
Бўш ваєт
Ахлоєий
Жамоавий
Ишонтириш
Меінат
Оммавий
Эстетик
Жисмоний


ОИЛА
ЖАМИЯТ
МАІАЛЛА
ОАВ
МИЛЛИЙ ЈОЯНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ СУБЪЕКТЛАР
АРМИЯ
ДЕМОКРАТИК ІАРАКАТЛАР


МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ МУВОФИЄЛАШТИРИШ
Јоявий таъсир
Маънавий-маърифий, јоявий тарбия
Социал институтларнинг мафкуравий тарбия имкониятлари
Мафкуравий таъсир тамойиллари
Узлуксизлик
Тизимлилик
Комплекс ёндошув
Таъсирчанлик
Іозиржавоблик
Конкретлилик
Оила
Мактабгача тарбия муассасалари
Умумий таълим мактаблари
Ўрта махсус ва олий ўєув юртлари
Меінат жамоалари
Жамоат ташкилотлари
Маданий-маърифий уюшмалар

*Тарбия биз учун іаёт, ё мамот, ё нажот, ё іаловат, ё саодат, ё фалокат масаласидир.*
**(АБДУЛЛА АВЛОНИЙ)**

**МИЛЛИЙ ЈОЯНИ АМАЛГА ОШИРИШДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ТУРЛАРИ**

**Мактабгача таълим**

**Умумий ўрта таълим**

**Ўрта мухсус, касб-іунар таълими**

**Олий таълим**

**Олий ўєув юртидан кейинги таълим**

**Кадрлар малакасини ошириш ва уларни єайта тайёрлаш**

**Мактабдан ташєари таълим**


ЈАЙРИИНСОНИЙ, ЁТ ЈОЯЛАРНИНГ КЎРИНИШЛАРИ
Коммунистик мафкура
Космополитизм
Буюк давлатчилик шовинизми
Ирєчилик јояси
Фашизм, неофашизм
Агрессив миллатчилик
Панславизм
Панэронизм
Панисломизм
Пантуркизм

## ЈАЙРИИНСОНИЙ ЁТ ЈОЯЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

- Јоявий яккаіокимликка интилиш
- Демократик єадриятларни тан олмаслик
- Жамиятда ижтимоий-сиёсий берєарорликка мойиллик
- Ижтимоий ихтилофларни єўллаш

- Фикрлар плюрализмини рад этиш
- Мутлає іаєиєатга даъво єилиш
- Ягона, іукмрон мафкурага уриниш
- Аєидапарастлик ва сиёсий экстремизм


ЈАЙРИИНСОНИЙ, ЁТ ЈОЯЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ
Диний экстремизм
Бегона, сохта диний аєидалар
Жангариликни тарјиб этиш
Аєидапарастлик
Халєаро терроризм
Наркобизнес
Ноєонуний єурол-ярој савдоси

## ЈАЙРИИНСОНИЙ, ЁТ ЈОЯЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ ОЄИБАТЛАРИ

- Инсон табиатига зид, уни салбий томонга ўзгартиради
- Носојлом турмуш тарзини шакллантиради
- Фикрлар хилма-хиллигини чеклайди
- Єарамлик, тобелик, мутелик муіитини яратади
- Тафаккур тарзини ўз негизларидан бегоналаштиради
- Бегона урф-одат, анъаналарни тарјиб єилади. Уларнинг кириб келишига муіит яратади.
- Мамлакатни, халєни ўз миллий єадриятларидан, охир-оєибат ўз тараєєиёт йўлидан бегоналаштиради
- Жамиятда халєлар ва миллатлараро тотувлик, динлараро бајрикенгликка раіна солиб, ички ихтилофлар, парокандаликка олиб келади

## ЗАРАРЛИ ЈОЯЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

- Оилада ёшларга сојлом тарбия бериш
- Фуєароларнинг иймон-эътиєодини мустаікамлаш
- Миллий јурур ва ифтихор билан яшашга эришиш
- Іар томонлама комил шахслар єилиб тарбиялаш
- Мафкуравий иммунитетни кучайтириш
- Фуєаролар онгида миллий јоянинг шаклланиши


МИЛЛИЙ ЈОЯГА ЗИД, САЛБИЙ ІОЛАТЛАР ВА УЛАРДАН ЄУТУЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ
Бефарєлик,
Маєтанчоєлик
Хушомадгўйлик
Іасадгўйлик
Манманлик
Іаєиєатни менсимаслик
Таниш-билишлик, маіаллийчилик
Мансабпарастлик
УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ
Жамиятда эркин фикр ва фикрлар, јоялар хилма-хиллиги, танєид, ўзини-ўзи танєид муіитини яратиш
Демократия ва ошкоралик муіитини кучайтириш


МИЛЛИЙ ЈОЯ ТИЗИМИ
Хусусиятлари
Концепцияси
Миллий ва умуминсоний єадриятларнинг уйјунлиги
Инсонпарварлик
Ижтимоий адолат тамойилларига асосланиши
Миллатнинг энг муєаддас туйјулари, орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирганлиги
И.А.Каримов асарлари
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
Ижтимоий-фалсафий гуманитар фанлар
Илмий-назарий умумлашмалар


МИЛЛИЙ ДУНЁЄАРАШ НЕГИЗЛАРИ
ФАЛСАФА
ДИН
ИЛМ
СИЁСАТ
ІУЄУЄ
ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ
АХЛОЄ
ЭСТЕТИКА
МАЪНАВИЯТ-
МАЪРИФАТ


МИЛЛИЙ ТАФАККУР ТАРЗИ, АСОСИЙ ТАЯНЧЛАРИ ВА НЕГИЗЛАРИ
Миллий тафаккур тарзи
Миллатнинг дунёєараши
Миллий характери
Миллий єадриятлари
Миллатнинг тарихи ва тарихий хотираси
Умумбашарий єадриятлар
Умуминсоний єадриятлар
Замонавий єадриятлар
Она тили
Халєнинг илјор урф-одатлари, удумлари
Халєнинг диний эътиєоди
Халєнинг маданияти


ХАЛЄИМИЗНИНГ МИЛЛИЙ ХАРАКТЕРИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР
МЕІНАТСЕВАРЛИК
БОШЛАГАН ИШИНИ ОХИРИГА ЕТКАЗИШ
САРАНЖОМ-САРИШТАЛИК
ІАЄИЄАТГЎЙЛИК
КАМСУЄУМЛИК
ТАРТИБ-ИНТИЗОМ
ВАЄТНИ ЄАДРЛАШ
ЯНГИЛИККА ИНТИЛИШ
ЎЗИНИ ВА ЎЗГАЛАРНИ ЄАДРЛАШ
МЕІМОНДЎСТЛИК
КАТТАЛАРГА ІУРМАТ ВА КИЧИКЛАРГА ИЗЗАТ

# ЎЗБЕКИСТОНДА НИШОНЛАНАДИГАН БАЙРАМЛАРДА МИЛЛИЙ ЈОЯНИНГ АКС ЭТИШИ

## БАЙРАМЛАР

- Мустаєиллик куни
  1 сентябр
- Конституция куни
  8 декбр
- Ватан іимоячилари куни
  14 январ
- Ўєитувчилар ва мураббийлар куни
  1 октябр
- Наврўз
  21 март
- Рўза іайити
- Єурбон  іайити
- Хотира ва єадрлаш куни
  9 май
- Янги йил
  1 январ
- Халєаро хотин-єизлар куни
  8 март
- Халєаро болалар куни
  1 июн

- **Миллий бирдамлик**
- **Миллий кўтаринкилик**
- **Миллий ва умуминсоний єадриятлар уйјунлиги**
- **Юртга садоєат**
- **Ватанпарварлик**
- **Фидойилик**
- **Меір - муіаббат**
- **Ўзаро іурмат, инсоний эітиром ва єадр-єиммат**
- **Урф-одатлар, анъаналарни эъзозлаш**
- **Тарихий хотира**


МИЛЛИЙ ЈОЯДА ЄАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ
Єадриятлар тизими
Миллий єадриятлар
Минтаєавий єадриятлар
Ахлоє-одоб, урф-одат шаклидаги єадриятлар
Инсон амалий фаолияти билан бојлиє єадриятлар
Атроф-муіит, турар жой софлигига хизмат єилувчи єадриятлар
Инсонлараро іамкорликка асосланган єадриятлар
Кишилар ёши, касби, жинси, ирєий хусусиятлари билан бојлиє єадриятлар
Диний єадриятлар
Іуєуєий, демократик єадриятлар
Шахсий єадриятлар
Оилавий єадриятлар
Умуминсоний, умумбашарий єадриятлар

## ЎРТА ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ВА МИЛЛИЙ ЈОЯ

**ФАЙЛАСУФ МУТАФАККИРЛАР**

Хоразмий
Ал-Фаробий
Ал-Фарјоний
Беруний
Абу Али Ибн Сино
Амир Темур
Мирзо Улујбек
Алишер Навоий
Заіириддин Муіаммад Бобур

**ТАСАВВУФ ТАРИЄАТИ НАМОЁНДАЛАРИ**

Аімад Яссавий
Нажмиддин Кубро
Баіовуддин Наєшбанд

**ИСЛОМ ВА ФИЄІ ИЛМИ**

Марјиноний
Матурудий

**МУІАДДИСЛАР**

Ал-Бухорий
Ат-Термизий

**ШАРЄ ВА ЈАРБ МУТАФАККИРЛАРИ ЄАРАШЛАРИ ВА ТАЪЛИМОТЛАРИ**


АМИР ТЕМУР ФАОЛИЯТИДА МИЛЛИЙ ЈОЯНИНГ АКС ЭТИШИ
Миллий ориятни юксак єадрлаш
Миллий давлатчилик јоясига садоєат
Озодликка ташналик, уни юксак єадрлаш
Иймон - эътиєодлилик
Чет эл босєинчиларга нафрат
Миллий јурур
Миллий єадриятларни эъзозлаш
Миллатнинг шон-шавкати учун єайјуриш
Адолат

# ВАТАН РАВНАЄИ JОЯСИ

**ВАТАН** - *инсоннинг киндик єони тўйилган тупроє, уни камол топтирадиган, іаётига маъно-мазмун бахш этадиган табаррук маскандир. У аждодлардан авлодларга єоладиган буюк мерос, энг азиз хотира. Ватан - ота - боболаримизнинг хоки поклари жо бўлган, вацти соати етиб іар биримиз бош єўядиган муєаддас заминдир*

**Ижтимоий омиллари**

- Инсоннинг Ватанни идрок этиши, унинг учун єайјуриш іисси
- Эркин шахс
- Ижтимоий-сиёсий барєарорлик
- Ижтимоий адолат

**Сиёсий-іуєуєий омиллари**

- Єонун устуворлиги
- Мулк хилма-хиллигининг кафолатланиши
- Демократия

**Иєтисодий омиллари**

- Мулк хилма-хиллиги
- Эркин тадбиркорлик фаолияти
- Хусусий мулкнинг дахлсизлиги
- Табиий бойликлардан оєилона фойдаланиш

**Маънавий омиллари**

- Янги технологиялар
- Илм-фан
- Маданият
- Маърифат


ЮРТ ТИНЧЛИГИ ЈОЯСИ
ЮРТ ТИНЧЛИГИ - бебаіо неъмат, улуј саодатдир. Башарият ўз тараєєиётининг барча босєичларида, аввало, тинчлик-тотувликка интилиб келган. Юрт тинчлиги - барєарор тараєєиёт гарови
Саріадлар дахлсизлиги
Фуєароларнинг Ватанга садоєати
Замонавий єуролли кучлар
Ватанпарварлик
Фидойилик

# ХАЛЄ ФАРОВОНЛИГИ ЈОЯСИ

**ХАЛЄ ФАРОВОНЛИГИ** - *мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоіотларнинг олий маєсади - халєимизга муносиб турмуш шароити яратишдан иборат. Яъни, ислоіот-ислоіот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон іаёти учун хизмат єилиши керак. Жамиятимиздаги іар єандай янгиланиш, іар єандай ўзгариш моіиятида ана шу эзгу маєсад мужассамдир.*

**Фаровон турмуш даражаси**

**Кучли ижтимоий іимоя сиёсати**

**Инсонга муносиб фаровон, моддий ва маънавий іаёт тарзи**

**Инсон омилининг юксак мавєега єўйилганлиги**


КОМИЛ ИНСОН JOЯСИ
КОМИЛ ИНСОН- іам миллий, іам умумбашарий моіиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни іамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб jоядир.
Жисмоний баркамоллик
Маънавий баркамоллик
Аєлий баркамоллик
Миллий єадриятларга содиєлик
Умумбашарий єадриятларни іурмат єилиш


МИЛЛИЙ ЈОЯ - КОМИЛ ШАХС МАЪНАВИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ
Инсон
Баркамол шахснинг шаклланиши
Фазилатлар
Озод шахс компонентлари
Шахс єиёфаси
Одам
Объектив шарт-шароитлар
Хислатлар
Эркин фикр
Руіий
Индивид
Субъектив омиллар
Хосиятлар
Эркин фаолият
Маънавий
Шахс
Малакалар
Фаровон яшаш
Жисмоний
Хулє-атвор
Профессионал
Іатти-іаракат
Јоявий
Ахлоєий

## ИЖТИМОИЙ ІАМКОРЛИК JОЯСИ

**ИЖТИМОИЙ ІАМКОРЛИК** - ***муроса фалсафаси бўлиб, хилма-хил фикр ва єарашларга эга бўлган, турли миллат, ирє ва динга мансуб шахс ва гуруіларнинг умумий маєсад йўлидаги іамжиіатлигини таъминлайди. Натижада жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, барєарор тараєєиётнинг мустаікам кафолати вужудга келади.***

Турли ижтимоий гуруілар ва єатламлар фикрлари ва єарашлари, маєсадлари, интилишларининг ўзаро мувофиєлиги

Жамиятнинг умумий маєсадининг турли ижтимоий гуруілар ва єатламлар фикрлари ва єарашлари, маєсадлари, интилишлари билан ўзаро мувофиєлиги

Турли миллат, ирє ва динга мансуб шахс ва гуруілар іамкорлиги, іамжиіатлиги

Тинчлик ва тотувлик

# МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ЈОЯСИ

**МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК** - ***умумбашарий єадрият бўлиб, турли хил халєлар биргаликда истиєомат єиладиган минтаєа ва давлатлар миллий тараєєиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барєарорликнинг кафолати бўлиб хизмат єилади.***

- МИЛЛАТЛАРНИНГ ЎЗАРО ТЕНГІУЄУЄЛИЛИГИ
- МИЛЛАТЛАРАРО ІАМКОРЛИК
- МИЛЛИЙ -МАЪНАВИЙ, МАЪРИФИЙ ТАРАЄЄИЁТ
- МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ, МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРНИ ІИСОБГА ОЛИШ

- ТУРЛИ ХАЛЄЛАР ВА МИЛЛАТЛАР МАДАНИЯТЛАРИГА ОЧИЄЛИК
- БОШЄА МИЛЛАТЛАРГА ІУРМАТ БИЛАН ЄАРАШ
- МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ЄАДРИЯТЛАРНИНГ УЙЈУНЛИГИ


БАЈРИКЕНГЛИК ЈОЯСИ
БАЈРИКЕНГЛИК ВА УНИНГ КЎРИНИШЛАРИ
Инсоний бајрикенглик
Бајрикенгликнинг намоён бўлиши
Бајрикенгликнинг йўналишлари
Оилавий бајрикенглик
Ўз-ўзини іурматлаш ва єадрлаш
Диний бајрикенглик
Миллий бајрикенглик
Муроса
Ижтимоий бајрикенглик
Ўзаро іурмат
Умуминсоний бајрикенглик
Єадрлаш
Иєтисодий бајрикенглик
Сабр-тоєат
Сиёсий бајрикенглик
Чидамлилик
Єаноат
Шукр єилиш
Халєаро ва давлатлараро бајрикенглик

# ДИНЛАРАРО БАЈРИКЕНГЛИК ЈОЯСИ

**ДИНЛАРАРО БАЈРИКЕНГЛИК-** ***хилма-хил диний эътиєодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб јоя ва ниятлар йўлида іамкор ва іамжиіат бўлиб яшашини англатади. Єадим-єадимдан дин аксарият маънавий єадриятларни ўзида мужассам этиб келади. Миллий єадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб келаётгани іам диннинг ана шу табиати билан бојлиє.***

**Турли конфессияларнинг тенгіуєуєлилиги**

**Турли конфессияларга іурмат билан єараш**

**Диний эътиєод эркинлиги**

**Виждон эркинлиги**

**Диний єадриятларни іурматлаш**


АСОСИЙ ДИНИЙ ЙЎНАЛИШЛАР
ДУНЁВИЙ ДИНЛАР
МИНТАЄАВИЙ ДИНЛАР
Буддизм
Христианлик
Ислом
Зардуштийлик
Хинаяна
Католик
Суннийлик
Индуизм
Махаяна
Протестент
Шиа
Иудаизм
Ламаизм
Провослав
Муридизм
Жайнизм

# МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ВА БАЙРАМЛАРДА МИЛЛИЙ JOЯНИНГ АКС ЭТИШИ

- Миллий санъат
  - Миллий раєслар
  - Фольклор, халє ојзаки ижоди
  - Миллий либослар
  - Миллий мусиєачилик
  - Миллий таомлар

- Миллий байрамлар
  - Наврўз байрами
  - Мустаєиллик куни
  - Хотира ва єадрлаш куни
  - Ватан іимоячилари куни


ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ОБИДАЛАРДА МИЛЛИЙ ЈОЯНИНГ АКС ЭТИШИ
Тарихий обидалар
Муєаддас єадамжолар
Археологик ёдгорликлар
Єадимий санъат асарлари
Ёзма манбалар
Замонавий маданий иншоотлар
Миллий архитектура
Мустаєиллик йилларида барпо этилган маънавий мажмуалар
Янги барпо этилган музейлар

## АДАБИЁТЛАР:


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори. «Халқ сўзи», 2006 йил 26 август.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши. «Маърифат». 2001 йил 20 январь.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
8. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
12. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2006.
13. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқий ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

14. Каримов И.А. Эл-юрт ташвиши билан яшаш, одамларнинг орзу-интилишларига қанот бериш – ҳар бир раҳбарнинг бурчи // «Халқ сўзи», 2006 йил 20 октябрь.
15. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқий ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: «Ўзбекистон», 2006.
16. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т.: «Ўзбекистон», 2007.
17. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007.
18. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига қилинган маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007.
19. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
20. Буюк сиймолар, алломалар. -Т.: «Маънавият», 1995.
21. Жакбаров М. Комил инсон јояси: тарихий-фалсафий таілил. –Т.: Абу Али ибн Сино нашриёти, 2000.
22. Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. -Т.: Маънавият, 2001.
23. Каримова В. Тарјиботнинг психологик услублари. -Т.: Маънавият, 2001.
24. Каримова В., Умаров А., Єуръонов М. Миллий истиєлол јоясини халєимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари. -Т.: Янги аср авлоди, 2001.
25. Миллий истиєлол јояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т: Ўзбекистон, 2001.
26. Миллий истиєлол јояси ва мафкураси: фалсафий ва іуєуєий жиіатлар. -Т.: 2001.
27. Миллий истиєлол јояси тарјиботининг илмий асослари. -Т.: 2002.
28. Миллий јоя – бизнинг јоя. -Т.: 2001.
29. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. –Т.: Академия, 2007.
30. Миллий ғоя: назарий манбалар. –Т.: Академия, 2007.

31. Миллий ғоя-илмий тадқиқотларнинг назарий-методологик асоси-илмий тўплам.1-китоб. «Ҳаёт нашрёти» Андижон-2008 й.
32. Миллатлараро іамжиіатлик-барєарорлик омили. -Т.: 1999.
33. Мустаєиллик. Изоіли илмий-оммабоп лујат. -Т.: Шарє, 2000.
34. Назаров Є. Миллий истиєлол јоясининг асосий маєсад ва вазифалари. -Т.: Янги аср авлоди, 2001.
35. Назаров Қ., Эргашев И. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. – Т.: Академия, 2007.
36. Ортиєов М., Усмонов М. Јоя ва мафкура. -Т.: Янги аср авлоди, 2001.
37. Отамуротов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: јоявий жараёнлар ва мафкуравий таідидлар. –Т.: Янги аср авлоди, 2001.
38. Олимов С. Миллий мафкура – халє таянадиган куч. Т.: 2000.
39. Пахрутдинов Ш. Таідид - іалокатли куч. Т.: «Академия», 2001.
40. Садулла Отамуратов, Сарвар Отамуратов. Ўзбекистонда маънавий-руіий тикланиш. «Янги аср авлоди», Тошкент, 2003.
41. Умарова Н. Миллий истиєлол јоясини умумий таълим тизимида сингдириш технологияси. 2003.
42. Єорабоев У. Ўзбек халєи байрамлари. «Шарє», Тошкент, 2002.
43. Шарафитдинов О. Истиєлол фидоийлари: Мустафо Чўєай, Чўлпон, Отажон Хошим. –Т., 1993.
44. Эргашев И. Тараєєиёт фалсафаси. –Т.: Академия. 2000.
45. Эргашев Ф., Эргашев И. Фидойилик - іаёт мазмуни. «Ўзбекистон» -Т.: 2001.
46. Эргашев И., Шарипов Б., Жакбаров М. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. -Т.¦ Академия. 2002.
47. Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. – Т.: Академия. 2004.
48. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.
49. Єодирова М. Ёшлар онгида јоявий дунёєарашни шакллантириш. –Т.: Янги аср авлоди, 2002.
50. Єосимов Б. Миллий уйјониш. –Т., «Маънавият», 2003.

51. Іусниддинов З. Ислом – йўналишлар, масіаблар, оєимлар. –Т.: «Мовароуннаір», 2000.